

396

Ўттинч тўртинчи йил чиқиши  
Муҳаррам 1441ҳ – сентябр 2019м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

**Муборак набавий ҳижрат хотирасини фақат  
нишонлаш эмас, балки жонлантириш даркор**



**Эй мусулмонлар: Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни тиклаш сари ҳаракатга келишингиз учун шунча чеккан ғам, алам, қийинчилик, адоват ва азоблар етарли эмасми?**

**Дунё молиявий тизимида хавф солаётган хатарлар**

**Раббоний уламоларнинг нурли позицияларидан лавҳалар**



396

Ўттиз тўртинчи  
йил чиқиши  
Муҳаррам 1441х  
Сентябр 2019м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Урибў сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Муборак набавий ҳижрат хотирасини фақат нишонлаш эмас, балки жонлантириш даркор ..... 3
- Эй муслмонлар: Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифаликни тиклаш сари ҳаракатга келишингиз учун шунча чеккан ғам, алам, қийинчилик, адоват ва азоблар етарли эмасми? ..... 12
- «Зўравон экстремизмга қарши кураш» муслмонларни бўлиш сиёсати сирасига киради ..... 23
- Ҳазоратлар – тўқнашувми ёки диалог? Қисқача хулоса ..... 32
- Дунё молиявий тизимига хавф солаётган хатарлар ..... 41
- Яхши яшаш... инсоният ғоясидир ..... 49
- **Олам муслмонлари хабарлари** ..... 58
- **Қуръони Карим суҳбатиди** ..... 65
- **Жаннат боғлари:** Росулulloҳ ﷺнинг васиятларидан ..... 72
- **Уларнинг Ҳидоятларига эграшинг:** Раббоний уламоларнинг нурли позицияларидан лавҳалар ..... 75
- **Сўнги сўз:** Вашингтон Пост: Тинчликни унутинглар... Трамп ва Исроил фаластиниликларнинг таслим бўлишини истайди ..... 79
- Шундай қилиб, Кремл Исломи динини ўз манфаати учун ишлатмоқда ..... 80



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**МУБОРАК НАБАВИЙ ҲИЖРАТ ХОТИРАСИНИ ФАҚАТ  
НИШОНЛАШ ЭМАС, БАЛКИ ЖОНЛАНТИРИШ ДАРКОР**

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا أَنْ أَخْرِجْ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَذَكِّرْهُمْ

بِآيَاتِ اللَّهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Мусони (Бану Исроил қавмига) Ўз оятларимиз билан юбориб, қавмингни зулматлардан нурга олиб чиқ ва уларга Аллоҳнинг айёмларини эслат! Албатта, бунда ҳар бир сабр-қаноатли, шукр қилгувчи киши учун оят-ибратлар бордир (дедик)»*

[Иброҳим 5]

Ушбу ояти каримада Аллоҳнинг айёмларини хотирлаш-эслаш шаръан жоизлиги ва бу динни қалбларга жо этишга тааллуқлилиги таъкидланди. Ушбу ояти кариманинг латиф жиҳатларидан бири шуки, унда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ўз Росулини, пайғамбарларнинг одамларни зулматлардан нурга чиқариш учун олиб борган даъватларида ўтказган айёмлари бир хил кечишидан хабардор қилмоқда. Росулulloҳ ﷺ ушбу ваҳидан ўзидан олдинги росуллар қандай ишларни бошдан ўтказган бўлсалар, ул зот ҳам шундай нарсаларни бошдан ўтказажани билдилар. Албатта, бу юқларини кўтаришга ва вазифаларини бажаришга ҳеч ким қодир бўла олмайдиган, фақат сабр-бардошли миннатдор зотларгина қодир бўладиган даъватдир. Мусулмонлар Пайғамбар ﷺнинг одамларни зулматдан нурга олиб чиқишдаги даъватида ўтказган айёмларини, хусусан ҳижратни ва у ўз ичига олган маънони ҳамда у юклайдиган вазифаларни эсламоқлари лозим. Токи, даъватни етказиш ва унда сабрли бўлишда ҳамда кулик қилиш имкониятини бергани учун Аллоҳга шукр қилишда Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари асосида бардавом бўлсинлар. Зеро, бу ишда бизга ўрнак ва ибрат Росулимиздир. Аллоҳнинг ўз Росулига қилган хитоби, ул зотнинг Умматига қилинган хитоби демақдир. Агар бу хитобни хословчи бирор далил келмаган бўлса, албатта. Шу жиҳатдан, Росулulloҳ қилган ишлар динни барпо этиш билан боғлиқ даъват асосларидандир. Айниқса, ул зот бир ўзлари ҳижрат

қилмадилар, балки ул зот имон келтирганлар билан бирга ҳижрат қилдилар. Улардан фақат озгина кишилар, яъни, ўша пайтда мушриклардан мусулмонлигини яширган озчилик ҳижрат қилмадилар.

Бироқ бугунги кунда барча мусулмон уламолари ва уларга эргашган мусулмонлар мубтало бўлган аҳвол шуки, улар бу каби айёмларни вазифа юкламайдиган оддий хотира сифатида эслайдиган бўлиб қолишди. Сиз, уларни ҳижратни худди қиссадек тилга олишаётганига, унинг диққатли ерларини мусулмонларга қўшиқ қилиб куйлаб, тарихий байрам қилиб олишганига гувоҳ бўласиз. Улар ҳижратга динимиздаги бугун учун машъала ва келажак учун гултожи сифатида эмас, балки гўзал бир мозий сифатида қарашяпти, ҳижратга нисбатан ўзларидан талаб қилинган ишларни бажаришмаяпти. Қачон ҳижратни байрам сифатида нишонлайдиган бўлсалар, бу йилги ҳижратнинг кейинги йилгача биздан талаб қилган ҳаққини адо этдик, деб ҳисоблашяпти.

Аслида, ҳижрат хотираси динимизнинг барпо этилиши билан чамбарчас боғлиқ. У Ислом даъвати давлат босқичига кўчган бир бурилиш бўлиб, Росулulloҳ билан асҳоби киромларининг Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага кўчишларида ўз аксини топган. Зеро, Ислом уламолари ҳижратга куфр диёридан Ислом диёрига кўчиш, дея таъриф берганлар. Модомики, мусулмоннинг Ислом диёрида яшаши фарз экан, демак, Росулulloҳ адо этган ва ҳижратга олиб борган амалларни бажариш ҳам у учун шаръан фарзлик даражасида талаб қилинган амал ҳисобланади. Шунинг учун ушбу муносабатга тўхталиш Аллоҳ томонидан бандаларга юкланган аҳкомларни амалга оширишга олиб бормоғи даркор. Бу аҳкомлар инсонларни зулматдан нурга чиқарадиган ва сабр-бардошли миннатдор зотларгина қила оладиган аҳкомлардир.

Мусулмонлар ва уламоларнинг ушбу хотирани жонлантирмасдан фақат нишонлашга чекланиб қолиши динни барпо этишда Аллоҳ Таолонинг амрини бажаришга эътиборсизлик қилиш ва ушбу улкан вазифани бажаришдан бўйин товлаш демакдир. Бу эса, Исломнинг келишига сабаб бўлган мақсаддан, Аллоҳга ер юзида қуллик қилиш мақсадидан бурилиш, демакдир. Буни – Росулulloҳ Маккада адо этганлари ва Мадинада барпо этиш учун замин тайёрлаганлари каби – динни барпо этмасдан адо қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳижрат Маккадаги иш билан Мадинадаги иш ўртасини ўлчайдиган кўприк бўлди. Мусулмонлар ҳар йили ҳижратни тантана сифатида нишонлаб, бу хотирада динни барпо қилиш амалиётига ўтмас эканлар, бу билан ҳар йили

Аллоҳнинг ҳужжатини ўз зиёнларига қўймоқдалар. Айнан шу сабабдан, набавий ҳижрат хотираси мусулмонлар учун уларни айнаи улуғ фарзга нисбатан мудраш ва гафлатдан уйғотадиган буюк хотира бўлмоғи лозим.

Росулulloҳнинг замоналарида ушбу ҳижратдан олдинги ишлар бошқа, ундан кейинги ишлар бошқа бўлди. Бугун ҳам мусулмонлар амали шундай бўлмоғи даркор. Чунки, агар мусулмон киши ҳижратдан кейин динни барпо этиш ва ёйиш амаллари бўлганига назар солса, Росулulloҳнинг Маккада нима мақсад сари ҳаракат қилганларини ва Мадинада нима учун ҳозирланганларини тушунади. Оламшумул даъватни рўёбга чиқариш ва Исломни ер юзининг ҳар бир чекасига етказиш йўлида ҳаракат қилганларини англаб етади. Токи, мусулмон Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** [Зарийёт 56]

деган каломини рўёбга чиқарсин. Шунингдек, у бунинг учун нима қилмоғи ва нима ҳозирламоғи лозимлигини ҳам тушуниб олади. Шубҳасиз, бу ҳар бир мусулмонга динни барпо этиш масъулиятини эслатадиган ва бу борада эътиборсиз бўлишнинг жавобгарлигини юклайдиган хотирадир.

Ҳижрат хотираси мусулмонларга қуйидагиларни эшлашга ундамоғи лозим: энг муҳим ҳукм бўлмиш Ислом давлатининг йўқлиги туфайли бугун жуда-жуда кўп Ислом аҳкомлари ҳаётда ишламаяпти. Исломни ёйиш учун Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ҳам, Ислом давлатига боғлиқ. Шунингдек, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш, битта халифани сайлаб, барча исломий юртларни бирлаштириш, барча Ислом аҳкомларини татбиқ қилиш... ва бошқа Аллоҳ Таоло мусулмонларга буюриб, фарз қилган барча ишлар, Ислом давлатининг бўлишига боғлиқ. Бундан ташқари, жазо ҳадларини ижро этиш, мулкчилик, ер муомалалари, валюта ва банклар ҳақидаги аҳкомларни татбиқ қилиш, ҳатто намоз, рўза, закот, ҳаж ва мерос аҳкомлари ҳам барчаси, яъни, ушбу аҳкомларни адо этмаган кимсаларга жазо қўллаш Ислом давлатига боғлиқ. Бугун уламоларимиз Исломни мусулмонлар ҳаётида унинг давлатисиз тушунишяпти, биз буни қандай тушунишаётганидан, бу ҳолатни ўзларига қандай сингдиришаётганидан ҳайратланиб ёқа ушлаяпмиз. Ахир, давлатнинг бўлиши Ислом асосларидан бўлиб, Росулulloҳ



Мадинада мусулмонларга ҳам ҳукмдор, ҳам кўмондон сифатида ҳаракат қилганлар, бу ул зотдан ҳеч қачон ажралмаган кўриниш эди, қандай қилиб уламоларимиз бу суратни тасаввурларидан ўчириб юборишди?!!

Бугунги кунда мусулмонларнинг барча уламолари диннинг ибодат, ахлоқ, никоҳ, талоқ, мерос... каби шахсга тааллуқли аҳкомларига чекланиб қолганига қандай рози бўлишяпти экан?! Зотан, булар Ғарб мусулмонлар ҳаётида сақланиб қолишига рухсат берган аҳкомлардир. Ҳаёт тузумларини ташкил этган ҳамда одамларнинг ўзаро муносабатларини тартибга келтирадиган аҳкомларни Ғарб тақиқлайди. Ҳолбуки, бу аҳкомларни давлат татбиқ қилади. Аммо уламоларимизнинг аҳкомлар тақиқланишига сукут қилишлари бунга рози бўлишдир, Ғарбнинг мусулмонлар ҳаётининг Ислом билан бошқарилишига тўсқинлик қилаётганини қабул қилишдир. Ахир, сукутлари буни зимдан тан олиш эмасми?! Бу Ғарбнинг дин ҳақидаги тушунчасидан келиб чиққан динни ҳаётдан ажратилишига розилик эмасми?! Ҳа, бугунги уламоларимиз ҳар йили ҳажратни мана шундай аҳволда нишонлаш билан Аллоҳ олдида ўзларига қарши ҳужжат тайёрламоқдалар. Ахир, дин бундай тушунилмайди!

Мусулмонларга эслатма сифатида шуни айтмоқчимизки, қачон Ғарб юртларимизни босиб олиб, бўлиб ташлаб, илмоний асосдаги конституциявий давлатлар тиклаган пайтда, шаръий билимлар дастурини ҳам тузиб берди. Бу эса, динни Ғарб истаган йўл бўйича ўрганиш бўлиб, уни ҳаётдан, бинобарин, давлатдан ажратилади. Наҳотки, сиз уламоларимиз динни шундай тушунсангиз?! Шундай тушуниш билан сиз Ислом давлати, деган ҳукмни мусулмонлар миясидан ўчирилишига Аллоҳ олдида ҳаммадан ҳам сиз биринчи жавобгарсизку?!

Энди, барча мусулмон ўлкаларида ҳижрат хотирасининг қандай нишонланаётганини тасвирламоқчимиз. Биз уни нишонлаётган уламоларнинг фақат ваъзу насиҳат қилишдан нарига ўтишмаётганига, ҳаммалари бир хил пластинкани айлантиришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Масалан, улардан бири ҳижрат осийликлардан қилинган ҳижрат бўлган, деса, яна бири ҳижратнинг маъноси мусулмоннинг бир бузук макондан бузуклиги озроқ иккинчи маконга кўчиши, демоқда. Яна бошқа уламолар Росулulloҳ ﷺнинг Маккада бошдан кечирган машаққатли вазиятларидан мусулмонлар ҳам таълим олиб, сабр қилишни ўрганмоқлари керак, деяпти. Яна баъзилари ҳижрат Уммат бирлигидир, биз айни бирликни сақлаб, уни такомиллаштириб,

кучайтирмоғимиз зарур, деса, яна бошқалари мусулмонлар ўзаро ихтилофларига яқун яшаш зарур, токи, бошқа миллатлар уларга кўппаклар суякка ташлангандек ташланмасин, деб айтишмоқда. Яна баъзи уламолар ҳижрат буюк тарихий муаллимдир, шу боис мўминлар амири Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه тарихни ҳижратдан бошладилар, деяпти ва мусулмонлардан ҳаётларида фақат милодий тарихга чекланиб қолмай, ушбу тарихни ҳам муҳофаза қилишларини талаб қиляпти. Бошқа бир уламолар ҳижрий янги йил хотираси Уммат учун тарихий асосни шакллантиради, дейишмоқда. Уламоларнинг бу ва бошқа мавъизалари жуда кўп. Лекин улардан бирортаси ҳам мусулмонлар вазиятини тубдан амалда ўзгартиришга даъват қилмаяпти. Аксинча, барчаси Ислонинг иккиламчи жиҳатларида ўзгариш яшашга, турли-туман назарий ислохотлар қилишга чақиряпти. Буларга ўхшаган мавъизалар билан намуна олиш мукамал бўлмайди. Чунки, улар ортидан амал келиб чиқмайдиган қуруқ мавъизалар бўлгани учун кўзланган мақсадни рўёбга чиқармайди. Улар ўзининг асосий маъносига, яъни, Халифалик давлатини барпо этиш фарзлигига асосланмаган. Бугун уламолар айтаётган гапларни ипсиз тасбеҳга ўхшатиш мумкин, фақат дончалари бор, ипи йўқ, яъни дончаларни бир сафга тизувчи Ислон давлати йўқ, улар билан ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Росулulloҳ, дея ўгириб бўлмайди.

Ҳижрат – Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم Маккада ўн уч йил ҳаракат қилиб, Ислон асосида саҳобалар гуруҳини яратгандан сўнггина амалга ошди. Бу йиллар ичида ул зот саҳобаларига оятларни тиловат қилиб, уларни ширкдан покладилар ва Китобу ҳикмат (суннат)дан таълим бердилар. Шундан кейингина уларга ҳижратни танитдилар. Мадинада Ислон билан ҳукм юритиш лозимлиги ҳақида афкори оммани пайдо қилгач, Ислон номи кенг тарқалди ва Пайғамбар صلى الله عليه وسلم ўзларига нусрат беришга ҳамда ораларида Аллоҳ нозил қилган аҳкомларни барпо этишга рози бўлган ансорлар етиштириб чиқардилар. Сўнг улар Росулulloҳга иккинчи Ақаба байъатини беришди. Буни мусулмонлар уламолари уруш байъати, деб аташган. Мадинадаги мўминлар ул зотга Аллоҳнинг ҳукмини жорий қилиши ва Ислонни барча динлардан ғолиб этиши шарти билан байъат қилишди. Ушбу байъат ҳижрат ортидан бўлди ва ҳижратнинг меваларидан бирига айланди. Яъни, агар мана шу байъат бўлмаганида, ундан олдинги ҳижрат ҳам бўлмас эди. Ансорийлардан Жобир ибн Абдуллоҳ сўзига қулоқ тутинг: ушбу байъатни гувоҳи бўлган бу зот бизга шу ҳақда бундай дейди:

«Росулуллоҳ ﷺ Маккада ўн йил турдилар... Ақоз ва Мажнада ҳамда ҳаж мавсумида Минода туриб, одамларга қарата, Роббимнинг рисоласини етказишим учун ким менга бошпана берса, ким менга нусрат берса, эвазига жаннатни олади, дер эдилар. Бир киши Яман ёки Мадардан сафар қилиб чиқаётган бўлса, унга қавми Қурайш йигитидан сақлангин, фитналаб қўймасин сени, дер эди. Ул зот сайёҳлар орасига кирсалар, ул зотга қўлларини ўқталиб кўрсатишарди. Ва ниҳоят, Аллоҳ бизни у зотга Ясрибдан юборди ва биз ул зотга бошпана бердик, пайғамбарликларини тасдиқладик. Биздан бир киши чиқиб, ул зотга имон келтирарди, ул зот унга Куръон тиловат қилардилар, у ўз аҳлига қайтганда эса, бутун аҳли Исломни қабул қиларди... Шу тарзда ансорлар хонадонлари орасида мусулмон бўлиб, Исломни зоҳир қилмаган бирорта ҳам хонадон қолмади. Кейин барча ансолар тўпландик. Сўнг, қачонгача Росулуллоҳни Макка тоғларида қувғинда ва таҳдидда юришига ташлаб қўямиз? – дедик ва биздан ул зотнинг олдига етмиш киши жўнаб кетдик. Шундай қилиб, Росулуллоҳ олдига мавсумда борганимизда Ақабага ваъдалашдик. Ҳаммамиз ул зотнинг атрофига бир-икки кишилашиб тўпланиб, ё Росулуллоҳ, нима асосида сизга байъат қиламиз? – деб сўрадик! Ул зот айтдилар: **«хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам қулоқ солиб итоат қилишга, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам инфоқ қилишга, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмай ҳақни айтишга, олдингизга борганимизда менга нусрат-ёрдам беришга, ўзингизни ва аёлу фарзандларингизни ҳимоя қилган нарсадан мени ҳам ҳимоя қилишга байъат қилинг, буларнинг эвазига сизга жаннат бўлади»**. Биз ўрнимиздан туриб, ул зотга байъат қилдик. Ул зотнинг қўлларини ансорларнинг энг ёши бўлган Ибн Зарора тутди ва бундай деди: Эй Ясриб аҳли, секинроқ, биз бу зотни Аллоҳнинг Росули ﷺ эканликларини биламиз, ул зотнинг Маккадан чиқариб юборилгани бутун арабларнинг бўлинишини, яқинларингизнинг ҳалок бўлишини, бўйинларингизга қилич келиб тушишини англатади. Бас, шундай экан, ё сизлар шуларга сабр қилиб, Аллоҳдан ажр олган қавм бўласиз, ёки жонингиз учун кўрқадиган қавм бўласиз, бас, буни очик айтинг, чунки бу Аллоҳ олдида узрингиздир. Ясриб аҳли бундан деди: Биз ҳақимизда бундай деманг, эй Саъд, Аллоҳга қасамки, биз бу байъатни асло тарк қилмаймиз, асло уни инкор этмаймиз, дедилар. Шунда, барчамиз туриб, ул зотга байъат бердик. Ул зот биздан байъат



олиб, шартлашдилар ва бизга бунинг эвазига жаннатни ваъда қилдилар». (Имом Аҳмад ривояти).

Шунингдек, ушбу байъатда ҳозир бўлган Каъб ибн Молик ансорий ҳам, Ислом билан куфр ўртасидаги кураш оқимини буриб юборган айни учрашув ҳақида бундай ҳикоя қилади:

«Ҳажга чиқдик ва ташриқ кунларининг ўртасида Ақабада учрашишга Росулулоҳ ﷺ билан ваъдалашдик. Ўша туни бирга йўлдош қавмимиз билан ухладик. Туннинг учдан бирида туриб, йўлдошларимиздан айрилиб, Росулуллоҳ билан ваъдалашган жойга бордик. Мушук писиб юрганидек яширинча сокин юриб, Ақаба дарасида тўпландик. Биз етмиш уч эркак ва икки аёл эдик. Дарада Росулуллоҳ ﷺ ни кутиб турдик ва ул зот амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб билан бирга келдилар. Ўша куни Аббос қавмининг динида эди. Шундай бўлса ҳам, у ўз жиянининг бу ишида ҳозир бўлиб, ўзи ишонч ҳосил қилишни истаганди. У биринчи бўлиб гапирди: Эй Хазраж аҳли, билганингиздек, Муҳаммад биздандир, биз уни қавмимиздан, биз кўрган одамлардан-мушриклардан ҳимоя қилдик. У қавмимиз ичида иззат-икромда ва ўз юртида ҳимояланган кишидир. У сизнинг томонга қўшилишни ва сизларга кетишни истади. Бас, агар сиз ўзингиз даъват қилинган ишда унга вафо қиламиз, унга қарши чиққанлардан уни ҳимоя қиламиз, деб билсангиз, шу фикрингизга амал қилинг. Аммо уни олдингизга етиб боргандан сўнг ёрдамсиз ҳолда душманга топшириб қўямиз, десангиз, ҳозирок уни тинч қўйинг. Чунки у қавми ичида иззат-икромда ва юртида ҳимояланган кишидир. Каъб айтади: Биз Аббосга – айтганларингизни эшитдик, сиз сўзланг, ё Росулуллоҳ, ўзингиз ва Роббингиз учун истаганингизни олинг, дедик. Росулуллоҳ сўзлаб, Қуръон тиловат қилдилар, Аллоҳга даъват этиб, Исломга тарғиб қилдилар ва сўнг – мен сизлардан ўзингизни, аёлу фарзандларингизни ҳимоя қилган нарсадан мени ҳам ҳимоя қилишингиз учун байъат оламан, дедилар. Барро ибн Маъруф ул зотнинг қўлларини тутди ва хўп, сизни ҳақ Набий қилиб юборган зотга қасамки, ўз аёлларимиз ва фарзандларимизни ҳимоя қилган нарсалардан сизни ҳам ҳимоя қиламиз, бас, сизга байъат бердик, Аллоҳга қасамки, биз уруш аҳлимиз, бу бизга катта-катта боболаримиздан меросдир, деди. Шунда Барро Росулуллоҳга гапираётганда унинг гапини Абу Ҳайсам ибн Тихён бўлиб, бундай деди: Ё Росулуллоҳ, биз билан анави кишилар – яъни яҳудийлар – ўртасида арқон бор, уни узиб ташлаймиз. Шундай қилсак, сизни Аллоҳ голиб қилгандан сўнг бизни қўйиб, қавмингизга қайтиб

кетиб қолмайсизми? Росулulloҳ табассум қилдилар ва йўк, қонга қон, жонга жон, мен сизданман, сиз мандансиз, бас, орангиздан ўн иккита нозир ажратинг, тўққизтаси хазражликлардан, учтаси авеликлардан бўлсин, дедилар. Росулulloҳ ﷺ улардан йўлдошлари олдига қайтишларини сўрадилар. Шунда улардан бири – сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, эртага сизни қиличларимиз ёрдамида Мино аҳлидан ҳимоя қилайликми? – деди. Росулulloҳ – бунга буюрилмаганмиз, сизлар йўлдошларингизга қайтинглар, дедилар. Улар йўлдошлари олдига қайтишди». (Имом Аҳмад ривояти).

Бу мусулмонлар уламоларига эслатма бўлмоғи ва улар зиммаларида жавобгарлик борлигини ҳис этган ҳолда, айти ҳижрат хотирасини ўзларида жонлантирмоқлари ҳамда уламолару расмийлар барчалари зиммаларидаги вазифани кўтармоқлари лозим. Зеро, Аллоҳ барчадан сўрайди. Бас, шундай экан, эҳтиёт бўлсинлар, чунки ҳозирда қилаётган бу ишлари билан ушбу буюк фарзни зое кетказяптилар, уларга қилган бу насиҳатимиз билан эса, ўзлари ҳам, Умматлари ҳам халос бўладилар. Шу боис, бугунги кунда бизнинг даъват Росулulloҳ ﷺ Маккада қилган даъват каби бўлмоғи даркор. Чунки ул зот то байъат қилиш, кейин ҳижрат қилиш, кейин Мадинада Ислому давлатини барпо этгунларича даъват юқини асҳоблари билан бирга кўтардилар. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجِهَدُوا فِي سَبِيلِ اللّٰهِ وَالَّذِينَ ءَاوَا وَنَصَرُوا اُولٰٓئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا هُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ﴾

*«Имон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар – ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улуг ризқ бордир»* [Аъроф 74]

Ҳа, ҳижратнинг биринчи маъно, мазмуни Ислому диёрини ва Аллоҳнинг ер юзидаги Халифалигини барпо этмоқдир. Тасаввур қилинганлар-а, саҳобалар ҳамма нарсани хотирламадилар, балки фақат қилишлари шарт бўлган нарсани, давлатни хотирладилар. Аллоҳ сизга инсоф берсин, бу навабий хотира шунга далолат қилмаяптими?!

Бу муаммони аввалу охир уламолар тасаввур қилиб олмоқлари керак. Чунки мусулмонлар уламоларга эргашадилар. Мусулмонларга тўғри тушунчалар асосида эслатсалар, эслаб-

тушунадилар. Аммо адаштирувчи тушунчалар беришса, шуни оладилар. Шунинг учун уламоларга йўлланадиган биринчи даъват уларга насиҳат қилиш, сўнг улар насиҳат қилишларидир.

Мусулмонларнинг уламолари Исломда давлат борлигини ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқарилишини биладилар, бунга имон келтирганлар. Бироқ уламолар ушбу давлатни тилга олишмаяпти ва бунинг сабаби хавфсизлик хизматлари ёки муфтият ёхуд кофир илмоний ҳукуматларга боғланган диний вазирликлар томонидан сўроқ қилинишдан қўрқаётганликлари бўлиши мумкин. Бизнинг уларга айтар сўзимиз мана бу:

﴿أَحْشَوْنَهُمْ ۖ قَالَ اللهُ أَحَقُّ أَنْ تَحْشَوْهُ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

**«Ўшалардан қўрқасизларми, агар (ҳақиқий) мўмин бўлсангизлар, қўрқишингизга лойиқроқ зот Аллоҳ-ку, ахир?!»** [Тавба 13] □

**ЭЙ МУСУЛМОНЛАР: ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ  
РОШИД ХАЛИФАЛИКНИ ТИКЛАШ САРИ ҲАРАКАТГА  
КЕЛИШИНГИЗ УЧУН ШУНЧА ЧЕККАН ҒАМ, АЛАМ,  
ҚИЙИНЧИЛИК, АДОВАТ ВА АЗОБЛАР ЕТАРЛИ ЭМАСМИ?**

**Абдулҳодий Ҳайдар – Яман**

Уммат оғир кунларни бошдан кечирди. У қувғин ва қирғинга учради, бойликлари талон-торож қилинди. Бутун Умматни таслим бўлишга ҳамда Халифалиги йўқлиги сабабли ўзини Ғарб қучоғига отишга мажбур қилиш учун унинг ўзлигини ўчириш уринишлари тўхтовсиз давом этмоқда... Уммат ўтказган оғир кунлар унутга айланиб қолмаслиги учун ушбу мавзуда тўқсон саккиз йил давомида Уммат бошдан кечирган воқеаларни ёритмоқчимиз. Бу воқеалар айрим жиноят ва урушларга алоқадор бўлиб, бу урушларга мусулмонлар юртлари майдон бўлди ва мусулмонлар уларнинг ўтинларига айланди. Бунинг сабаби Уммат Халифалиги қулатилиб, унинг фарзандлари Ислому давлатини қайта тиклаш орқали динига ёрдам бериш вожиблигини унутган эди. Биз ушбу мавзуда Умматга Исломию Уммат эканини эслатамиз ва унинг сунни-ю шиасига ҳамда араби-ю курдига Роббимиз номлаганидек мусулмон сифатида хитоб қиламиз. Чунки тил бириктирувлар нафақат муайян бир гуруҳга, балки бутун Ислому Умматига қаратилмоқда. Шундай экан, биз буни яхши англашимиз ва мусулмонларни бошқарадиган ғамхўр раҳбари йўқлиги учун улар етимларга ўхшаб қолганини тан олишимиз лозим.

– Кофир Ғарб милодий 1924 йил 3 март ва ҳижрий 1342 йил 28 ражаб ойида жиноятчи Мустафо Камол воситасида Усманий Исломию давлатни қулатди. Туркияда жумҳурият низомини, илмоний давлатни эълон қилди ва Ислому халқаро миқёсда барҳам берди. Шундан сўнг Ислому халқаро майдондан кетди. Натижада, Исломининг тимсоли бўлган ва мусулмонларни бошқарадиган давлат қолмади. Фақат Исломини қабул қилган халқлар қолди.

– Кофир Ғарб (Британия ва Франция) мусулмон юртларни Сайкс-Пико шартномаси асосида тақсимлаб олди.

– 1924 йилдан кейин Фаластин Британия мандати остига кирди. Британия ер юзининг турли жойларидаги яҳудийларни Фаластинга йиға бошлади. Сўнгра уларга иккиюзламачи давлатини тиклашда ёрдам бериш учун уларни қуроллантира бошлади.

– 1931 йили Кашмирда ҳиндлар томонидан мусулмонларга нисбатан жиноятлар бошланди. Британия Ҳиндистонни босиб

олгач, (1846 йилдан 1946 йилгача) Кашмирни ҳинд феодалларига топширди. Натижада, мусулмонларга қарши сон-саноксиз жиноятлар рўй берди.

– 1937 йили Британия ўз мустамлакаси бўлмиш Бирмани Ҳинд ҳукуматидан ажратди ва Бирма Британиянинг ажралиб чиққан мустамлакасига айланди. Сўнгра аҳолисининг аксарияти мусулмонлардан бўлган Аракан штатини Бирманинг бутпараст ҳокимлари ҳукмронлиги остида қолдирди.

– Бирмадаги мусулмонлар 1942 йилда бутпарастлар томонидан қирғинга учради ва унда 100 мингдан ортиқ мусулмон қурбон бўлди. Бундан ташқари яна 100 мингдан кўп мусулмон ўз юртидан қувилди. Биз бугун ҳам у ердаги мусулмонлар қирғин қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

– 1944 йил Совет Иттифоқи жаллоди бўлмиш Сталин бир миллион икки юз минг аҳолиси бўлган чечен халқини Сибирь ва Қозоғистонга сургун қилди. Ушбу жасур мусулмон халқнинг ярми сургунда ҳалок бўлди.

– 1944 йили, иккинчи жаҳон урушидан сўнг, БМТ ташкил топди. Ундан хавфсизлик кенгаши, сиёсий соҳада иш юритувчи бош ассамблея, иқтисод борасида фаолият қиладиган Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро Банк, соғлиқни сақлаш соҳасида ЮНИСЕФ, сақофат соҳасида ЮНЕСКО, 1996 йилда тугатилган ГАТТ шартномаси, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва бошқа кўплаган ташкилотлар келиб чиқди. Ушбу ташкилотларнинг барчаси кофир Ғарб кўлидаги қуроли бўлиб, Ғарб улардан олам давлатлари, хусусан мусулмон юртлардаги давлатлар ишига аралашишда фойдаланади. Мусулмон юртларининг барчаси улардан ва уларнинг ифлос ваҳший ишларидан азоб чекмоқда.

– 1947 йили Британия Ҳиндистон ярим оролини икки давлат: аксар аҳолиси ғайримусулмон бўлган Ҳиндистон ва аксар аҳолиси мусулмон бўлган Покистон давлатларига бўлди. Кашмирни эса, ўзи хоҳлаган вақтда уруш чиқариши учун жанжалли минтақага айлантирди.

– 1947 йил 29 ноябрда БМТ бош ассамблеяси томонидан (181) сонли қарор чиқарилди. Қарорга кўра, Фаластин ўз аҳли ва босқинчи яҳудийлар ўртасида тақсимланди.

– 1947 йил, 31 декабрда яҳудийлар Шайх шаҳрида Фаластинлик мусулмонларга нисбатан қирғин уюштирди ва сон-саноксиз одамларни қатл қилди. 1948 йил 10 апрелда Дер Ёсинда, 1948 йил 15 майда Абу Шошада ва худди шу йили Қонтурада, 1956 йил Қилқилия, Кафар Қосим, Хон Юнусда, 2008 йил Ғазза Бидояда

қирғинлар қилди. Бу қирғинлар ҳатто бугунгача давом этиб келмоқда.

– 1947 йил Британия Жуба конференциясини ўтказди. Бу конференция Суданни икки қисм: Жануб ва Шимолга бўлиш учун ўтказилди.

– 1948 йил Британия араб ва яҳудий қўшинлари ўртасида сохта уруш келтириб чиқарди. Ажабланарли жойи шундаки, ўша пайтдаги араб қўшинига Британия офицери, Иордания армияси қўмондони Глаб Пошо раҳбарлик қилди. Уруш яҳудийларнинг Фаластин ерида давлат тиклашига қаршилик қилиш ҳужжати остида уюштирилди. Уруш араб давлатлари қўшинининг мағлубияти билан яқун топди. Сўнгра жанг яқунланди ва араблар армияси яҳудийларни ўз давлатларини тиклаш мақсадидан қайтара олмади деган гап тарқатилди.

– 1948 йил 15 майда Фаластин ерида яҳудий давлати ташкил топгани эълон қилинди. Америка, Россия, Британия ва Франция каби катта давлатлар тезда уни тан олишди.

– 1949 йил Мао Цзэдун раҳбарлигидаги коммунистик партия Хитойда ҳокимиятга келди. Янги коммунистик ҳукумат Шарқий Туркистондаги бир миллиондан ортиқ уйғур мусулмонларни қатл қилди. Минтақа мустақиллигига барҳам бериб, уни Хитойга қўшиб олди. Минтақадаги мусулмонларни турли жойларга кўчирди. Натижада, минтақада фақат 40 % мусулмон қолди. Бу каби қирғин, сургун ва мусулмонларни ўз динларидан қайтариш ишлари ҳануз давом этмоқда. Бу ишлар нафақат ўч олиш, балки мусулмонлардан қўрқиб амалга оширилмоқда, чунки уйғурлар мужоҳид халқдир.

– 1956 йил Америка малайи Жамол Абдунносир орқали Судан Мисрдан ажратилди.

– 1964 йил инглизлар малайи Миллий фронт ва Америка малайи Озодлик fronti ўртасида Жанубий Яманга ҳукмронлик қилиш борасида шиддатли жанг бўлиб ўтди. Бу уруш инглизларнинг Аданни босиб олишига қарши кўзғолондан кейин бўлди. Кўзғолон Америка ёрдами ва Жамол Абдунносир орқали уюштирилди.

– 1965 йил инглизларнинг малайи Содиқ Маҳдий таъсис мажлисида Суданни бирлашган республикадан Федерал республикага айлантиришни талаб қилди. Бу талаб инглизларнинг хоҳишини бажариш учун қилинди.

– 1967 йил Британия бир тарафдан яҳудий давлати ва бошқа тарафдан Иордания, Миср ва Сурия давлатлари ўртасида уруш чиқарди. Бу урушдан мақсад ўша вақтда Иордания васийлиги



остида бўлган Ғарбий Қирғоқни яҳудийларга топшириш эди. Унда Америка малайи бўлмиш Абдунносир қаттиқ зарбага учради. Уруш яҳудийлар қўли орқали Жўлон, Ғарбий Қирғоқ, Ғазо ва Синай қулаши билан яқунланди.

– 1971 йил Покистон Бангладешдан ажралди, Яҳё Хон ва Зулфиқор Али Боту Бангладешни бой беришди.

– 1973 йил Америка бир тарафдан Миср ва Сурия, иккинчи тарафдан яҳудийлар ўртасида уруш чиқарди, натижада, яҳудийлар Синайдан чиқиб кетди. Ҳокимларнинг хиёнати бўлмаганда Жўлон озод бўлишига оз қолган эди. Яҳудийлар Синайдан чиқиб кетгач, Анвар Садат Миср армиясини тўхтатди ва айтдики: Энди тинчлик ўрнатиш вақти келди. Сўнг яҳудийлар Жўлонни ҳимоя қилиш учун кетди ва у бугунгача уларнинг босқинчилиги остида. Бу Миср ва яҳудийлар ўртасидаги тинчлик шартномасининг бошланиши бўлди.

– 1978 йил 17 сентябр Анвар Садат ва яҳудийлар ўртасида Кемп-Дэвид тинчлик шартномаси тузилди. Унга кўра, Синай қуролдан холи минтақа бўлиб қолди. Бундан олдин жиноятчи Анвар Садат (Исроил) кнессетига ташриф қилган эди.

– 1978 йил Бирманинг бутпараст ҳокимлари ярим миллион мусулмонни сургун қилишди. Қирқ мингдан зиёд болалар, аёллар ва қариялар ёмон шароит туфайли ҳалок бўлишди. Бу БМТга қарашли ёрдам ташкилотининг ҳисоботидир.

– 1979 йил Совет Иттифоқи Афғонистонга уруш бошлади. Бу уруш бир тарафдан Совет Иттифоқи, иккинчи тарафдан Америка ва Британия ўртасидаги кураш туфайли келиб чиқди. Уруш 1989 йилгача давом этди. Ундаги мусулмонлардан бўлган қурбонлар жуда улкан бўлди.

– 1980 йил 22 сентябрда Саддам Ҳусайн Эрон билан урушга кирди. Унда Саддам Ҳусайн Америка малайи Хумайнийнинг кўзғолонидан таъсирланган Британия манфаатларини ҳимоя қилди. Унда кураш Британия малайи Саддам Ҳусайн ва Америка малайи Хумайний ўртасида бўлди. Уруш саккиз йил давом этиб, унда ҳўл-у қуруқ ёнди. Унда яна икки тарафдан ҳарбий ва тинч фуқаролардан иборат миллионга яқин одам қурбон бўлди.

– 1986 йил, январ ойи Аданда Абдулфаттоҳ Исмоил раҳбарлигидаги инглизлар малайи социалистик партияси билан Али Носир Муҳаммад раҳбарлиги остидаги Америка малайлари ўртасида уруш бошланди. Унда тахминан 10000га яқин одам қурбон бўлди.

– 1982 йил 28 февралда Ҳофиз Асад Ҳамо шаҳрида қирғин қилди. Унда шаҳар аҳолисининг мусулмонларидан ўн мингдан ортиқ одам қурбон бўлди. Унда Ҳофиз Асад оғир қуролларни ишга солди.

– 1982 йил 6 июнда яҳудийлар Ливанни босиб олди.

– 1982 йил 16 сентябр Собра ва Шатила қирғини бўлди. Бу қирғин яҳудийлар ва Ливан насронийларидан иборат ёлланма аскарлар томонидан уюштирилди. Унда минглаган фаластинлик ва ливанлик мусулмонлар ҳалок бўлди.

– 1988 йил Бирмадаги бутпарастлар 100000 мусулмонни сургун қилишди. У ердаги мусулмонларни келгинди ҳисоблаб, болаларнинг таълим олишини ва аёлларнинг ўттиз ёшга кирмагунича турмушга чиқишини тақиқлашди. Сўнг мусулмонларнинг сонини камайтириш мақсадида уч йил турмуш қуришни тақиқлашди.

– 1990 йил Бирмада сайловлар бўлиб ўтди. Унда мусулмонлар қўллаб-қувватлаган муҳолафат ғолиб чиқди. Натижада, бутпараст ҳарбийлар сайланган ҳукуматга қарши инқилоб қилиб, 300000 мусулмонни Бангладешга сургун қилди.

– 1990 йил 2 апрел, биринчи Кўрфаз уруши ниҳоясига етиб, Британия малайи Саддам Ҳусайн Америка малайи Хумайний устидан ғалаба қилди. Шундан сўнг Британия ўз малайи Саддам Ҳусайнни Қувайтга киришга қизиқтирди... Америка Кўрфаз ва минтақадаги нуфузига путур етаётганини кўргач, халқаро ҳарбий иттифоқ тузди. Сўнг ярим миллионли кўшин йиғиб, Саддамни иккинчи Кўрфаз урушида Қувайтдан қувиб чиқди. Мусулмон юртларда содир бўлган ва сон-саноксиз мусулмонлар қурбон бўлган ушбу уруш нефтни эгаллаш учун бўлди. Шундан сўнг Эрон Хумайний орқали ва Саудия Фаҳд Оли Сауд орқали Америка қўлига ўтди. Америка биринчи ва иккинчи Кўрфаз урушларидан сўнг Ироқни 13 йил қамал қилди. Ушбу уруш ва қамал туфайли Ироқда миллион атрофидаги мусулмонлар қурбон бўлди. Яна ушбу урушларнинг аччиқ натижаларидан бири Америка исломий юртларни бевосита босиб ола бошлади. Шунингдек, у ерларга Аллоҳни ғаблантирадиган ва у зотнинг душманларини рози қиладиган мазҳабпарастлик уруғини эқди.

– 1992 йил 16 апрел Босния ва Герцеговинада сербларнинг ваҳшийлиги ва халқаро ҳамжамят тил бириктируви оқибатида мусулмонлар қирғини бошланди. Ушбу урушда мусулмонларга қарши тил бириктирган БМТнинг эътироф этишича 300000га яқин мусулмон қурбон бўлди.

– 1994 йил 4 май Яманда инглизлар малайи Али Солиҳ ва унинг ноиб Америка малайи Али Солим Байз ўртасида уруш бошланди. Ушбу уруш 64 кун давом этди ва юзлаган мусулмонлар қурбон бўлди.

– 1995 йил 6 июн Босния ва Герцеговинадаги Серебринаца шаҳрида қирғин бўлди. Унда 8000 мусулмон ҳалок бўлди. Ушбу қирғин серб армиясидаги алоҳида шахслар томонидан амалга оширилди.

– 1995 йил, Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг Россия чечен ҳалқига қарши уруш бошлади. Рус армияси 1999 йил Чеченистонга кириб, катта жиноятлар ва улкан шафқатсизликларни амалга оширди. Рус ёзувчиси Анна Политковская (Россия шармандагарчилиги) номли китоб ёзиб, унда ушбу хунук жиноятлар ҳақида айтган эди.

– 2001 йил 11 сентябр куни тарихда кофирларнинг мусулмонларга қарши урушидаги асосий босқич ҳисобланади. Чунки унда Америка ўзининг ташқи сиёсатида асос сифатида террор, яъни Исломга қарши уруш тушунчасига суянди. Бу кичик Буш президентлик даврига тўғри келади.

– 2001 йил 7 октябр куфр боши Америка ва Британия террорга қарши кураш номи остида Афғонистонга қарши уруш бошлади. Улар Афғонистоннинг Баграм, Кубанинг Гуантанамо қамоқхоналари ҳамда булардан бошқа қамоқхоналарда (Америка махфий тарзда бир қанча кемалар ва учоқлардан қамоқхона сифатида фойдалангани ҳақида турли хабарлар бор) мусулмонларга азоб бериш билан шуғулланишган. Улар яна халқаро жиҳатдан ман қилинган қуролларни қўллашган. Фақат Афғонистоннинг ўзида 1979 йилдан 2001 йилгача тахминан икки миллион одам уруш қурбонига айланган. 2001 йилдан кейин, яъни 18 йил мобайнида қон тўкилиши ҳамон давом этмоқда. Жиноятлар тўхтамаяпти, режалар тузилмоқда, қурбонлар сони ошмоқда. У ердаги мусулмонлар бахтсиз, қайғу алам ва қашшоқ ҳолатда яшамоқда.

– 2003 йил 15 март Марказий Африкадаги сайловларда Франция малайи пастор Бозиза ғолиб чиқди. Бу ишда мусулмонлар унга ёрдам берди, лекин сайловлар ўтгач, пастор улардан ва муҳолафатдан юз ўгирди. Пастор мусулмонларга душман сифатида қараб, ўзига тансоқчилик қилишни Франция хавфсизлик ширкатига топширди. Пастор 2005 йилдан 2011 йилгача бўлган ҳокимият сайловларида ҳам ғолиб чиқди. Бу давр ичида (Силика) номли муҳолафат етишиб чиқди ва унга мусулмонлар етакчилик

қилди. Бу иш Франция малайини мусулмонларни қатл қилиш ва бойликларини талон-торож қилишга ундади. Натижада, юзлаган мусулмонлар қурбон бўлди.

– 2003 йил 19 март Америка Ироққа қарши уруш бошлади ва уни босиб олди. Америка бу урушда халқаро жиҳатдан тақиқланган оғир қуролларни тонналаб ишлатди. Урушда ҳўл-у курук баравар ёнди. Унда мусулмон ҳокимлар ҳам иштирок этди. Чунки коалиция учоқлари мусулмон юртлар, хусусан Кўрфаз ва Туркиядан парвоз қилди ва қариялар, аёллар ва болаларни нишонга олди. Қанчалаган мусулмонлар азобланди, қатл қилинди, мазҳабпарастлик ва ирқчилик қўзғатилди, юрт талон-торож қилинди ва юртнинг ҳазорий хусусиятлари йўқ қилинди. Унда юз минглаган қурбонлар бўлди ва унинг жароҳатлари ҳануз тўхтагани йўқ.

– 2003 йил 20 июл Мачакос шартномаси имзоланди. Бу шартнома энг хатарли шартномалардан бири бўлиб, у Ғарб назорати остида Судан жанубини бўлиш учун тузилди. Қисқа вақт ўтгач, тоғут Умар Башир имзоси ва ижозати билан Судан жануби шимолидан ажратилди.

– 2004 йил 18 июн Яманда Америка малайи Ҳусийлар билан инглизлар малайи Али Солиҳ ва унинг тарафдорлари ўртасида уруш бошланди. Уруш олти марта аланга олди ва охириги 2010 йил февралда бўлиб ўтди. Унда кўплаган айбсиз инсонлар қурбон бўлди ва сургун қилинди. Одамларнинг мол-мулки талон-торож қилинди ва унинг жароҳати ҳамон давом этмоқда.

– 2005 йил 13 май Ўзбекистон жаллоди Каримов Андижон шаҳрида қирғин уюштирди. Ушбу қирғин унинг разведка идораси одамларни унга қарши намойишга чиқишга тарғиб қилганидан кейин уюштирилди. Ундан мақсад барча муҳолафатчиларни бир жойга тўплаб уларни йўқ қилиш эди. Андижон шаҳридаги марказий майдонга 50000дан зиёд одам йиғилди. Намойишни бостириш учун Россиядан ёрдам келди ва майдондаги намойишчиларни ўлдиришга буйруқ берилди. Ушбу қатл қилиш амалиёти кечки пайтда бошланиб, тонггача давом этди. Унда 500та шахс бедарак йўқолди. Қамокхонадан бир қанча маҳбуслар чиқариб юборилди ва тунда улар ўлдирилди. Уларнинг ичида Ҳизб ут-Таҳрир йигитлари ҳам бор эди. Жаллод Каримов Ҳизб ут-Таҳрирни ўзига қарши гижгижлашда айблади. Ҳизб ут-Таҳрир эса, жаллоднинг ифлос ниятини олдиндан билиб, бу намойиш Каримов томонидан бўлаётган хийла деб одамларни огоҳлантирган эди.

– 2012 йил 9 июн бутпарастлар мусулмонларга қарши ҳужум бошлашди ва улардан тўққизтасини ўлдиришди. Унинг ортидан мусулмонлар билан бутпарастлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Уларда бутпарастлар мусулмонларни ўлдирди, уйларига ўт қўйди ва уларни ўз уйларидан қувиб чиқди. Натижада, минглаган мусулмонлар Бангладешга қочиб ўтди. Аммо малай Бангладеш ҳукумати уларни қабул қилмай ортларига, яъни ўлимга уларни қайтариб юборди.

– 2014 йил 20 январь Марказий Африкада тартибсизликлар рўй берди. Натижада, у ерга Франция ва Африка қуроли кучлари киргизилди ва сайловлар ўтказиладиган бўлди. Бошбошдоқлик Франция малайи насроний (Антиб Лака) ҳаракати ва мусулмонлардан иборат (Силика) ҳаракати ўртасида бошланган эди. Франция қуроли кучлари Силика ҳаракатининг 7000га жангчисидан қуролиларини олиб қўйди ва насроний ҳаракатга ёрдам берди. У эса, мусулмонларга нисбатан қирғин уюштирди, уларни қатл қилди, уйлари ва масжидларига ўт қўйди, ҳатто гўштарини ейишди. Бу ишлар Франция ва Африка қуроли кучлари кўз ўнгида рўй берди.

– 2016 йил 6 июн Хитой ҳукумати Шарқий Туркистонда ҳукумат ишчилари ва талабаларнинг рўза тутишини тақиқлаган қарор чиқарди.

– 2016 йил 24 ноябр Хитой ҳукумати уйғур мусулмонлардан қўрқиб, Синьцзянга сафар қилишни хоҳлаган ҳар бир фуқародан виза талаб қилишни бошлади.

– 2017 йил 23 феврал Хитой ҳукумати соқол қўйган йигит ва никоб кийган аёл ҳақида маълумот берган шахсга 1000 юань мукофот берилишини айтди.

Биз Халифа йўқлиги туфайли Ислоҳ Уммати бошига тушган жиноят ва мусибатларнинг барчасини баён қилмай, қуйида баъзиларини келтирдик:

– Жамол Абдунносир, Анвар Садат ва Муборақлар Миср аҳлига қилган жиноятлари. Уларнинг охиригиси Сисий Мисрни ҳарбий казарма ва қамоқхонага айлантирди.

– Саддам Ҳусайн Рофидинлар юртининг Дужайл ва бошқа шаҳарларида амалга оширган жиноятлар. Саддам Ҳусайн яҳудийларнинг учоқлари Йордания, Саудия ва Ироқ осмонида учиб, Бағдодга келиб ядро реакторларига зарба бериб, яна ортага қайтиб кетгунича қаршилик кўрсатмади. Саддам ушбу қора жиноятларини 1981 йилда қилган эди.

– Эрон ҳокимлари ва муллалари Аҳваз шаҳрида ўз халқига қарши қилган жиноят. Улар бугун ҳам Шероз ва Машҳад шаҳарларида ўз жиноятларини амалга оширишмоқда. Бугунгача ушбу тоғутларга қарши намоийшлар давом этмоқда. Бу тоғутлар эса, намоийшчиларга қарши ўқ отар қуроллар ва гранаталарни қўлламоқда ва уларни қатл қилмоқда.

– Оли Сауд ҳокимлари Саудия давлати барпо бўлгандан бери амалга оширган жиноятлар. Улар ўз рақибларини ўлдириб, инглизларга хизмат қилишди. Бугун эса ушбу золим оила фарзандлари Америкаликларга хизмат қилмоқда. Улар уламоларни қамашди, рақибларини ўлдиришди ва Ислом дини тушунчаларини ўзгартиришди. Охириги жиноятлари эса, Америкага хизмат қилиш, Ҳусийларни қўллаб-қувватлаш, инглизлар малайи Ҳодийга зарба бериш учун Яманга уруш бошлашдан иборат бўлди.

– Аммо бошқа ҳокимлар ўз халқларига қарши амалга оширган жиноятлар ҳақида айтадиган бўлсак, улар жуда ҳам кўпдир. Масалан Тунис, Ливия, Миср, Яман, Сурия ва Суданда мусулмонлар ўз ҳокимларига қарши қўзғолонга чиққанларидан кейин қаттиқ зулмга учрашди. Шом юрти бўлмиш Суриянинг Ҳалаб шаҳрида бўлган ишлар Ислом Умматидаги ухлаётган кишиларни Халифалик давлатини қайта тиклаш сари фаолият қилишлари учун уйғонишига кифоя қилади. Чунки Халифалик Исломий Умматга нисбатан амалга оширилаётган улкан жиноят ва аламларнинг ёлғиз ва туб ечимидир.

– 2011 йилдан кейин қайси исм ёдга олинмасин у билан бирга Ҳалаб, Хомс, Идлиб, Мосул ва Бағдодда юз берган азоб, алам ва вайрон қилишлар эсланадиган бўлиб қолди... Американинг Саҳро бўрони, Саудиянинг (қатъийлик бўрони) ва бошқа амалиётлари ҳокимлар ва кофир Ғарбнинг жиноятларини эсга солади.

– Аммо Ғарб ва Шарқ юртлари, Европа, Россия ва бошқа жойларда мусулмонларга нисбатан бўлаётган ажратиш, зўравонлик, ҳижобни ман қилиш, террорист деб айблаш каби ишлар оддий ишга айланган. Мусулмонлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва ҳайбатини сақлайдиган давлати тикланмас экан, улар шундай аҳволда қолаверадилар.

– Аммо Совет Иттифоқи қулаганидан кейин Ўрта Осиё ва бўлиниб чиққан жумҳуриятлар ҳамда Сурияда Россия амалга оширган жиноятлар ҳақида томлаб китоб ёзиш мумкин. Шундай экан, Халифалик тикланиб, Аллоҳнинг изни билан халифамиз бўлган кунда Россия, Британия, Франция ва Америкадан қаттиқ ҳисоб китоб қилинади. Кутган киши учун эртанги кун яқиндир.



Охирида шуни айтамызки: Бу ерда мусулмонлар ичидан чиққан бир жамоат бор. У Ҳизб ут-Таҳрир бўлиб, у ушбу вазиятни ўзгартириш учун Роббиси кўрсатган йўлни ва Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги рошид Халифаликни тиклаш орқали Исломи тиклаш йўлини билади. Шунинг учун Ғарб унинг хатарини ҳис қилди ва унга қарши қаттиқ уруш бошлади. Жиноятчи хавфсизлик органлари уни таъқиб қилади ва етакчилигини қидиради. Унинг аъзолари золимлар қамоқхоналарини тўлдиради. Исломиёт юртларнинг барчасининг хавфсизлик қамоқхоналарида Ҳизбнинг аъзолари бор. Улардан айримлари ўлдирилган, айримларининг таналари тилка-пора қилинган, айримлари эса ўғирлаб кетилган ва оила-аъзолари қаердалигини билмайдилар... Ахборот воситалари уларга қарши курашади, ўзларини хунук қилиб кўрсатилади ва амалларига қарши хиралаштириш сиёсати олиб борилади... Лекин Ҳизб ут-Таҳрир буларнинг барчасига қарамай, ўз ғояси сари сабот, онг ва имон билан, Аллоҳдан нусрат сўраган ҳолда ҳаракат қилмоқда. У Умнат эргашиси ва ўз бағрига олиши учун лойиқ партиядир. Чунки у ўзи учун Исломи танлади ва фарзлар тожи бўлмиш Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги рошид Халифаликни тиклаш учун фаолият қилмоқда. Ҳа, бу Ҳизб ут-Таҳрир бўлиб, унга буюк олим Ато ибн Халил Абу Рошта етакчилик қилмоқда. Биз Умнат у кишига мусулмонлар халифаси сифатида байъат қилишини сўраймиз. У киши атрофида уйғур, туркман, пушту, форс, араб, курд, амозиғ, ажам, қора ва оқ танли кишилардан иборат тақволи шахслар мавжуд... Оламдаги барча мусулмонларнинг қалби мана шу манзарага муштоқдир... Бу Ҳизб 40дан ортиқ давлатда фаолият қилмоқда ва дунёдаги бирорта тоғут уни тўхтата олмаяпти.

﴿إِنَّ اللَّهَ يُدَافِعُ عَنِ الَّذِينَ ءَامَنُوا ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ ﴿٦٠﴾ أُوذِنَ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا ۗ وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿٦١﴾ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ بِغَيْرِ حَقٍّ إِلَّا أَنْ يَقُولُوا رَبُّنَا اللَّهُ ۗ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفُتِنَتِ كُلُّ سُلَّةٍ وَاللَّهُ عَزِيزٌ عَلِيمٌ ﴿٦٢﴾ وَالصَّلَاةُ وَالْمَسْجِدُ يُذَكِّرُ فِيهَا اسْمُ اللَّهِ كَثِيرًا ۗ وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٦٣﴾ الَّذِينَ إِنْ مَكَّنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَآمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ ۗ وَلِلَّهِ عَنَقَبَةُ الْأُمُورِ ﴿٦٤﴾﴾

*«Албатта Аллоҳ имон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас. Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиши) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни голиб қилишга қодирдир. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яхудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни голиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир. Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига голиб қилсак – улар намозни тўкис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)»* [Ҳаж 38-41]

Эй Аллоҳим бизга нусрат бер ва бу Умматга катта ғалабани насиб эт. Эй Аллоҳим сен ҳар бир нарсага қодирсан ва нақадар яхши хожа ва нақадар яхши ёрдамчисан. □

**«ЗЎРАВОН ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШ»  
МУСУЛМОНЛАРНИ БЎЛИШ СИЁСАТИ СИРАСИГА КИРАДИ**

**Шаббон Муаллим**

**Ҳизб ут-Тахрир Кения**

**вилояти матбуот бўлими вакили**

Террорга қарши халқаро уруш номли кампания Америка 11 сентябрдан кейин етакчилик қилаётган халқаро ҳарбий кампаниядир. Бу уруш турли тадбир чоралардан иборат бўлиб, бу чоралар маълум анъанавий уруш доирасига кирмайди. Американинг собиқ президенти Жорж Буш «Террорга қарши уруш» атамасини биринчи бўлиб 2001 йил 16 сентябрда тилга олган эди. Шунингдек, у бу атамани конгресс олдида расмий нутқ сўзлаганидан бир неча кун ўтиб ишлатди. Жорж Буш ўзининг охириги нутқида шундай деган эди: «Террорчилардан иборат ҳар қандай радикал тўдалар ва уларни қўллаётган ҳукуматлар бизнинг душманимиздир». Америка ўзи террорчилар деб номлаётганларни йўқ қилиш амалиётида муваффақиятсизликка учради. Америка узоқ давр мобайнида турли юртлардаги манфаатини мустаҳкамлашда экстремист гуруҳлардан фойдаланди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Афғонистонда Совет Иттифоқига қарши қуролли тўдаларни қўллаб-қувватлади. Бу шуни кўрсатадики, Америка террорга қарши қурашда жиддий бўлмаган. Балки у ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли стандартлардан фойдаланган. Масалан ўзи террорист ёки экстремист деб атаётганларни ишга солган.

Дональд Трамп Американинг Афғонистон урушидаги катта зарарларини ҳис қилди. Чунки ҳисоботларда келишича, Америка бу урушда 1,7 триллион доллар зиён кўрди ва 2400дан ортиқроқ аскарини йўқотди. Бунга қўшимча Нью-Йорк Таймс газетаси «11 сентябр ходисаларидан кейинги икки ўн йилликда қуролланганларнинг сони камаймади, балки икки баробар ортди» номли мақола чоп этди. Бу халқаро стратегик тадқиқотлар маркази тайёрлаган қўлланмада келган иборадир. Бу марказ пойтахт Вашингтонда жойлашган бўлиб, Америка ташқи сиёсатининг маркази ҳисобланади. Ушбу марказнинг ёзишича, олам бўйлаб фаолият қилаётган исломий жанггариларнинг сони 2001 йил 11 сентябрдан кейин Америка қурашишни бошлаган пайтдаги сондан тўрт баробар кўпдир. Бундан ташқари ушбу йўлга сарфланган харажатлар 6 триллион долларга яқин ва ҳарбий хизмат аъзоларидан 7000 киши йўқотилган. Марказнинг хулоса қилишича,

террорга қарши уруш ёрқин шаклда муваффақиятсизликка учраган.

Американинг айрим бош сиёсатчилари шунчалик улкан моддий зарар ва инсоний йўқотишлардан кейин террорга қарши кураш, яъни мабдаий Исломга қарши курашга баҳона қилиб олинган кураш тубдан муваффақиятсизликка учраганини айтишган. Шунингдек Америка террорга қарши кураш стратегиясини янгилаши лозим ва уни (зўравон экстремизмга қарши кураш) шиорига алмаштириши керак деган хулосага келган. Шунинг учун (зўравон экстремизмга қарши кураш) қандай шаклда олиб борилиши ҳақида халқаро даражада саммитларга мезбонлик қилган. Шунингдек экстремистларни ўз йўлидан қайтариш ҳамда шахс ва жамоатларни ўз йўлига чақиришларига монельлик қилиш мақсадида халқаро ҳаракатларга яшил чироқ ёқилган. Бундан ташқари экстремизмга қарши курашиш учун давлатлар назорат қиладиган ташкилотлар тузилган. Масалан, Франция ҳукумати бир неча «террористик ҳужумлар»дан кейин мамлакат бўйлаб фикрий жиҳатдан «адашган» ёшларни аниқлаш учун программа ишлаб чиқишга киришган.

Саудия мамлакати бир қанча террор ҳодисаларига дуч келгач, 2004 йил экстремизмга қарши кураш программасини ишлаб чиқди. Ички ишлар вазирлиги анъанавий хавфсизлик чоралари ва экстремистик идеология фикрий жиҳатдан озиқланадиган манбаларни муолажа қиладиган услубларни мувозанатга келтириш учун қадам ташлади. Аммо тақдир ҳазилларидан бири шуки, Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги урушда террорист деб айбланган жамоалар Саудия, Қатар, Амириклар, Туркия, ҳатто Америка ва Россия назорати остидаги жамоалар бўлган. Ҳатто ИШИД жамоаси Сиёсий Ислом ва унинг ортидагиларни хунук қилиб кўрсатиш учун турли разведка идоралари томонидан ишлатилган ва террористик амалиётлар қилишига йўл очиб берилган.

Экстремизмнинг олдини олиш амалиёти терроризмга қарши курашдаги ҳимоявий чоралар ҳисобланади. Унинг мақсади экстремистик ва зўравонликка чақирувчи диний ёки сиёсий идеологияга эга бўлган кишиларни мўътадил ва зўравон бўлмаган тушунчали кишиларга айлантиришдир.

2009 йил 4 июн Америка президенти Барак Обама Қоҳирадаги Азҳар университетига ташриф буюрди. Обама у ерда Американинг зўравон экстремизмга қарши кураш баҳонаси остида Исломий фикрга қарши кураши ҳақида шундай деди: «... Биз курашишимиз лозим бўлган аввалги масала барча турдаги зўравон

экстремизмдир... Мен Анқарада Америка ҳеч қачон Исломга қарши курашмаган ва курашмайди деб айтдим... Биз хавфсизлигимизга хатар туғдираётган зўравон экстремистларга қарши курашамиз. Чунки биз барча дин вакиллари инкор қиладиган нарса, яъни айбсиз эркак ва аёлларни ўлдиришга қаршимиз».

2017 йил 21 май Дональд Трамп Саудия пойтахти Риёз шаҳрида «Экстремистик идеология»га қарши кураш учун янги халқаро марказни расман очар экан, Исломга қарши кураш кампаниясини янада мустаҳкамлади. Ушбу янги марказни очишдан мақсад аксар аҳолиси мусулмон бўлган давлатларга экстремизмга қарши курашда ташаббусни ўз қўлларига олишлари лозимлигини очик билдириб қўйиш эди. Трамп Шундай дейди: «Қирол Салмон энг кўзга кўринган етакчилардандир. Менинг президент сифатида амалга оширишим лозим бўлган нарса Америка халқини ҳимоя қилишдир».

Айрим мусулмон уламолар ё Исломни шайтонлаштиришда Америка билан бирга юр, ёки «душманлар» билан бирга бўл деган кампанияда Ғарб тузоғига илинишди. Ғарбнинг мақсади эса, Исломни руҳий йўналишга чеклашдир. Бу уламолар Ислом ҳаётнинг барча жиҳатлари, шу жумладан сиёсий жиҳати учун ечим берадиган мукамал тузум деб тушунадиганларни Исломни чигаллаштиришмоқда деб ҳисоблай бошлашди ва уларни экстремистлар деб аташди. Улар айни тушунчалари туфайли Исломга қарши бўлинишни пайдо қилаётган ушбу сиёсатларга қарши курашиш ўрнига Исломга қарши курашда Ғарб сиёсати томон юрдилар. Улар халқаро конференциялардаги фикрий баҳсларда иштирок этишди ҳамда ўзлари «экстремизм» деб ҳисоблаётган Халифалик ва жиҳод ҳақида баҳс мунозаралар уюштиришди. Бундан мақсад ушбу масалаларни мусулмонлар тасаввуридан узоклаштириш ва ўша масалаларни кўтараётганларни айблаш бўлди.

Ҳукуматларга малай бўлган расмий уламолар Американинг «Терроризмга қарши кураш режаси» ва Ғарбнинг исломий (фундаментализм) радикализмга қарши кампаниясини қўллаб-қувватлашди. Улар Америка ва Ғарб давлатлари элчихоналаридан таълим олаётган ҳукуматларининг буйруғи билан исломий қоидаларни тафсир қилиш орқали Исломни ислоҳ қилишга киришишди. Бунда улар мўътадил Ислом номли тушунчаларни ўрнаштириш учун исломий қоидаларни либерал илмонийликка мослашга ҳаракат қилишди. Улардан исломий хитоб ва таълим

программасини ислоҳ қилиш талаб қилинди... Наҳотки, бу уламолар Исломга қарши жирканч суратда курашаётган ва муслмонларни хунук тарзда азоблаётган Аллоҳнинг душманлари лагери томонида турганини билмасалар. Ахир, Пайғамбаримиз ﷺ шу каби уламолар ва зарарли ҳокимлар дўзахда бирга азобланиши ҳақида огоҳлантирганку. Террорга қарши уруш номи остида Исломга қарши олиб борилаётган ушбу урушда уламолар жим қараб туриши мумкин эмас. Шундай экан, анави илмсиз тарзда фатво берган, сўнг ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштирган уламоларнинг аҳволи нима бўлар экан? Наҳотки улар султоннинг зулмини оқлаб, унга итоат қилишга фатво бераётган сарой уламолари Аллоҳнинг ғазабига учрайдиган бандалар эканини билмасалар? Наҳотки улар ўша султон азобланадиган азобга дучор бўлишларини билмасалар?... Бу уламолар Ислом дунёдаги нотинчликларнинг асосий сабабидир деб ташвиқот қилаётган Ғарб тузоғига тушиб қолган кишилардир.

Ислом Аллоҳнинг ҳақ динидир, унинг ақида ва тузумларини ўзгартириб бўлмайди. Ёлғиз Аллоҳгина одамлар учун ҳақиқий шариатни беради. На Америка ва на бошқаси Аллоҳнинг динини ўзгартира олади ёки янги Исломни пайдо қила олади. Аллоҳ шариат қилиб белгилаган нарсада инсонлар учун ихтиёр йўқ. Чунки Аллоҳ Таоло бу ҳақида шундай дейди:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ

وَمَنْ يَعِصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

*«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган — буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларида ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди»* [Аҳзоб 36]

Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

﴿إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى فَرَضَ فَرَائِضَ فَلَا تُصَيِّعُوهَا، وَحَدَّ حُدُودًا فَلَا تَعْتَدُوهَا، وَحَرَّمَ أَشْيَاءَ فَلَا

تَنْتَهَكُوهَا، وَسَكَتَ عَنْ أَشْيَاءَ رَحْمَةً لَكُمْ غَيْرِ نَسِيَانٍ فَلَا تَبْحَثُوا عَنْهَا﴾

«Албатта Аллоҳ Таоло бир қанча фарзларни юклади, уларни зое қилманглар, бир қанча ҳадларни белгилади, уларга тажовуз қилманглар. Бир қанча ишларни ҳаром қилди, уларга қўл урманглар. Шунингдек унутиб эмас, балки сизларга раҳм



**қилиб, бир қанча нарсалар ҳақида сукут қилди, улар ҳақида сўраманглар».**

Ғарбнинг экстремизмга қарши кураш программаси Исломни хунук кўрсатишга қаратилган душманона ҳаракатдир. Яна бир айтиб ўтиш лозим бўлган нарса шуки, «экстремизм» ёки «терроризм» атамаларига истерияни, яъни асабийлашишни пайдо қиладиган даражада кенг таъриф берилади. Натижада, Ғарб капиталистик кучлари мусулмонларга қарши ва уларни ўз эътиқод ва фикрларини ўзгартиришга мажбурлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишади. Шунинг учун уламолар мусулмонлар билан биргаликда Исломга қарши ёлғон уйдирмаларга асосланган ушбу душманона программага қарши курашиши лозим. Шунингдек, ўз динларига қарши амалга оширилаётган ушбу хужумга қарши ягона позицияда туришлари лозим.

Ислом Ғарб даъво қилаётган суратда зўравонликни тасдиқламайди. Шунинг учун у одамларни ўлдириш, сўйиш, ёқиш ва қул қилишга рухсат бермайди... Балки буларнинг барчасини ман қилади. Лекин Ғарб қасддан Исломни шу сифатлар билан айблайди. Лекин бу жинойтлар ортида Ғарбнинг ўзи, унинг разведка идоралари, малай ҳокимлар ва Ғарб террорист деб айблаётган жамоалар турибди. Бу жамоалар шубҳали тарзда пайдо бўлган ва улар ҳақида кўплаган саволлар мавжуд. Улар мусулмонларга қарши бошқалардан кўра кўпроқ террор амалиётларини олиб боришган... Лекин Исломга қарши тил бириктирув кўлами жуда каттадир ва унда Исломга қарши хийла-найранг ишлатаётган барча иштирок этмоқда. Аллоҳга, унинг динига ва мусулмонларга хоин малай режимларнинг ахборот воситалари шулар жумласидандир. Улар Ғарбнинг ташвиқот қуроли бўлиб, Исломни қонга чанқоқ, дин деб тасвирламоқда. Улар мусулмонлар масалалари, шу жумладан Фаластин масаласидан воз кечган. Шунингдек, ҳокимларга қарши оёққа турган кўзғолонлар ҳақида ўзлари эргашаётган давлатлар қарашини қабул қилган. Қанчалаган мусулмонлар террор амалиётлари қурбони бўлгани ҳақидаги ҳақиқатни билмасликка оладилар.

Капитализм иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан муваффақиятсизликка учрагани бутун оламга аён бўлиб қолди. Америка бугун Ислом капитализмга ҳақиқий альтернатив бўлишининг олдини олиш учун ҳаракат қилмоқда. Чунки у Ислом бугун олам йўлиқаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эканини билади. Ғарблик

муфаккир сиёсатчилар мабдаий Ислом уларга хатар туғдираётганини кўриб туришибди. Шунинг учун улар оламни етаклайдиган катта куч бўлиши мумкин бўлган Халифалик давлати тикланишига қарши ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, улар Ислом идеологияси ўзларининг бузуқ капиталистик идеологияси ўрнини эгаллашига қарши ҳаракат қилишмоқда. Шунинг учун улар Исломга қарши курашда радикал Ислом атамасидан фойдаланишяпти. Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр ВВС радиосига берган интервьюсида «Бугун оламга хавф солаётган катта хатар радикал Исломдир», деган эди.

Ғарб террорга қарши курашмоқда ва экстремизмга қарши кураш учун программалар ишлаб чиққан. Мусулмон ҳокимлар бу ишда Ғарбга ёрдам бермоқда. Лекин шундай бўлсада улар рўёбга чиқармоқчи бўлаётган мақсадлари бошқадир, уларни қуйидагича тартиблаш мумкин:

**Биринчидан:** Исломни ўзгартириш ва илмонийлаштириш. Улар Ислом дунё ишларини ҳал қила олмайди, уни ҳаёт қонунларига алоқаси бўлмаган дин сифатида ўрганиш лозим ҳамда Исломий жамият капитализм ва унинг либерал қийматларини қабул қилиши лозим дейишади. Улар шу йўл билан мусулмонларнинг фикрлари ва туйғуларига таъсир қилишади. Натижада, мусулмонлар эркинликлар каби бузуқ илмоний фикрларни қабул қилиш орқали ҳақиқий динларидан узоқлашади...

Мусулмонлар мана шу тарафга қарши курашиш учун бу каби ёвуз программаларни қабул қилмасликлари лозим. Улар Ислом ҳақида ёрқин ва ижобий тасаввур ҳосил қилиш учун академик, зиёли ва сиёсатчилар билан самарали баҳс мунозаралар қилишлари лозим. Шунингдек, Исломга асосланиб ҳаёт кечириш ихтиёрий эмас, балки мажбурий эканини яхши англашлари лозим. Бундан ташқари оламни тубанлик ва бахтсизликка олиб келган илмонийликнинг ҳақиқатини фош қилишлари лозим. Ҳа, бу нарса бутун оламда туб ўзгариш бўлиши учун туртки бўлиши лозим.

**Иккинчидан:** Ғарб мусулмонларга Ислом инсоният ҳаётини тартибга соладиган қонунларга эга бўлмаган диндир ҳамда унинг давлати ҳам мавжуд эмас, деган тушунчани сингдиришга тўхтамай ҳаракат қилиб келмоқда. ИШИД жамоаси пайдо бўлиб, мусулмон ва ғайримусулмонларга қарши турли қотилликларни амалга оширгач, Ғарб Халифалик тушунчасига қарши халқаро кампания пайдо қилишни хоҳлади. Сўнгра Халифаликни тиклашга чақираётганларни экстремистлар деб атади. Лекин натижа бунинг акси бўлиб чикди.

Ғарб Умнат Ислом асосидаги ўзгартиришни жиддий талаб қилаётганини англади. Шунингдек, Умнатнинг талаби туш ёки хом хаёллик эмас, балки у мусулмонлар қалбида илдиз отган талаб эканини ҳамда мусулмонлар кўзғолон қилишга ҳақли эканини тушунди. Шунинг учун Ғарб Аллоҳнинг ўзгартириш борасидаги қонуни қаршисида тура олмаслигини англаши лозим, чунки ўзгартириш вақти кириб келди.

﴿سُنَّةَ اللَّهِ فِي الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلُ وَلَنْ تَجِدَ لِسُنَّةِ اللَّهِ تَبْدِيلًا﴾

*«(Бу) илгари ўтган зотлар ҳақидаги Аллоҳнинг йўли-қонунидир. Аллоҳнинг йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмасиз»* [Аҳзоб 62]

Мусулмонлар эса, Ислом ҳукмларини фақат Халифалик давлати орқали тўла ижро қилиш мумкинлигини англашлари лозим. Шунингдек, Росулulloҳ ﷺнинг охириги замонда Халифалик тикланиши ҳақидаги хушxabари рўёбга чиқишига оз вақт қолганига қаттиқ ишонмоқлари лозим. Мусулмонлар яна Халифалик мусулмонларнинг фикри эмас, балки шаръий ҳукм экани, у исломий бошқарув низоми экани, у орқали Исломни мабда сифатида тўла татбиқ қилиш мумкинлиги, бу давлатни тиклаш тариқати Муҳаммад ﷺнинг сийратидан истинбот қилинган шаръий тариқат эканини билишлари лозим. Агар мусулмонлар Росулulloҳ ﷺнинг Маккадаги сийратига назар солсалар, у кишининг давлат тиклаш тариқати бирор зўравон амални ўз ичига олмаганини кўради. Шунингдек, бу тариқат фикрий ва сиёсий курашни ўз ичига олгани ҳамда Исломни ҳаётда ҳакам қилиш вожиблиги ҳақидаги ваъйи ордан келиб чиққан раъйи омни пайдо қилишга ҳаракат қилганини кўради. Чунки жамиятлар зўравонлик билан эмас, балки фикрий тараққиёт орқали ўзгаради. Бу эса, либерал демократиянинг аксидир. Зеро Буш, Блэр ва улардан кейинги келганлар исломий оламни маййитларга тўлдиришди. Масалан Ироқда уни диктатор Саддамдан озод қилиш шиори остида юз минглаган мусулмонлар ўлдирилди.

Учинчидан: Ғарб исломий партия ва жамоаларнинг сиёсий фаолияти ва даъват ишлари орасини ажратишга қаттиқ уринди. Ҳар қандай исломий сиёсий жамоани, гарчи ўз мақсадини рўёбга чиқаришда зўравон бўлмаган услубни танлаган бўлсада, уни радикал жамоа деб ҳисоблади. Натижада, ҳар қандай исломий сиёсий жамоага тақиқ жорий қилди. Бунда Ғарб диннинг ҳеч қандай сиёсатга алоқаси йўқ, дин ҳукмлари ибодат, ахлоқ, никоҳ ва талоқ каби рухий ишларга чекланган деган ёлғон даъвони олдига сурди. Аммо исломий ақидани рухий тарафга чеклаш катта

хато бўлиб, Исломни насронийлик, бутпарастлик ва ҳиндулик каби динлар қаторига тушириб қўяди. Афсуски, руҳий асосдаги айрим исломий жамоа ва партиялар ўз даъватида фақат ибодатларга чекланиб қолди. Ушбу жамоалар ё қасддан, ёки қасдсиз илмонийликни улуғлаб, мустамлакачилар режасига хизмат қилмоқда.

Бунга муқобил ўлароқ, одамларни ибодат қилишга ва Суннатни татбиқ қилишга чақириш Исломнинг бир қисми бўлсада, булар тўла Ислом дегани эмас. Уларга бўлган даъват Исломнинг барчасига бўлган даъват эмас. Чунки воқега қарасак, бугун мусулмонлар исломий бўлмаган жамиятларда яшашмоқда, улар яшаётган юртлар куфр диёридир. Бу 1924 йил Халифалик кулатилган кундан бошланди. Халифаликнинг кулатилиши ачинарли аҳволга олиб келди. Бу иш улкан мусибат бўлди. Чунки Аллоҳнинг шариати бекор қилинди, унинг ўрнига инсонлар чиқарган қонунлар татбиқ қилинди... Мусулмонлар бугун ушбу воқени шариат билан муолажа қилишлари лозим. Бугун мусулмонларнинг тақдирий масалалари шундан иборатки, улар Халифаликни тиклаш ва халифани сайлаш орқали Исломни ҳаёт, жамият ва давлатда татбиқ қилиш учун фаолият қилишлари лозим. Чунки Халифаликни тиклаш орқали юртларимиз исломий юрт, яъни Ислом диёрига ва жамият исломий жамиятга айланади. Исломий юртлар Халифалик сояси остида бирлашади, сўнгра Исломни оламга даъват ва жиҳод орқали олиб чиқади. Бу масала ҳаёт ё мамот масаласи бўлиб, Умнатдан катта қурбонликлар талаб қилади.

Шунинг учун одамларни мукамал Исломга, яъни ақида, ибодат, ахлоқ, муомала, бошқарув низоми, иқтисод ва ижтимо низоми, таълим сиёсати, ташқи сиёсат ва бошқа барча Аллоҳнинг ҳукмларига амал қилишга чақириш вожиб. Чунки даъватни ибодат ва одатларга чеклаш билан Ислом олиб келган асосий мақсадни рўёбга чиқара олмаймиз. Бу мақсад Аллоҳга ибодат қилиш ва одамларни даъват, жиҳод ва чиройли татбиқ орқали Аллоҳга ибодат қилдиришдир. Шунда Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлини рўёбга чиқарган бўламиз:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»**

[Зариёт 56]

Бу эса, Исломни мусулмонлар ҳаётида тўла татбиқ қилишни талаб қилади.

Ғарб режаси мусулмонларни ўз динидан қайтаришга қаратилган ва мусулмонларни ўз ҳаётларида Ислонни татбиқ қилишдан қайтариш асосига қурилган. Ғарб Ислонга душман ва ўз адоватида экстремистдир. Шунингдек, Пайғамбаримиз ﷺ бизга ўргатган ислоний қийматларни улоқтиришни хоҳлайди. Бунинг муқобили ўлароқ, ислоний жамоатлар зўравон бўлмаган ҳақиқий йўл билан Ислонга даъват қилишлари ҳамда мусулмон ва ғайримусулмонларга Ислон инсоният учун мукамал низом деб тушунтиришлари лозим. □

## ХАЗОРАТЛАР – ТЎҚНАШУВМИ ЁКИ ДИАЛОГ? ҚИСҚАЧА ХУЛОСА

Уйғонишни истаган ҳар қандай уммат учун муаммолари ечимларига асос бўладиган, ҳаёти ишларини тартибга келтирадиган асос ва қоидалар керак бўлади. Ушбу асос ва қоидалар коинот, ҳаёт ва инсон ҳақидаги умумий фикратга асосланиши лозим. Бу фикрат ақида бўлиб, у инсондаги энг катта муаммони ҳал қилади ҳамда унинг дунё ҳаётидаги ишларини дунё ҳаётидан илгариги вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга боғлаб тартибга келтиради. Ушбу фикрат (яъни ақида) тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар, уйғонишни ва моддий тараққиётни вужудга келтириши табиий. Бироқ, тўғри уйғониш бўлиши учун ақлни қаноатлантирмоғи ва фитратга мос келиб, қалбни хотиржам қилмоғи лозим.

Агар биз ақидаларни (яъни уйғониш учун асос бўлган мабдаларни) кўриб чиқадиган бўлсак, биламизки, бундай мабдалар учтадир. Улар:

1 – Социализм: Ушбу мабда черков зулмининг реакцияси натижасида пайдо бўлди. У ақлни қаноатлантирмади ва ғаризаларни табиий равишда қондирмади. Шунинг учун у ҳаммани қашшоқлаштирди ва уларни давлатга қарам қуроолларга айлантирди. Шунингдек, бу мабда фитратга мос келмади. Шунинг учун у ўзидаги қувватга ва моддий ривожланишга қарамай, 70 йилдан ортиқ давом этмади, сўнг яқун топди.

2 – Капитализм: У Франция инқилобининг маҳсулидир. Рухонийлар билан худосиз атеистлар динни ҳаётдан ажратишга келишишигандан кейин капитализм дунёга келди. У ҳозирги 2019 йилга қадар 230 йилдан бери давом этиб келмоқда. Аммо у бугунги кунда тебраниб, қулаш арафасида турибди. Агар унинг клиник ўлимини ниҳоясига етказадиган бошқа ҳазорат бўлганида, у қулаган бўларди. Унинг муаммоларидан энг кўзга кўрингани шуки, у бутун эътиборини шахсга ҳамда у учун ҳаёт қулайликлари ва лаззатларини (агар у шу лаззатларни қадрли деб билса) таъминлаб беришга қаратади. Капиталистлар ўз тузумларининг кемтик жойларини ямаш учун ижтимоий таъминот бўлимларини ва хайрия жамиятларини ташкил қилишди. Шахсий эркинликларга шу даражада йўл берилдики, одамлар ахлоқий бузилиш ва майл истакларини ғайриоддий тарзда қондириш даражасига етиб боришди. Бойликнинг бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланиб қолиб, бойларнинг янада бойиши, камбағалларнинг янада



қашшоқлашиши, шунингдек, вақти-вақти билан иқтисодий кризислар юз бериб одамларни қийин аҳволга солиши ва бир тўп ширкатларни вайрон қилиши капитализмнинг нуқсонларидандир. Бунга 1925 йили юз берган, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги «буюк депрессия» номи билан танилган кризисни, шунингдек, 2008 йили юз берган ипотека кризисини мисол қилиш мумкин. Бошқа жиҳатдан, капитализмнинг ижтимоий томонни эътиборсиз қолдириши натижасида оилалар парчalandи, шахвоний хирс ва бойлик алоқанинг асосига айланди. Япон миллатига мансуб америкалик муфаккир Фукуяма шундай дейди: «Сиёсатчиларнинг ҳукмронлик қилиши ҳамда пулнинг бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланиб қолиши оқибатида демократия аста секин емирилмоқда». У бу гапни демократияга хужум қилиб ёзган мунозарали мақоласидан ҳамда шу мақоласи туфайли босимга учраганидан кейин бир неча йил ўтиб, 2015 йили айтган эди. Фукуяма ўзининг ўша мақоласида Америка ҳукумати иккинчи жаҳон уруши пайтида япон миллатига мансуб америкаликларни қамоққа олганини далил қилиб келтиради. Қамоққа олинганлар орасида унинг отаси ҳам бўлган, аммо ўша пайтда унинг отаси талабалик стипендиясида бўлгани учун унга омад кулиб боққан. Ажабланарлиси шуки, бу воқеалар Ислом принципига зид принципларга эга бўлган томонлар ўртасида бўлган бўлса ҳам, Фукуяма ўзининг шу мақоласидан кейин Ислом фобияси бўлиб қолди. Бу эса, Исломнинг ҳеч қандай роли бўлмаган ишларда ҳам Исломга доир ҳақиқатларни бузиб кўрсатиш уринишлари кўп бўлишини тасдиқлайди.

3 – Ислом: Коинот, инсон ва ҳаётни яратган яратувчига имон келтиришда, шунингдек, Қуръон Аллоҳнинг каломи, Муҳаммад ﷺ Аллоҳнинг элчиси эканига имон келтиришда ақл ишлатиш орқали Исломнинг ҳақлигига қаноат ҳосил қилинади. Росулulloҳ ﷺнинг мўъжизакор Қуръонни ваҳий орқали олиб келишлари у зотнинг пайғамбар эканлигига ақлий далилдир. Бундан ташқари, у зотнинг ўз замонасида муайян ҳолатларда кўрсатган мўъжизалари ҳам бўлган. Бироқ, бу мўъжизалар ўша вақтга хосдир. Ислом ҳаққонийлиги билан ақлни қаноатлантиради ва ўз аҳкомлари билан ғаризаларни табиий, тўғри қондиришда қондиради. Шунингдек, у фитратга мос келади. Чунки инсон табиатан ноқислик ва ожизликни ҳамда ҳаёти ишларини тартибга солидиган зотга муҳтожлигини ҳис қилади.

Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, Исломда саноат ва илм-фан соҳасидаги уйғониш, шунингдек, ижтимоий тараққиёт ақидавий фикрий асосга курилади. Бу асос Росулulloҳ ﷺнинг

даврида Мадинада амалда қўлланди, сўнг араб ярим оролига ёйилди ва Росулulloҳ ﷺнинг вафотларидан кейин халифалар даврида ер юзининг бошқа ҳудудларига ёйилди. Европа қоқоқлик, жаҳолат ва залолат ботқоғига ботиб турган вақтда Исломиё давлат етакчи давлат ва олам маёғи бўлди. Бу давлат ҳижрий 1 йилдан бошланиб ҳижрий 1342, милодий 1924 йилга қадар давом этиб келди. Агарда ташқаридан Ислom давлатига қарши тилбириктирувлар бўлмаганида, шунингдек, шахсий манфаатларни ҳамма нарсадан устун қўйган малайлар бу давлатга қарши ташқи душманлардан ёрдам сўрашмаганида кофирлар уни қулата олмаган бўлишарди.

Ислomда Ғарбнинг эътиборини тортган энг муҳим томон оилавий жипсликни тамсил этган ижтимоий низом бўлса керак. Британия мусулмонларнинг оилавий ҳаётини ўрганиш учун мусулмон оилалар билан насроний оилаларни аралаштириш орқали буни ўз халқига кўчиришга ҳаракат қилди. Чунки у оилавий келишмовчиликлардан азият чекиб келмоқда ва қаровсиз қолган кекса ёшдагиларни қариялар уйда сақлаш унга қимматга тушмоқда. Собиқ АҚШ президенти Никсон «Ислomнинг туб моҳияти» номли китобида хоссатан Америка жамиятининг, умуман Ғарб жамиятларининг воқеълигини шундай ифодалайди: «Аслини олганда дунёга хавф солаётган нарса шуки, бизнинг мамлакатимиз молга бой бўлиши мумкин, бироқ биз руҳан қашшоқмиз. Чунки таълим ва тарбия ёмонлиги, жинойтчиликнинг кўплиги, зўравонлик кучайиши, этник бўлинишлар ўсиши, гиёҳвандликнинг тарқалиши, ўйин-кулги маданияти, вазифани адо этишдаги масъулиятсизлик ва руҳий бўшлиқнинг кенгайиши... буларнинг барчаси америкаликларнинг парчаланишига, юртидан, динидан ва бир-биридан узоқлашишига ҳисса қўшди».

Американинг собиқ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский шундай дейди: «Шаҳвоний истакларга берилиб кетган жамият – Америка жамияти – дунё учун ахлоқий қонунни қабул қила олмайди. Ахлоқий етакчиликни таъминлай олмаган ҳар қандай цивилизация йўқ бўлиб кетади». Собиқ давлат котиби ва собиқ президентликка номзод Хиллари Клинтоннинг «Оғир танлов» номли китобида айтган гапи Американинг ахлоқий жиҳатдан дунёга етакчилик қила олмаслигини кўрсатади. Клинтоннинг китобида келишича, бир журналист ундан: сиз чакираётган эркинлик нима? – деб сўраганида «гомосексуаллар ҳуқуқи», деб жавоб берган.

Мусулмонларнинг давлати бўлган пайтдаги давлат томонидан татбиқ қилинган иқтисодий низом ҳам Ғарбнинг эътиборини тортди. Зеро, бу низом шахсларнинг ҳамда жамият ва давлатнинг

ёхтиёжларини ҳар томонлама қондиради. Шунингдек, бу низом иқтисодда одамларга шундай бир аҳкомларни юклайдики, бу аҳкомлар одамлар ўртасида улардан ҳеч бирининг ҳаққини тортиб олмасдан бойликнинг тақсимланишини таъминлайди. Айрим Ғарб зиёлилари 2008 йилги ипотека кризисини ҳал қилиш учун фоиз ставкасини нольга, солиқларни 2,5 %га туширишни талаб қилишди. Яъни, улар Исломнинг афзаллигини тан олмаган ҳолда Исломдаги ҳукмлар жорий қилинишини талаб қилишди.

Исломда инсон муаммоларини муолажа қиладиган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа низомлар мавжуд экан, бу низомларни татбиқ этадиган ва уни муҳофаза қиладиган бошқарув низоми ҳам Ислом ақидасидан балқиб чиққан бўлмоғи лозим. Бундай низом Халифалик низоми бўлиб, у ичкарида Исломни татбиқ этади, одамларнинг ишини ғамхўрлик билан бошқаради ва бу билан у бутун дунё учун эргашиладиган намунавий давлат бўлади. Мана шундан кейин у Исломни бутун дунёга рисолат ва раҳмат сифатида кўтариб чиқади.

Исломий давлат гуллаб-яшнаган даврда илм-фан ва саноат соҳасининг ривожланганига доир айрим мисолларни қайта кўриб чиқишдан олдин тарихимизни бузиб кўрсатилган суратидан ажратган ҳолда билмоғимиз лозим. Тарихни билиш қуйидаги икки иш билан бўлади:

– Тарихни бузиб кўрсатилган суратидан ажратган ҳолда, ривоят орқали (ривоятга таяниб) ўрганиш.

– Исломни тушунишда унинг манбаларига таяниш.

Ислом ҳазоратининг айрим кўринишларини кўриб чиқишдан мақсад ўтмишга йиғлаш эмас. Балки, қандай бўлганимизни ва Ислом амалда қандай қўлланганини билиш ҳамда ўтган ишлардан фойдали хулоса чиқариб, кўзланган мақсад сари ҳаракат қилишга эътибор қаратишдир. Шунинг учун уйғонишни рўёбга чиқарган ҳамда саноат ва илм-фанда муҳим из қолдирган босқичларнинг айримларини айтиб ўтишимиз лозим. Жумладан:

– Росулulloҳ ﷺ қилич яшашни ўрганишлари учун одамларни Яманга жўнатдилар.

– Румликлардан девонлар тизими олинди ва у бошқалардан олинган нарсаларнинг энг кўзга кўринганидир.

– Илм-фан соҳасида олдингиларнинг китоблари таржима қилинди, асослари ўрганилди ва тузатиш мумкин бўлган хатолари тузатилди. Масалан, ернинг шакли ҳақидаги хато тузатилиб, унинг шарсимонлиги исботланди. Шунингдек, ривожлантириш мумкин бўлган нарсалар ривожлантирилди. Масалан, магнит стрелкаси

олиниб, у аниқ даража ва бурчакларга эга бўлган компасга айлантирилди.

– Уламолар ёлланди ва уларнинг сўзлари таржима қилиниб ўрганилди. Масалан халифаларнинг бири математикани яхши билган ҳинд математикларидан бирини олиб келтирди.

Маълумки, кўплаб шарқшунослар мусулмонларнинг порлок тарихини инкор этишади. Бироқ уларнинг орасида немис шарқшуноси Сигрид Хункега ўхшаган инсофдилари ҳам бор. У ўзининг «Аллоҳнинг қуёши Ғарбда порлади» деб номланган китобида илмий уйғонишда мусулмонларнинг афзаллигини эътироф этади. Сигрид Хунке кейинчалик ўша китобининг номини ўзгартириб, «Араблар қуёши Ғарбда порлади» деб номлаган. Биз қуйида айрим мисолларни келтириш билан бир қаторда унинг сўзларини ҳам келтираемиз:

– Европалик олимлар сифатида танилганларнинг айримлари мусулмонларнинг китобларини олиб, муаллифининг номини ўчиришган ва ўзларининг номини ёзишган. Масалан, Ибн Ҳайсамнинг китобига нисбатан шундай қилинган.

– Мусулмон олим Ҳоразмийнинг дунёга «алгоритм» номи билан танилган математика фани ривожлантирилди. Бу термин бугунги кунга қадар қўлланилмоқда. Биз ернинг диаметрини ўлчашга муваффақ бўлган ҳамда алгебра ва кимё каби фанлардан амалда фойдаланган Берунийни ҳам унутганимиз йўқ.

– Автоматика (механика) фани. Бу соҳадаги энг таниқли олимлардан бири Муҳаммад ибн Мусодир. Шунингдек, мусулмонларнинг бу соҳадаги ихтироларидан бири Аббосийлар даврида ўзиюар (механик) соатнинг ихтиро қилинишидир.

– Оптика (физиканинг ёруғлик қонунларини текширадиган бўлими) соҳасидаги энг таниқли олимлардан бири Ибн Ҳайсамдир.

– Денгизларни ўрганган олимлардан бири Ибн Мождидир.

– Тиббиёт соҳасида жарроҳлик қуроллари, игна ва микроциркуляция воситалари ихтиро қилинди. Бу соҳадаги таниқли олимлар: Ибн Ҳайсам, Ибн Нафис, Розий ва Ибн Синодир.

Биз Англия, Швеция ва Норвегия қироли Жорж олтинчи халифа Ҳишомга юборган тарихий мактубни ҳам унутганимиз йўқ. Ушбу мактубда шундай келади: (Англия, Швеция ва Норвегия қироли Жорж иккинчидан Андалус мамлакатадаги мусулмонларнинг буюк подшоҳи олий мақом халифа Ҳишом учинчига... Билдирилган ҳурмат ва эҳтиромдан кейин... Биз сизнинг юртингиздаги илм-фан ва саноат маъҳадлари унинг соф файзидан баҳраманд бўлаётган буюк тараққиёт ҳақида эшитдик. Шунинг учун ушбу фазилатлар

намуналаридан бизнинг фарзандларимиз ҳам олишини истадик. Токи, бу – тўрт тарафдан жаҳолат ўраб олган юртларимизда илм нурларини ёйиш учун сизларнинг изингиздан эргашишда гўзал бошланиш бўлиб қолсин...

### **Исломий давлатнинг қулаш омиллари**

Исломни татбиқ этадиган, у билан уйғониб, уни оламга ёядиган давлатни барпо қилиш омиллари мавжуддир. Шунингдек исломий давлат башарий давлат бўлиб, у илоҳий давлат эмас. Шунинг учун агар мусулмонлар ўз давлатларини уйғотиш омилларидан воз кечиб, уни қулашга олиб борадиган омилларга бўйсуниб қолсалар давлатнинг қулаши табиийдир.

Ушбу омиллар:

#### **Биринчи: Ички омиллар. Масалан:**

– Одамларга Ислом ҳукмларини ёмон татбиқ этиш.  
– Тартибсизликларни куч билан бостириш, одамларга бирлик ҳақидаги Ислом ҳукмларини, шунингдек ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш аҳкомларини тушунтиришда фикрни ишга солмаслик. Араб тили қувватини исломий қувватдан ажратиш. Турк тилини расмий тил қилиб белгилаш орқали турклаштириш сиёсатига таяниш араб тили қувватини Ислом қувватидан ажратиш ҳаракатининг сўнги нуқтаси бўлди.

– Ижтиҳод эшигининг ёпилиши ҳамда ҳаётдаги ишлар янгилашиб, уларга қандай муносабатда бўлишни билиш учун улар ҳақида изланиш олиб бориш ва ижтиҳод қилиш керак бўлишига қарамасдан давлат тарафидан ижтиҳод эшигининг қайта очилмаслиги.

#### **Иккинчи: Ташқи омиллар. Масалан:**

Германияда Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро урушларни тўхтатиш ҳамда Исломнинг Европага кенгайишига қарши туриш учун Вестфалия конференцияси ўтказилган. Конференцияда Насроний давлатлар лигаси таъсис этилган. Бу лига бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номи билан танилган бўлиб, бу ташкилот Исломнинг барча шаклларига қарши курашишда ҳамон асосий рольни ўйнаб келмоқда. Бу соҳада Ғарб амалга оширган ишларнинг энг хатарлиси 1650 йили бошланган бўлса керак. Чунки ўша йили, мусулмонлардаги қувват ва заифлик омиллари излаш бошланди ва улар мусулмонлар қуввати уларнинг ақидасида яширинган, чунки, Исломни ёйиш, жиҳод, қурбонлик бериш, бирлик ва биродарлик аҳкомлари, шунингдек, бошқарув низоми, ижтимоий ва иқтисодий низом тафсилотлари шу ақидадан балқиб чиқади, деган хулосага келишди. Шунинг учун, Ислом ақидасини

ва ундан балқиб чиққан аҳкомларни бузиш ҳамда Ислом давлатига барҳам беришни осонлаштириш учун режа ишлаб чиқишга азм қилишди. Улар бу ишда ютукқа эришишди ва бу режа Ислом юртларига шарқшуносларни юборишда намоён бўлди. Шарқшуносларнинг роли қуйидаги ишларда гавдаланади:

1 – Хос турда араб тилини, умумий турда бошқа тилларни ўрганиш.

2 – Исломни теран ўрганиш. Ҳатто уларнинг айримлари аҳкомларни сохталаштириш ва Исломга қарши иғво уюштириш учун ҳукмларни истинбот қилиш даражасига етиб боришди.

3 – Тарихни бузиб кўрсатиш учун уни ўрганиш ҳамда мусулмонлар ўртасидаги курашни ҳоқимият ва бойлик устидаги кураш қилиб, жиҳодни бошқа давлатлар бойликларини талаш, деб кўрсатиш.

4 – Мусулмонларни уларнинг ҳазорати Ислом асосида эмас, балки, Ғарб ҳазорати асосида шаклланган деган хаёлга олиб бориш учун осори атиқаларни ўрганиш.

5 – Шарқшунослар Исломни даъво қилганларидан кейин Умнат орасида муфаккир, археолог, тарихшунос ва шариатни билувчи олим сифатида Ҳамда исломий давлат жисмидан ажралиб чиқиш учун бошланган мустақиллик ҳаракатларини бошқарувчи етакчи сифатида олдинга чиқди.

6 – Давлат илм-фан ва саноат соҳасида кучсиз бўлиб турган бир пайтда Ғарбнинг бу соҳадаги ютуқларига маҳлиё бўлган айрим мусулмонларни ҳамда давлатнинг мусулмон бўлмаган бошқа фуқароларини жалб қилиб, уларни Ғарб сақофатини ўрганишлари учун Европага юбориш. Бунинг натижасида, улар Ғарб сақофати билан суғорилиб, жамият ва давлатни парчаловчи курулларга айланадилар.

7 – Обрўли кишилар, тўдалар ва етакчиларни сотиб олиб, уларни ўзларининг манфаатлари учун хизмат қиладиган малайларга айлантириш учун разведка идораларига боғлаш. Бундай етакчилардан энг кўзга кўрингани Сауд оиласидир.

8 – Иқтисодни вайрон қилиб, юртни ҳолдан тойдириш. Бунинг учун улар темир йўлларни портлатиш, экинзорларни ёқиш, тўғонларни портлатиш каби ишларни ва булардан бошқа бир қанча ишларни амалга оширишди. Масалан, Шариф Ҳусайн Туркия-Ироқ-Қувайт темир йўлини портлатди.

9 – Давлатдаги етакчи ўринларга чиқиш. Султон Абдулҳамид иккинчи ўзининг хотира дафтарида «Ҳатто менинг бош вазирим Британия малайидир» деб ёзади.

10 – Армия ичига кириб, ундаги етакчи ўринларни эгаллаш. Мустафо Камол худди шундай қилган ва у дўнма яҳудийларидан бўлган.

11 – Халифалик давлатининг араб, барбар, турк, амозиғ, болқон, форс ва булардан бошқа миллат вакиллари бўлган фуқаролари ўртасида миллатчиликни кўзғаш.

12 – Қўзғолонларни амалга ошириш ва давлат жисмидан ажралиб чиқиб мустақил бўлишни талаб қилиш ҳамда давлатни босқинчи ва ноқонуний деб тасвирлаш.

13 – Абдулҳамид иккинчи 1911 йили тахтдан олинди ва Бану Усмон халифаларининг охиргиси бўлган Абдулмажид иккинчи 1924 йили тахтдан ағдарилди.

14 – Ҳижрий 1342 йил 28 ражаб, милодий 1924 йил 3 март, эрталаб соат 10:10да Халифалик бошқарувини бекор қилиш ва илмонийликни татбиқ қилиш эълон қилинди.

1905 йили ўтказилган Кэмпбелл конференцияси: Ветфалия конференцияси мақсадларининг амалга ошгани кўришиб қолганидан кейин мусулмонларнинг қандай ҳолатда бўлиши лозимлигига аниқлик киритиш ҳамда Ислом давлатининг қайта тикланиши олдига тўсиқ қўйиш учун Кэмпбелл конференцияси ўтказилди. Бу конференцияда қуйидаги қарорлар чиқарилди:

1 – Мусулмонлар юртларини зиддиятли чегаралар билан ажралиб турадиган давлатчаларга бўлиш. Бу Сайкс-Пико шартномаси билан амалга ошди.

2 – Мусулмонларнинг бирлашишига йўл қўймаслик.

3 – Мусулмонларнинг ҳақиқий илмий уйғонишни амалга оширишларига йўл бермаслик ва чекланган уйғониш амалга оширилишига монельлик қилмаслик.

4 – Жамиятдаги озчиликларни дискриминация қилиш ва уларнинг жамият таркибидаги бошқа қисмлар билан бўлган алоқаларини минималлаштириш (энг қуйи даражага тушириш) орқали жамият тузилмасини парчалаш.

Кофир Ғарб Ислом давлатини қулатишга эришганидан кейин, Британия бош вазири Британия умум палатасида Туркияга мустақиллик берилишига билдирилган эътирозларга жавобан шундай дейди: «Биз Усмоний давлатга барҳам бердик ва у асло тиклана олмайди. Чунки, биз икки муҳим ишга барҳам бердик. Улар: Ислом ва Халифаликдир». Ўшандан бери бизнинг устимиздан Ғарб ҳукмронлик қилиб келмоқда.

### Қайта уйғониш:

Биз юқорида қулаш омилларини кўриб чиқиб муҳокама қилдик. Агар биз яна қайта уйғонишни ҳамда ўз рисолатимизни бутун оламга мукамал етказа олиш учун яна қайта биринчилик ўрнини эгаллашни истасак... бу фақат қуйидаги ишлар билан бўлади:

1 – Умматда биринчи Ислом давлатининг тикланишига асос бўлган тўғри фикрни ва соғлом фикрлаш тариқатини вужудга келтириш лозим. Чунки, Исломни, унинг аҳкомларини ҳамда Исломни яна қайта ҳаётга қайтариш кайфиятини тушуниш фикрлашнинг соғлом тариқати асосида бўлади.

2 – Динни ҳаётдан ажратишга асосланган Ғарб фикрларига ва шу фикрлардан балқиб чиққан ҳаёт низомларига зарба берилиши лозим.

3 – Биздан олдингилар давлатни Ислом асосида қандай бошқарганларини билиш учун тарихни тўғри англаш лозим.

4 – Одамлар билан қандай муносабатда бўлиш кераклигини билиш учун олдинги Ислом давлатида яшаган халқлар табиати ҳамда мусулмонларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги аҳволи ўрганилиши лозим.

Сўзимиз якунида айтамизки, мусулмонларни яна қайта уйғотишни истаган киши иккита программага эга бўлиши керак:

Биринчи: (Ўзгартириш программаси). Бу программа тузумни шариат аҳкомларига мувофиқ ўзгартириш учун ҳокимиятга етиш кайфиятини баён қилиб беради.

Иккинчи: (Давлат программаси). Бу программа Исломдаги бошқарув низоми, унинг тафсилотлари ва уни татбиқ қилиш кайфияти ҳақидаги қарашларни ўз ичига олади.

Бу фақат Исломга асосланган онгли, холис жамоа билангина амалга ошади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحٰنَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

﴿المشركين﴾

**«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»** [Юсуф 108]

Биз Қодир Аллоҳдан «Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик» тикланишини тезлаштиришини сўраймиз. Зеро, Халифалик Роббимиз шариатини қоим қилиб, бизни бирлаштиради ва бутун оламга эзгуликни ёяди. □



## ДУНЁ МОЛИЯВИЙ ТИЗИМИГА ХАВФ СОЛАЁТГАН ХАТАРЛАР

Набил Абдулкарим

Дунё иқтисоди ғоят мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Баъзилар биз кризис босқичига кирдик деса, баъзилар биз ҳали кризис босқичига кирмадик, балки унинг бўсағасидамиз, кризис босқичи жуда оғир кечади, дейишмоқда. Биз учун аниқ бўлган нарса шуки, дунё 2017 ва 2018 йиллардан бошлаб ҳақиқатан энг оғир иқтисодий турғунлик босқичига кирди. Бу ҳақда биз дунё иқтисодчиларининг баёотларини ўқиямиз ва эшитяпмиз. Уларнинг баёотлари қуйидагича: «Агар инвестиция ва ташқи савдо дунё бўйлаб ҳаракатга келмаса, бу даврнинг салбий оқибатлари жиддий бўлади. Шунинг учун иқтисодий қувват ҳақиқий, таъсир кучига эга бўлган ислохотларни тақдим этиши керак. Акс ҳолда биз тубсиз жарлик сари кетаверамиз. Нима қилсак ҳам бу жарликка қулашимиз муқаррар ва биз учун имкон борича буни кечиктиришга ҳаракат қилишдан бошқа чора йўқ».

Кўпинча иқтисодий кризислар кутилганидан бошқача бўлади. Шунинг учун иқтисодчилар кризисга «бир ёки бир неча мамлакатда иқтисодий фаолиятнинг битта ёки барча турида тўсатдан мувозанат бузилиши» деб тариф беришади. Агар кризис кутилганидек юз берганида уни юз беришидан олдин четлаб ўтиш ёки муолажа қилиш мумкин деб айтар эдик. Бугун биз биламизки, келгуси иқтисодий кризис дунёдаги энг кичик иқтисодчи ёки сиёсатчисига ҳам сир эмас. Шундай экан, нега улар кризисга учрамаслик учун керакли эҳтиёт чораларини кўришмаяпти?!

Биз уларнинг эҳтиёт чораларини кўришаётганини биламиз. Бироқ, келгуси кризис дунё иқтисодининг барча секторларида, қолаверса унинг асосий таянчларида юз беради. Чунки у 100 ва ундан кўпроқ йиллардан бери давом этиб келаётган коррупция, судхўрлик, инфляция ва ҳоказоларнинг маҳсулидир. Credit Suisse Global Wealthнинг 2017 йилги ҳисоботига кўра, ер куррасининг тахминий қарзларини қоплаш учун ер юзи ресурсларидан уч баравар кўп ресурс керак бўлади.

Бу ерда бизнинг кутиш ёки кутмаслигимиз аҳамиятсиздир. Чунки кризис бошланганида унинг доналари шиддат билан қулашда давом этади ва у бутун ер юзи аҳолисига ёки кўпчилигига етиб бориши ҳам мумкин. Биз унинг қачон бошланишини билмаймиз, бироқ, кутамиз. Унинг қачон тугашини ва дунё иқтисодига унинг умумий таъсири қай даражада бўлишини олдиндан айтиб бўлмайди.

Умуман олганда, очкўз капиталистик низом пайдо бўлганидан бошлаб то бугунги кунгача дунё иқтисоди нималарни бошдан кечирганини ҳамма билади. Капитализмнинг энг муҳим кризислари: 1929 йили юз берган «буюк депрессия», 1987 йили юз берган (биржада миллионлаб долларлар йўқолган) «қора душанба», 1997 йили юз берган Жануби Шарқий Осиё (Осиё йўлбарслари) кризиси, шунингдек, оқибати бугунгача давом этиб келаётган 2008 йили юз берган ипотека кризиси. Биз буларни бирма-бир айтиб ўтмоқчи эмасмиз, чунки булар ҳақида олдин тафсилоти билан айтиб ўтилган. Бироқ бу ўринда, биз шу йил бошидан иқтисодий турғунликнинг янги босқичига кирдикми? – деган савол туғилади. Биз иқтисодий вазиятнинг сўнгги икки йил ичидаги энг муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш орқали бу саволга жавоб топа оламиз. Дарҳақиқат, дунё молиявий бозорлари бу йиллар ичида учта зарбага учради ва бу яхшилик даракчиси эмас.

- 2018 йилнинг февралда жаҳон фонд биржасида энг ёмон ҳафта бўлди, Американинг Dow Jones компанияси акциялари тушиб кетди, сўнг бу ҳолат тез суръатда бошқа биржаларга кўчди. Молиявий янгиликларни бериб борувчи CNN MONEY веб-сайти Dow Jones акциялари 2,5 %га тушиб кетганини маълум қилди. Бу эса, 2011 йили Уолл Стритда акцияларнинг тушиб кетганидан буён акция қиймати тушиб кетишининг энг юқориси ҳисобланади. Бу ҳол кутилмаганда юз берган бўлсада, баъзилар АҚШ молия вазири Стивен Мнучиннинг Давосдаги «бутун жаҳон иқтисодий форуми»да берган баёнотини бунга сабаб қилиб келтиришди. У шундай деган эди: «Долларнинг тушиб кетиши АҚШ савдо балансига қисқа муддатда фойда келтирди, бироқ мен валюта куввати узоқ муддат сақланиб қолиши муҳимлигига ишонаман».

- 2018 йилнинг октябр ойидаги ҳафталардан бири «қайғули ҳафта» дея номланди. Чунки Уолл Стрит йиғинларининг бирида технология акциялари ўз индексини 9 %га йўқотди. Бу эса, Америка бозорларида энг катта қиймат соҳиби бўлган сектор учун катта йўқотишдир. Бунга товарлар нархи тушиб кетиши ҳамда Арпленинг рақамларни тўла-тўқис ошкор қилиш талабини қабул қилмаслиги сабаб қилиб келтирилди. Бу ерда бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин.

- 2018 йил 21 ноябрда акциялар қийматининг кескин тушиб кетиши юз берди. Nasdag 7,36 %га, Standard & Poors 7,5 %га, Dow Jones 6,87 %га ўз акцияларининг қийматини йўқотди. Рейтер агентлиги Халқаро Валюта Фонди томонидан билдирилган маълумотларга таяниб келтиришича, савдо тангликлари глобал

молиявий беқарорлик хавфини оширади. Йилнинг сўнги ойларида дунё молиявий тизими дуч келган хатарлар ошди. Агар ривожланаётган бозорларга босим кучаядиган бўлса, бундай хатарларнинг кескин кучайишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шундай қилиб, биз иктисодий турғунлик бўсағасида турибмиз. Иктисодчилар турғунликка «иктисоднинг ўсиши секинлашиб ёки ўсмасдан узок вақт туриб қолиши» деб таъриф беришади. Одатда у ялпи ички маҳсулот билан ўлчанади. Баъзилар агар иктисодий ўсиш суръати 2-3 %дан паст бўлса, бу иктисодий турғунлик ҳисобланади, деган фикрни билдиришади.

Халқаро Валюта Фонди Қўшма Штатлардаги 2019 йилги ўсиш прогнозларини 2,7 %дан 2,5 %га туширди. Шунингдек, Хитойдаги айни шу йилги ўсиш прогнозларини ҳам 6,4 %дан 6,2 %га туширди. Халқаро Валюта Фондининг бош иктисодчи эксперти Морис Обстфельднинг айтишича, Пекин ўсишни қўллаб-қувватлаш ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун ўз ҳаракатларини мувозанатга келтириши керак.

Дунё шиддатли молиявий кризисга юз тутаётганининг энг муҳим сабаларидан бири қарзлардир. Сўнги ўн йил ичида глобал қарз кўплаб сабабларга кўра кескин кўпайди. Мисол учун, бу сабаблардан энг муҳими дунё иктисоди дучор бўлган ёпиқ қарз муомаласидир. Ёпиқ қарз муомаласи қарзларнинг тез тўпланишига ва ўсишни таъминлаш учун қарздан фойдаланишга олиб келди. Бунинг натижасида, истеъмол кучайди ва фақат қарзни тўлаш ваъдалари берилиши билангина инвестиция ётқизиш ошди. Ёпиқ қарз муомаласи миқдорни енгиллаштиришдан фойдаланишга (марказий банкнинг одатда сотиб олмайдиган активларни сотиб олиши)га олиб келди. Шунингдек, 2014 йили нархлар тушиб кетди, ривожланаётган бозорлар ичкарасидаги сарф-харажатларда тез ўсиш бўлди ва марказий банк талабига биноан фоиз ставкалари кўтарилди... Булардан бошқа ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки глобал қарз сезиларли даражада ўсди:

Йиллик қарзлар	1999 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2017 йил
Доллар-триллион	80	118	178	210	233

Bloomberg News маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига ўртача дунё қарзи қариб 86 минг долларни ташкил этади. Дунё қарзининг 2018 йили қайд этилган ҳажми 225 %га етади. У қуйидаги тақсимланишга кўра, 233 триллион доллар деб баҳоланган:

## BLOOMBERY BUSINESS WEEK

Молиявий бўлмаган ширкатлар	68
Уй хўжаликлари	44
Молиявий ширкатлар	58
Ҳукуматлар	63
2017 йил учун жами	233 триллион доллар

Дунё қарзларининг 2018 йил учинчи чораги охирида 244 триллион долларга кўтарилгани қайд этилган. Халқаро молия институти маълумотларига кўра, бу иқтисодиётнинг 318 %га тенг. Унинг тақсимланиши қуйидагича:

Молиявий бўлмаган ширкатлар	72.9
Уй хўжаликлари	46.1
Молиявий ширкатлар	60
Ҳукуматлар	65
2018 йил учун жами	243 триллион доллар

Ширкатлар қарзларидаги энг катта ўсиш ривожланаётган бозорларга тегишлидир. Шунингдек, ривожланаётган бозорлардаги уй хўжаликларининг ўртача қарзи 2016 йилдан бери 30 %га ошди. Айниқса, Хитойда 45 %га ошган. Яъни бу 6,7 триллион долларга тенг. 2017 ва 2018 йиллар ўртасини солиштирсак умумий қарз 11 триллион доллар миқдорида ўсганини биламиз. Бунинг тақсимланиши қуйидагичадир:

Молиявий бўлмаган ширкатлар	4,9
Уй хўжаликлари	2,1
Молиявий ширкатлар	2
Ҳукуматлар	2
Жами	11 триллион доллар

Дунё иқтисодининг 2019 йилда катта турғунликка киришини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, қарзларда катта ўсиш юз беради ҳамда ривожланаётган бозорлардаги уй хўжаликлари, ширкатлар ва ҳукуматларнинг қарзларини тўлашга кучи етмай қолади, қолаверса улар қўшимча қарз олишга ҳаракат қиладилар. Бу билан глобал қарз янада ошади.

**Ривожланаётган бозорлар:**

Ривожланаётган бозорларга хос тариф йўқ. Улар ривожланган давлатларнинг айрим хусусиятларига эга давлатлардир. Бирок улар ривожланган давлатларнинг барча меъёрларига мувофиқ келмайдилар. Ривожланаётган бозорлар даромади паст ёки ўртача

давлатлар бўлиб, дунё аҳолисининг 80 %ни ва дунё иқтисодининг 20%ни ташкил этадилар. Баъзиларнинг ривожланаётган бозорларга берган тарифи қуйидагича: «Ривожланаётган бозорлар сўнгги ўн йил давомида сезиларли ривожланишга гувоҳ бўлган, дунё иқтисодига очиқ ҳамда технология ва моҳир ишчи кучига, шунингдек ялпи маҳаллий маҳсулотни ўстиришга ёрдам берадиган омилларга эга бўлган давлатлардир».

Ушбу бозорлар бошдан кечираётган аянчли аҳвол жиддий хавотирларни уйғотди. 2018 йил бошида фоиз ставкаларининг кўтарилиши билан бу аҳвол энг юқори даражага чиқди. Натижада, бу бозорлар маҳаллий валюталарнинг тушиб кетиши билан боғлиқ кризисга дучор бўлди. Биз Аргентина, Мексика, Туркия ва Венесуэла каби давлатларнинг ҳар бирида инфляция жараёнини кузатдик. Туркия валютаси тахминан 30 %га, Венесуэла валютаси 40 %га ўз қийматини йўқотди. Айни пайтда ривожланаётган бозорлар индекси қарийб 22 %га тушиб кетган.

Бошқа томондан, Халқаро Валюта Фонди директори Кристина Лагардга кўра, савдода туғилган хавфлар ҳамда Ғарбдаги асосий марказий банкларнинг пул муомаласини қаттиқлаштириши натижасида ҳамда фоиз ставкаларининг кўтарилиши манзарасида сармоядорларнинг ривожланаётган бозорлардан чиқиб кетиши муқаррар. Бундан ташқари Халқаро Валюта Фондининг глобал молиявий барқарорлик бўйича берган ярим йиллик ҳисоботида келишича, иқтисодий ўсишда ривожланган давлатлар билан ривожланаётган бозорлар ўртасидаги бўшлиқ кенгайган.

Бошқа томондан, иқтисод илмида иқтисодий цикл (бир босқичдан иккинчи босқич ўртасидаги давр) табиати деган атама бор. Бу атама иқтисод босиб ўтадиган ўсиш ва турғунлик босқичларига ном қилиб берилган. Баъзилар уни доимий, деб ҳисоблайдилар. Яъни уларга кўра, ривожланиш ортидан турғунлик келади ва ҳоказо... Аслида эса, улар олдиндан айтиш қийин бўлган босқичлардир. У тўрт босқични босиб ўтади: Гуллаб яшнаш, чўққига кўтарилиш, турғунлик ва пастга қулаш. Биз – олдин айтиб ўтганимиздек – турғунлик босқичидамиз. Кўпинча баъзилар турғунлик вақтинча бўлади ва у тугайди, деб ўйлашади. Бирок, иқтисод пастга қулаш босқичига етиб бормагунига қадар у тугамайди. Шундай қилиб, иқтисодий цикл тугайди. Сўнг иқтисод яна қайта гуллаб-яшнаш босқичига кўтарилади. Иқтисодий циклнинг даври (яъни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш даври) ҳар хил бўлади. Баъзилар уни ўн йил бўлади деса, баъзилар ундан кўпроқ бўлади, дейишади. Иқтисодий цикл ёлғиз ўзи

кризисга сабаб бўлмайди. Бироқ, юқорида айтиб ўтилган турғунлик, глобал қарзнинг ўсиши ва ривожланаётган бозорлардаги дефицитни ҳисобга олганда, дунё иқтисоди 2019 йили жиддий муаммоларга учрайди, биз турғунлик босқичининг охиридамиз ва пастга қулаш босқичига қараб кетяпмиз, деб айтиш мумкин.

Иқтисодий ҳисоботларнинг аксарияти пессимистик (умидсизликка асосланган) ёки нейтралдир. Жаҳон Банки томонидан чиқарилган «глобал иқтисод истиқболлари» билан боғлиқ ҳисоботда айтилишича, савдо танглиги давом этар экан, савдо ва инвестициялар глобал миқёсда пасаяди.

Халқаро савдо соҳаси профессори Агасимон «иқтисодий кризисга жуда яқин қолди» дейди. Унинг таъкидлашича, Қўшма Штатлар билан Хитой ўртасидаги савдо уруши кризиснинг тезлашиши мумкинлигини очик кўрсатиб турибди. Халқаро савдонинг пасайиб кетиши, ишсизликнинг ортиши ва Хитой иқтисодидаги инфляция муқаррар равишда шиддатли кризисга олиб келади.

Албатта, бундай таҳлилни қабул қилмайдиган иқтисодчилар ва экспертлар бор. Улар глобал молиявий низом емирилиш арафасида эканини рад этадилар. Рад этиш сабаблари турлича бўлсада, улар иккита нарсада бир хил фикрда:

- Улар иқтисодий кризис юз беришини тан олишади, аммо унинг бошланиш вақти яқинми ёки узоқлигида ихтилофлашади.
- Уларнинг фикрича, глобал иқтисод 2008 йилдан бошлаб то бугунги кунгача бир қанча структуравий ўзгаришларга гувоҳ бўлди. Шунинг учун кризиснинг юз бериши айни 2008 йилдагидек бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бироқ, кризис юз берса, у капиталистик низом бошдан кечирган кризисларнинг энг оғири бўлади.

Капиталистик низомга асосланган глобал молиявий низомнинг ўлими уруғлари унинг пойдеворларида жойлашган. 2010 йили нобел мукофотида совриндор бўлган иқтисодчи олим Морис Алиас шундай дейди: «Капиталистик иқтисодий низом маълум тушунча ва қоидаларга асосланади. Агар ушбу тушунча ва қоидалар тезда муолажа қилиниб тўғри йўлга солинмаса унинг вайрон бўлишига асос бўлади».

Бу низом иқтисодий ва ахлоқий бузуқликнинг чўққисини эгаллаган. (Эксплуатация, ёлғон, ғаразли мишмишлар, фирибгарлик, монополия, сохта битимлар, судхўрлик). Буларнинг барчаси зулм ва қашшоқликка ҳамда жирканч ишларга олиб

келади. Булар нафақат кризисни келтириб чиқаради, балки ижтимоий инкирозни ҳам пайдо қилади.

Бундан фарқли ўлароқ, исломий иқтисодий низом қодалари инсон табиатига зид бўлган бундай низомларнинг барчасини тақиқлайди. Шариат омонатгўйликка, тўғрисўзликка, шаффофликка ҳамда ҳамжиҳатликка буюради ва судхўрликнинг барча турларини ҳаром қилади. Чунки у Аллоҳ Таоло биз учун нозил қилган раббоний йўл бўлиб, фитратимизга мос келади, эҳтиёжларимизни қондиради ва барча муаммоларимизни ҳал қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿۱۰۲﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَى﴾

«(Аллоҳ) **айтди:** Ундан (яъни жаннатдан) ҳар иккинчисиз тушингиз. Айрим (зурриётларингиз) айримларига душмандир. Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз» [Тоҳа 123-124]

Шунинг учун, Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло Ўз Росули ﷺга нозил қилган шариатга эргашиб ҳидоят ва нажот йўлидир.

Ҳа, Ислом низоми барча муаммоларни ҳал қилади, муомаладаги пулларни (олтин ва қумуш захираси билан (ҳимоя қилади) мустаҳкамлайди, пулни ҳазина қилиб тўплашни ҳаром қилади, молиявий битимларнинг муайян моделини, жумладан муфоваза (тенг шериклик) ва музорабани жорий қилади, номаълум (номсиз) ширкатларни ҳамда судхўрлик ва монополияни ҳаром қилади. Ислом низомида барча фуқаролар давлат муассасаларининг қатъий назоратига бўйсунди.

Иқтисодчилар нуқтаи-назаридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий аҳвол кризиснинг кириб келиши муқаррарлигини кўрсатмоқда. Ислом нуқтаи-назаридан келиб чиқиб айтадимики, куфр қасри ҳар қанча юксак ва мустаҳкам бўлса ҳам Аллоҳ Таоло уни бузиш учун ўзининг аскарлари ва қонунларини бўйсундириб қўйди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿سُنِّيهِمْ ءَايَاتِنَا فِي الْآفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ ۗ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ﴾

«Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) **Ҳақ** (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича, албатта, **Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги** (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) **оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир** (уларга) **Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани** (яъни Аллоҳ Таоло ушбу Қуръонда коинотдаги барча нарсани қамраб олиб, Ўз ҳукмини баён қиладигани сизнинг ҳақ пайғамбар эканлигингизни исботлаш учун) **етарли эмасми?!»** [Фуссилат 53]

Юз бераётган барча ишларнинг сабаби тадбиркор яратгучи Аллоҳнинг шариатидан узоқлашишдир. Само қонунларида кўрсатилган исломий иқтисодий низомга қайтиш юз бераётган барча муаммоларга ечимдир. Исломиий иқтисодий низомни Ислом низомидан айри ҳолда татбиқ қилиш мумкин эмас. Низомни давлатсиз татбиқ қилиб ҳам бўлмайди. Чунки уни давлат ҳимоя қилади ҳамда уни ёйишга ва татбиқ қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун Ислом низомини қайта тиклашга ҳаракат қилиш барча мусулмонларга вожибдир. Капиталистик низомдан азият чеккан ғайримусулмонлар ҳам Ислом низомини қайта тиклашга ҳаракат қилувчиларни қўллаб-қувватлашлари керак... Шундай экан, барча инсонларни халос қилувчи азизлик давлатини тиклашда Ҳизб-ут-Таҳрирга ёрдамчи бўлинглар. Бу давлат пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик давлати бўлиб, Пайғамбаримиз ﷺ

﴿مَنْ تَكُونُ خَلِيفَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ﴾

«Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади», дея у ҳақида башорат қилганлар. □



## ЯХШИ ЯШАШ... ИНСОНИЯТ ҒОЯСИДИР

Мозин Дибог – Мосул

Аллоҳ Таоло инсонни яратиб, унга ақл неъматини берар экан, уни бошқа махлуқотлардан азиз қилди. Бу ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-бахрда — қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»* [Исро 70]

Аллоҳ Таоло яна инсонлар ўз яратувчисига йўл топишлари ва соф дини соясида яхши яшашлари ҳамда адашиш, ҳалокат, ҳайвонларча яшаш ва тубанлашишдан халос бўлишлари учун элчиларни юборди. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ الْجِنِّ وَالْإِنسِ لَهُمْ قُلُوبٌ لَّا يَفْقَهُونَ بِهَا وَهُمْ أَعْيُنٌ لَّا يُبْصِرُونَ بِهَا وَهُمْ آذَانٌ لَّا يَسْمَعُونَ بِهَا أُولَٰئِكَ كَانُوا لِنَعْمِ بَلْ هُمُ أَضَلُّ أُولَٰئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ﴾

*«Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмликда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар гафлатда қолган кимсалардир»* [Аъроф 179]

Сўнгра Пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад ﷺни Исломи дини билан юбориб, рисолат юборишни яқунлади. Шунингдек, Исломи динини хотиржамлик соладиган ва икки дунё саодатини берадиган даражада ҳаётнинг барча жиҳатларини ўз ичига оладиган қилиб қўйди. Бу нарса Муҳаммад ﷺ орқали рўёбга чиқди.

Пайғамбаримиз ﷺ ваҳий нозил бўлган кунданок, мусулмонлар Аллоҳнинг буйруқларига итоат қилиб, мустаҳкам арқонини маҳкам тутсалар уларнинг қандай кунларни бошдан кечиришларини билган эдилар. У киши бу ҳақда Маккада одамларни тўплаган пайт ёрқин тушунтирган эди. Ибн Исҳоқ ибн

Аббосдан ривоят қилади: «Утба ибн Робиа, Шайба ибн Робиа, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Умайя ибн Халаф, Абу Суфён ибн Ҳарб ва Қурайшнинг бир қанча шарафли кишилари Абу Толиб хузурига келиб, унга: Эй Абу Толиб бизни яхши биласан, кўриб турганингдек биз сендан кўрққан эдик. Жиянинг билан бизнинг ўртамизда нима бўлганини биласан. Уни тийиб қўй, у бизнинг динимизни пастга урмасин, биз унинг динини пастга урмаймиз дейишди. Шунда Абу Толиб Росулulloҳга чопар юборди, у киши келгач: Эй жияним! Қавмим олдимга келиб менга шундай-шундай дейишди – деди. Росулulloҳ ﷺ эса:

«نَعَمْ، كَلِمَةٌ وَاحِدَةٌ تُعْطُونِيهَا تَمْلِكُونَ بِهَا الْعَرَبَ، وَتُدِينُ لَكُمْ بِهَا الْعَجَمُ»

**«Ҳа, менга биргина сўзни айтишлар, шу туфайли бутун араблар устидан ҳукмрон бўласизлар, бутун ажамлар сизларга итоат қилади»,** дедилар. Шунда Абу Жаҳл – отанга раҳмат, бир эмас, ўнта сўзни айтмаймизми, деди. Шунда ул зот бундай дедилар:

«تَقُولُونَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَتَخْلَعُونَ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِهِ»

**«Ла илаҳа иллаллоҳ калимасини айтиб, Аллоҳдан ўзга сиғинаётган нарсаларингиздан воз кечасизлар»,** дедилар. Шунда улар қўлларини қарсиллатиб: Эй Муҳаммад сен олиҳаларни битта илоҳ қилмоқчимисан, бу ишинг жуда қизиқку дейишди. Сўнг бир-бирларига қараб, бу кишидан ўзингиз хоҳлаган нарсани ололмайсиз. Шунинг учун тарқалинг ва Аллоҳ у билан сизнинг орангизда ҳукм қилгунича оталарингиз динини маҳкам тутинг дейишди ва тарқалишди. Абу Толиб эса: Эй жияним! Сен улардан керагидан ортиқ нарса сўрамадинг деди.

Ҳа, Росулulloҳ ﷺ ўз қавмидан шундай рад жавобини эшитди. Лекин у киши ўз ишида малол олмай, тўхтамай давом этдилар. Ўз йўлида бўшашмадилар ва юшмадилар, балки одамларни хужжат билан даъват қилдилар. Макка ташқарисидаги куч ва ҳимоя аҳлига мурожаат қилдилар. Шунда Аллоҳ Таоло у кишини ўз фазли билан сийлаб, Мадиналик Авс ва Ҳазражликлардан иборат куч ва ҳимоя аҳлининг қалбини очди. Росулulloҳ ﷺ у ерга кўчиб бордилар ва давлат тикладилар ҳамда у ерни ўзи чақираётган даъватни ижро қиладиган жой қилиб белгиладилар. Росулulloҳ ﷺ Маккада маъруфга буюриб, мункардан қайтардилар, лекин бу борада ҳисоб-китоб қилмадилар. Аммо Мадинада маъруфга буюриб, мункардан қайтардилар ва бу борада ҳисоб-китоб қилдилар. Натижада, у кишининг ваъдаси Аллоҳнинг фазли билан рўёбга чиқди. Чунки араблар устидан ҳукмрон бўлди ва ажамлар бўйсунди. Саҳобалар

ﷺлар у кишига эргашиб, йўлидан юрдилар. Натижада, Ислом давлати кенгайди. Росулulloх ﷺ асрида икки буюк давлат Форс ва Рум Ислом давлатига бўйсунди. Ислом давлати дунёдаги биринчи давлатга айланди ва унга рақобатчи давлат бўлмади. Бошқа юртларни фатҳ қилди ва инсонларни бандага ибодат қилишдан чиқариб, Аллоҳга ибодат қиладиган кишиларга айлантирди. Уларни динлар зўравонлигидан Ислом адолатига ҳамда дунё торлигидан дунё-ю охират кенглигига олиб чиқди. Натижада, Ислом ёйилди ҳамда Исломий давлат майдони Шарқ, Ғарб, Шимол ва Жануб томон кенгайди. Одамлар мажбуран эмас, балки ўз ихтиёрлари билан, Аллоҳнинг ушбу қавлига бўйсунган ҳолда, тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киришди.

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۗ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۚ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدِ

اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

*«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалққани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир»* [Бақара 256]

Ислом бошқа халқлар ва умматларни эритадиган дошқазонга айланди. Инсонни миллатпарастлик, ватанпарварлик ва манфаат алоқаларидан халос этди ҳамда ягона робита бўлмиш мабда робитаси билан боғлади. Инсонлар яхлит битта Исломий Умматга айланди ҳамда арабнинг ажамга нисбатан, оқ танлининг қора танлига нисбатан афзаллиги тақво билан ўлчанадиган бўлди. Бу давлатда қора танли Билол Салмон Форсий билан, Суҳайб Румий Абу Бакр билан тенг фуқарога айланди...

Исломий давлат Буюк Яратувчи Аллоҳ хоҳлаганидек яхши яшаш ва саодатли ҳаётни рўёбга чиқарди. Бундай ҳаёт барча замонлардаги инсоният орзуси ҳамда муфаккир ва даҳоларнинг истаги бўлиб келган.

Лекин Ислом сақофатига зид сақофатни ўз ичига олган китоблар таржима қилинғач ҳамда калом илми мусулмонларнинг фикрлаш тариқатига таъсир қилғач, Исломий Уммат томирларига заифлик кира бошлади. Мусулмонлар олдин исломий ақидани инсонлар ҳаёти ва сулукига таъсир қиладиган тирик модда деб олар эдилар. Энди эса, уни тиниқлик ва ёрқинликни йўқотган ҳамда қотиб қолган фалсафа сифатида оладиган бўлишди. Сўнгра ижтиҳод қуроли бўлган араб тили заифлашди. Натижада, мужтаҳидлар камайди ва ижодкорлик заифлашди ҳамда

мухтаҳидлар санокли даражада камайиб, муқаллидлар кўпайди. Ҳаётининг сири бўлган фикрат секин-аста ютилиб, руҳсиз жасадга айланиб қолди. Уммат йўлдан адашиб, Ғарбдан саноатни олди ва олиш мумкин бўлмаган қонунларни ҳам олди. Янги пайдо бўлаётган муаммоларга ечим топа олмай қолди, ҳатто бир қанча вақт кофенинг ҳукмини айта олмай ҳайрон бўлди. Бу эса, ўша вақтдаги Уммат уламоларининг фикрий даражаси қандай бўлганига далилдир. Сўнг Исломга қарши фикрий ва миссионерлик ҳужумлари бошланди. Натижада, Ғарбий ҳазорат Исломиё давлатга барҳам берди ва жиноятчи Мустафо Камол воситасида ва инглизлар етакчилигидаги кофир давлатлар режаси орқали парчалаб юборилди. Ислом ва мусулмонлар душмани бўлмиш Ғарб уларнинг давлатини қулатиш билан кифояланмади. Балки уларнинг ҳовлисиғача кириб бориб, ҳаётининг сири ва уйғонишининг асоси бўлган ақидаси борасида шубҳа уйғотди. Шунингдек, улар орасида миллатчилик, ватанпарварлик, демократия ва инсонлар чиқарган қонунлар каби тушунчаларни тарқатди ҳамда исломий фикр ва ҳукмларга қарши курашди... Афсуски, мусулмонлар улар Исломни айблашмоқда. Шунинг учун уни ҳимоя қилиш лозим деган нарсани қабул қилишди. Натижада, маъруф иш мункарга ва мункар иш маъруфга айланди. Исломиё Уммат шу пайтдан бошлаб жарга қараб қулай бошлади ва ҳамон мағлубият алами ва капиталистик Ғарб фикрлари заҳаридан тотиб келмоқда. Уммат остин-устин ва ҳалокатли аҳволда яшамоқда, чунки ўзи ишонадиган нарсага зид ҳукмлар татбиқ қилинмоқда. Мусулмонларнинг ҳар бир авлоди ўзидан олдин яшаб ўтган авлоддан бир қанча муаммо ва қийинчиликларни мерос қилиб оладиган бўлди. Уммат ўзига бўлган ва ўзгартиришга бўлган ишончни йўқотди. Бу жамият касалликларининг энг ашаддийси ва руҳий балоларнинг энг ифлоси бўлиб, қайси халқ устидан ҳукмрон бўлса, уни фониёлик сари етаклайди. Умматнинг тириклик сири, яхши яшаш асоси ва жароҳатларининг шифоси бўлган ўзлиги унинг оғир юкига айланди.

Шундай қилиб, Исломиё Уммат бошқа халқлардан ортда қолди. У Ғарбдан қолган ўлаксалар билан озикланмоқда ва ҳайвонлар каби сўйилмоқда. Инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат сифатига эга бўлган Ислом Умматининг аҳволи мана шудир. Ғарб ҳазорати эса, инсоният учун яшаш тариқатини белгилаб бермоқда. Шунинг учун Ғарб ҳазорати татбиқ қилинганидан кейин олам қандай яшаётганини кўрсатиб беришимиз лозим. Куйида Ғарб ҳазоратининг энг муҳим сифатларини келтираимиз:

**Биринчидан:** Америка етакчилигидаги Ғарб кўтараётган ва ер юзининг барча жойларида татбиқ қилишга ҳаракат қилаётган ҳазоратнинг ёлғиз ўлчови манфаатдир. Чунки бу ҳазорат на рухий, на инсоний ва на хулқий қийматни ҳисобга олади, балки фақат манфаатни асос қилиб олган. Ушбу мабдани кўтарган давлатларнинг амалга ошираётган ишларида шу нарса яққол кўзга ташланади. Бу ҳазорат манфаат эвазига халқларни йўқ қилиб юборишга тайёр. Америка давлати Ироқ, Сурия ва бошқа исломий юртларда амалга оширган ишлар бу бадбўй ҳазоратнинг ваҳшийлигига ёрқин далилдир. Шунингдек, манфаат йўлида бир-бири билан жанг қилиш ҳамда биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини келтириб чиқариш мана шунга далилдир.

**Иккинчидан:** Ушбу ақидадан келиб чиққан низомларни татбиқ қилиш оқибатлари ва уларнинг бошқарув, иқтисод ва ижтимо низоми сифатида келтириб чиқарган қашшоқлик ва мусибатлар.

Давлатнинг шакли, сифати, асослари, рукнлари ва жиҳозларини баён қилиб берадиган бошқарув низоми Ғарб ҳазоратида қуйидаги асосга қурилган: Хўжайинлик, қонун чиқариш ва ишларга чиройли ёки хунук ва яхши ёки ёмон деб ҳукм чиқариш инсонга берилган. Яратувчининг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ваҳоланки инсон, Аллоҳ унга ақл неъматини берган бўлсада ожиз, нуқсонли ва муҳтож бўлиб қолаверади. Инсон инсонларнинг ишларини назорат қиладиган ёки инсон ишларини чиройли, хунук, яхши, ёмон деб ҳукм чиқарадиган ҳамда шунга кўра савоб ёки жазо берадиган низомни ярата олмайди. Шунинг учун инсон чиқарган низом ва ундан содир бўлган ҳукм тафовутли ва бир-бирига зид бўлади...

Инсон чиқарган низом рухий тарафдан холи бўлгани учун уни куч ва қонун қаттиққўллиги орқали татбиқ қилиш мумкин. Бунинг акси ўлароқ, Ислому тузумни татбиқ қилишда биринчи ўринда шахснинг таквосига суянади. Бугун биз гувоҳи бўлиб турган зулм, машаққат, жиноятларнинг тарқалиши ва ҳалокатларнинг барчаси Аллоҳ Таолонинг қонун чиқариш борасидаги ҳаққига тажовуз қилингани сабабли келиб чиқди. Инсоният мана шу сабабли яхши яшашни йўқотди. Буни Аллоҳ Таолонинг ушбу ояти тасдиқлайди:

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَعْمَى﴾

*«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтируرمىз»*

[Тоҳа 124]

Инсоният бунинг ордидан тоғутлар орқали бошқариладиган бўлди, ҳолбуки Аллоҳ Таоло бизни тоғутни рад этишга буюрган:

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ ۗ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضَلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«(Эй Мухаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга имон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди» [Нисо 60] Бугун инсоният хўжайинликни Аллоҳга, яъни шариатга қайтариш орқали одамларни кул қилаётган ва бўлақларга бўлаётган ҳамда аср Фиръавни бўлган Америка зулмидан халос бўлади.

﴿إِنَّ فِرْعَوْنَ عَلَا فِي الْأَرْضِ وَجَعَلَ أَهْلَهَا شِيَعًا يَسْتَضِعُّ طَائِفَةً مِنْهُمْ يُدَّبِحُ أَبْنَاءَهُمْ وَيَسْتَحْيِي نِسَاءَهُمْ ۗ إِنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُفْسِدِينَ ۗ وَنُرِيدُ أَنْ نَمُنَّ عَلَى الَّذِينَ اسْتَضَعُّوا فِي الْأَرْضِ وَجَعَلْنَاهُمْ آيَةً لِلْءَوْرَثِينَ﴾

«Дарҳақиқат Фиръавн (Миср) ерида тугёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани (яъни Бану Исроил қавмини) хорлаб ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эса. Албатта у бузғунчи кимсалардан бўлди. Биз эса, у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хор-бечораликдан чиқариб), барчага пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкининг) ворислари қилишни истаймиз»

[Қасос 4-5]

Аммо ушбу ҳазоратдан келиб чиққан иқтисодий низом инсониятга мусибатлар ва инқирозлар олиб келди, улар сабабли халқ ва миллатлар талон-торож қилинди. Бу низомнинг асосий бўғинлари ва келтириб чиқарган инқирозларини қуйидагича ёритиш мумкин:

1 – Дунё давлатлари бугунги пул тизими туфайли Америкага асир бўлиб қолди ва унинг ҳукмронлигидан озод бўлиш уларнинг ягона орзусига айланган. Чунки мажбурий қоғоз пул тизими пул банкнотларидан иборат бўлиб, тилла ёки қумуш ёки бирор қимматбаҳо металлга алмаштириш қобилятига эга эмас. Шунингдек, улар тиллага ўхшаш захираси мавжуд эмас. Бу тизим

1971 йил Америка президенти Никсон ва Совет Иттифоқи бош котиби Хрушчов учрашувида қабул қилинган. Ўшанда Америка президенти Бреттон-Вудс шартномаси бекор бўлгани ва долларнинг тилладан эркин бўлганини эълон қилган эди. Мана шу пайтдан бошлаб пул мажбурий тизимга айланди. Унинг қонуний қийматидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Шунингдек, шахсий кучга эга эмас ва шахсий кучга суянмас эди. Ушбу тизим туфайли бозор ўз барқарорлигини йўқотди. Давлатлар ташқи инкироз ва урушларга йўлиққач, одамлар қанча-қанча бойликларидан жудо бўлишди. Бу муаммони ҳал этиш учун тилла ва кумуш пул тизимига қайтиш лозим. Чунки бу пул ўзининг шахсий қийматига эга. Мисол учун, пул тизими тилла ва кумушга асосланган Усманий давлат ва ундан бошқа давлатлар қуласада, уларнинг пули ўз қийматини сақлаб қолган.

2 – Тўловлар баланси, бу давлатнинг импорт ва экспорт бўйича бошқа давлатлар билан бўладиган алоқаси. Шунингдек хусусан экспорти импортидан кам бўлган ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноатида шахсий кучига суянмайдиган давлатлар Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро банкдан қарз олади. Кўпинча бу пуллар бекорга созурилади. Давлатлар ҳокимларнинг ўғирлигидан ташқари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлмаганидан кўпроқ қарз олишга муҳтож бўлади. Натижада, ушбу давлатлар уларнинг тузоғига илинади ҳамда қанчадан-қанча давлат ва халқлар қулга айланадилар. Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро Банк қарздор давлатларнинг ички сиёсатига аралашиб, уларнинг устидан озик-овқат хавфсизлигини йўқотадиган сиёсатларни юргизади. Натижада, ушбу давлатлар ёрдам ва қарз марҳаматини кутиб яшайдиган бўлиб қолади.

3 – Бойликларни хато тақсимлаш, бу капиталистик иқтисод низомидаги ҳақиқий иқтисодий инкироздир. Капиталистик иқтисод низоми қашшоқлик муаммосини ҳал қила олмайди, балки аксинча, қашшоқликнинг ёйилиши ва камбағалларнинг кўпайишига олиб боради. Бу – ушбу низом келтирган фалокатларнинг хамир учидан патири холос. Чунки олам халқлари ушбу низом туфайли қашшоқлик ва маҳрумлик ҳолатида яшамоқда ҳамда уларни иқтисод борасида тайинсиз келажак кутмоқда. Бу ҳазоратнинг иқтисодий низоми бойлик, уни ишлаб чиқариш ва ўстиришга эътибор бериб, уни қандай тақсимлашга эътибор бермайди. Натижада, камбағал одам бозорларни хом ашёга тўла эканини кўради-ю, лекин унга эриша олмайди. Чунки капиталистик низомда давлат ҳар бир шахснинг асосий эҳтиёжини

таъминлашдан масъул эмас. Бойликни тақсимлаш бозорга ҳаволадир. Аммо Исломда бунинг акси ўлароқ, давлат ҳар бир шахсга асосий эҳтиёжини, ҳатто камолий эҳтиёжини таъминлаш борасида масъулдир.

Аммо Ғарб ҳазоратидаги ижтимоий низом аёлни аёллигидан фойдаланиладиган жисмга айлантирди. Шахсий эркинлик туфайли оилалар парчаланди ҳамда зино, фоҳишабозлик, ахлоқий бузуклик, ҳайвонларча яшаш авж олди. Инсоният ушбу низом соясида ҳайвонлардан ҳам тубан ҳаёт кечирадиган бўлди. Агар Ғарб ҳазорати олам ва инсониятга олиб келган бало ва ёмонликларни ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, уларни ушбу мавзуимизга сиғдира олмаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсоният бугун энг ёмон аҳволда яшамоқда. У ҳайвонлар даражасига тушиб кетди ва ўрмон қонуни билан яшамоқда ҳамда ундаги кучли заифни емоқда. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِي النَّاسِ لِيُذِيقَهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ﴾

**«Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир»** [Рум 41]

Инсоният бугун буюк вабони бошдан кечирмоқдаки, унинг муолажаси мусулмонлар қўлидадир. Чунки Аллоҳ мусулмонларни Ислом диёрида яшашга буюрган ҳамда ўзлари бошқараётган ҳар бир ердаги араб ва мусулмонларни яхши яшашга олиб чиқишга буюрган. Бу тажрибадан ўтган муваффақиятли муолажа бўлиб, ундан бошқаси мавжуд эмас, чунки у тадбиркор Яратувчи томонидандир. Бугун мусулмонлар Ғарб ҳазорати туфайли бошдан кечираётган бахтсиз ҳаётини муолажа қилиш мусулмонларнинг исломий ҳаётни қайта бошлаш орқали уйғонишлари ҳамда инсоният яхши яшаши учун ушбу динни уларга етказишлари орқали бўлади.

Юқорида айтиб ўтганларимиздан шу нарса аён бўладики, инсоният фақат Ислом ва унинг давлати соясидагина яхши ҳаёт кечиради. Чунки бу давлат бандаларни Ғарб ҳазорати зулмидан Ислом нурига олиб чиқади. Ана ўшанда Аллоҳнинг мўмин бандаларига берган ваъдаси рўёбга чиқади.



﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا  
 اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ  
 خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ  
 الْفَاسِقُونَ﴾

*«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]*

Эй Аллоҳим бизга Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни ато эт. Бизга Халифалик давлати фуқаролари ва қўшини бўлишни насиб эт. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Ихвон қамокдаги аъзоларидан воз кечиб, уларга «абдунносирча рухсат»ни берапти</b>		
<p>Арабийя веб-сайтнинг 2019 йил 21 августдаги хабарида айтилишича, Ихвонул Муслимин жамоаси аъзолари ташаббус билан чиқиб, Миср режимдан ўзининг қамокдаги аъзоларининг озод этилиши эвазига ҳар бири учун беш минг доллар жарима тўлашга ҳамда улар даъват ва сиёсий фаолиятини тўхтатишларига тайёр эканликларини билдиришган эди. Уларнинг талабига жавобан эса, жамоа бош муршиди ва ташкилотнинг халқаро масалалари бўйича бош котиби Иброҳим Мунир бундай деди: «Жамоамиз уларни сафимизга қўшилишини талаб қилмаган ва қамокқа ҳам ташламаган, ким жамоадан воз кечгиси келса, марҳамат-воз кечаверсин». Бу баёнот Ихвон жамоаси катталарини ларзага келтирди, қамокдаги ва хорижга қочиб чиққан аъзоларини ғазаблантирди. Иброҳим Мунир «Жамоамиз уларга – агар бу уларнинг манфаатига хизмат қилса – ўлган президент Жамол Абдунносирнинг рухсатини берди», дея қўшимча қилди. Сўнг Ихвон жамоасининг қамокдаги ўз аъзолари талабини ташкилот сифатида рад этганини эълон қилди. Мунирнинг бу баёноти Ихвоннинг Миср ичкараси ва ташқарисидаги аъзолари орасида қаттиқ норозилк пайдо қилди. Барчалари «биз сенга эргашдик, айтганингни қилдик, сен биздан воз кечдинг», дейишди.</p>		
<p>Абдунносир рухсати, деган нарса эскидан мавжуд. Яъни, Ихвон аъзоларидан бири ўша пайтдаги муршид Ҳасан Ҳузайбийдан бундай дея фатво сўрайди: Қамоклардаги кўпчилик аъзоларимиз қамокдан чиқариши, қувғиндан ва қийноқлардан ҳимоя қилиши учун Жамол Абдунносирни қўллаб-қувватлашмоқчи, даъватни унинг рухсати билан қилишмоқчи, шунга фатво беринг. Шунда Ҳузайбий бунга рози бўлмай, «даъват рухсатга қарамайди, даъватчилар азимага амал қилишсин, рухсатга эмас, рухсатга заифлар амал қилади», деб жавоб қилади. Бироқ Ихвон жамоасининг аксар раҳбарлари ва аъзолари жамоадан чиқиб, Жамол Абдунносирни қўллаб-қувватлайди ва бунинг эвазига қамокдан чиқишади. Ўшандан бери ихвончилар орасида «Абдунносирча рухсат», деган нарса пайдо бўлган.</p>		
<p>Таъкидлаш лозимки, мазкур ташаббус эълон этилишидан бир соат ўтиб, Ихвон жамоасининг Туркияда қочқинликда яшовчи матбуот котиби Тальят Фаҳмий баёнот билан чиқди. Унинг таъкидлашича, Миср режими улар билан музокара олиб боришни,</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>уларнинг ташаббусига рози бўлиш ёки раҳбарлари билан ўтириб, уларни озод этишни муҳокама қилишни рад этган. У – Миср режими жамоамизнинг музокара уринишлари олдидан эшикларни беркитиб олди, бизга қулоқ солиш ёки биз билан учрашишни истамади, дея қўшимча қилди.</p>		
<p align="center"><b>Марокаш ўзида Холокостга энг катта ёдгорлик ўрнатишга ва «яхудийларнинг ёндирилиши»ни ўрганиш маркази очишга тайёр</b></p>		
<p>2019 йил 3 августда «Арабий Қудс» газетаси «The Jerusalem Post» газетасига таянган ҳолда хабар қилади: Германиянинг «Pixel Helper» ташкилоти Марокашда кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларга «яхудийларнинг ёндирилиши даҳшати»ни ўргатувчи таълим маркази очмоқда. Бу Шимолий Африкада очилажак «Холокост» хотираси билан боғлиқ биринчи марказ ҳисобланиб, Марокашнинг жанубий шарқининг 25 километрида, Варзат киностудиясига олиб борувчи йўл бўйида жойлашади. Яъни, минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилувчи районда қурилади. Айтишларича, бу тадбир муаллифи Оливер Бенковский бўлиб, у ўзини асли «полшалик массонлар илдизидан» эканини айтади ҳамда айна тарихий сабоқнинг «мусулмон давлатлари билан яҳудийлар ўртасидаги дўстлик»нинг равнақ топишига хизмат қилажасидан умидвор эканини таъкидлайди.</p> <p>Ўз навбатида, Марокашнинг «Хувия Ярс» веб-сайти ҳам Марокашимиз дунёдаги энг катта Холокост ёдгорлигини ўрнатишга тайёр, бу Берлиндаги Холокост мемориалидан беш баробар катта бўлади ҳамда яҳудий ва бошқа динлар учун халқаро зиёратгоҳга айланади, деди. Сионистлар вужуди билан муносабатларни нормаллаштиришга қарши Марокаш бьуриси бош қотиби «наҳотки, Марокаш шу даражада сионистлар ва сионизм ташвиқоти учун исловотхонага айланиб кетган бўлса?» – дея табиий саволни ўртага ташлади. У «Бу сионистлар бу ерда Марокашда Саяним агентлари (Моссадга ишловчи марокашликлар) тармоғи тепасида ястаниб ўтиришибди, бу агентлар бўлса, сионист ва масонларга лаганбардорлик қилиб, ўз ватанларини сотишяпти, ҳолбуки, масонлар Марокаш тупроғида бемалол, юртнинг у четидан бу четигача изғиб юришибди», деб ёзади ўзининг «Facebook»даги постида».</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Яхудий вужуди билан алоқа қилаётган бошқа ҳукмдорларга қараганда энг яқин алоқа қилувчилар Марокаш ҳукмдорлари ҳисобланади.</p>		
<p><b>Трамп мен савдо уруши бошлаш учун Аллоҳ томонидан танландим, дея Тавротдан ваҳи олаётганини даъво қиляпти</b></p>		
<p>АҚШ президенти Дональд Трамп кутилмаганда 2019 йил 21 августда Оқ уй боғида матбуот конференцияси бериб, Хитойга қарши бошлаган савдо уруши ҳақида «Бу менинг савдо урушим эмас, балки аввалги президентлар ҳам аллақачон очишлари керак бўлган бир савдо уруши бўлган», деди ва «Бу қийинчиликни бир шахс қилиши шарт эмасди», дея қўшимча қилди. Бундан олдин эса, осмонга қаради ва қўлларини очиб, «танланган менман», деди. Яъни, Тавротда келган иборани тилга олди. АҚШ раҳбари бу баёнотини консерватор радиотелекомментатор Вайн Аллен Ротнинг твиттердаги сўзлари ортидан айтди. Вайн «президент Трамп башарият тарихида яхудийлар ва Исроил учун энг яхши президентдир. Уни Исроилдаги яхудийлар жуда севади, худди Исроил қиролидек кўришади», дея твитлаган ва унга Трамп ҳам «раҳмат сенга Вайн Аллен Рот, ғоят чиройли сўзларинг учун», дея изоҳ ёзди».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу Трамп президент бўлишдан олдин бузук савдогар бўлган. Унинг диний эътиқоди доллар эди. Энди эса, иккинчи давр учун президентлиги сайловида овоз тўплаш мақсадида америкалик евангелистларни ўзига мойил қилмоқчи.</p>		
<p><b>Трамп ўз рақиблари фойдасига овоз берган яхудийларни хоинлар деб атади расмий «Исроил» бунга муносабат билдиргани йўқ</b></p>		
<p>Оқ уйда журналистлар олдида АҚШ президенти Дональд Трамп демократлар фойдасига овоз беришларини билдирган яхудийларни хоинлар, жоҳиллар, Қўшма Штатдаги яхудийларга мансуб бўлмаганлар, дея атади. Унинг бу баёноти ўтган куни оқшомда демократлар партиясидан бўлган депутат хонимлар Илҳон Умар ва Рашида Тулайларга нисбатан берган изоҳи доирасида янгради. Исроил Трамپнинг қаттиқ талабига биноан, бу икки аёлни Исроилга келишларига руҳсат бермаган эди. Трамп бундай деди: «Бу демократлар партиясига қаяққа кетяпти... Бу икки аёлни Исроил давлати ҳисобига бунчалар ҳимоя қилишмаса? Мен демократларга овоз бераётган ҳар қандай яхудий ё бутунлай жоҳилликни ёки улкан хиёнатни ўзида намоён қиляпти, деб ҳисоблайман». Шуни</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

таъкидлаш лозимки, бош вазир Биньямин Нетаньяху маъмурияти Трамп билан мустаҳкам муносабатда бўлгани сабабли Трампнинг бу баёнотига изоҳ беришдан бош тортди. Исроил энергетика вазири Юваль Штайниц Трампнинг бу гапига нима дея оласиз, дея берилган саволга бундай жавоб берди: «Қўшма Штатлардаги сиёсий келишмовчиликларга аралашмаслигимиз керак. Чунки бизнинг демократлар билан ҳам, республикачилар билан ҳам алоқамиз яхши. Шу ҳолатда давом этишимиз керак». Аммо АҚШдаги яҳудий ташкилотлари ва америкалик яҳудий сиёсатчилар Трампни антисемитистик хабарлар тарқатишда айблади ва ҳеч бир президент айтмаган бундай баёнотлари учун узр сўрашини талаб қилишди. Улардан айримлари Трампдан яҳудийлардан ўзининг сиёсий ғаразлари йўлида фойдаланишни бас қилишни талаб қилди ҳамда «Мен америкалик яҳудийлар ва америкалик ватандошларнинг турли сиёсий йўналишга эга деб ҳисоблайман», деди. АҚШ яҳудийлар кўмитаси Трамп баёнотидан қаттиқ ғазабда эканини билдирди. «Президент Трампнинг Америкадаги йирик кўпчиликни ташкил қилувчи яҳудийлар гуруҳига ҳужум қилиб, аҳмоқ ва хиёнатчилар, деб аташи хавfli ва шармандали ҳолдир», деди Америкадаги «J Street» лоббилар ташкилоти ўз баёнотида.

**Ал-Ваъй:** Трамп яҳудийларга хизмат қилишга шунча уринмасин, барибир уларнинг мутлақ қўллаб-қувватловини ололмайди. Чунки яҳудийлар ўз содиқликларини етти ўлчаб-бир кесиб юриб тақсимлашади ва буни на Трамп ўзгартира олади ва на бошқаси. Масалан, ҳар иккала партиёга ҳам содиқлик қилишади, чунки ҳокимиятга қай бири келса, ўз таъсирларини ўтказишлари керак. Трамп эса, яҳудийлар наздида келиб кетаверадиغان президентлардан бири, холос.

**Хитойнинг Суриядаги махсус вакили: «Террорчи ташкилотлар»нинг уйғонишидан огоҳликка чақирамиз**

Хитойнинг Суриядаги махсус вакили Се Сяоян халқаро ҳамжамиятни «террорчи ташкилотлар»нинг, шу жумладан, «Ислом давлати» ташкилотининг уйғонишидан огоҳлантириб, «прогноз кўрсаткичлар»дан ғафлатда қолмасликка чақирди. У Женевада БМТнинг Суриядаги махсус вакили Гейр Педерсен билан учрашиши ортидан журналистларга «ҳозирда Исломий давлат сингари террорчи ташкилотларнинг бош кўтариб қолиш хавфи ҳамон мавжуд бўлиб қолмоқда, халқаро ҳамжамият бундан огоҳ

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>туриши керак», деди. Хитой вакилининг Женева сафари, Сурия режими билан Россиянинг Идлиб вилоятини қайта назорат остига олиш операцияларини бошлаган бир пайтга тўғри келди. Аини операцияга нисбатан Пекин қандай позицияда, деган саволга Сяоян бу масалани «жуда мураккаб», деб билишини айтар экан, «Биз у ерни баъзи террорчи ташкилотлар учун сўнги қалъа эканини биламиз. Шу боис, бу масалани ҳал этиш зарур», деди ва «терроризмга қарши кураш ҳали тугагани йўқ», дея қўшимча қилди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Сўнги пайтларда «терроризмга қарши кураш ҳали тугагани йўқ», деган ибора Америка томонидан тез-тез такрорланадиган бўлиб қолган. Бу эса, Фарб давлатлари минтақага чанг солишни ҳали бас қилишгани йўқлигини, бинобарин, улар ҳам бу борада Америка ноғорасига ўйнашда ҳамон давом этишаётганини англатади.</p>		
<p><b>Ватиканга минтақада озчиликлар иттифоқи деган нарсанинг кенг тарқалиши ёқмаяпти</b></p>		
<p>Минтақада кечаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиш бўйича Ватикан манбалари Ливаннинг MTV телеканали веб-сайтига бундай деди: «Ватикан можароларнинг тўхтатилиши, инсон қадр-қиммати ҳимоя қилинган ҳолда адолат қарор топиши ҳамда эркинлик ва демократия рўёбга чиқишига ҳаракат қилувчи дипломатия тарафдоридир». Яна деди: «Ватикан озчилик иттифоқи, деган нарсанинг кенг тарқалаётганини севмайди. Зеро, буни айрим сиёсий ва диний мазҳабларга қўшимча, баъзи мафкуравий элита тарқатмоқда. Озчилик иттифоқи Рим папаси олиб бораётган ташаббусларда ўз аксини топувчи ватандошлик танловига зиддир. Манбалар қуйидагиларни таъкидлайди: «Суриядаги вазият жуда ташвишли. Қон тўкилишининг давом этаётгани, одамлар танаси қолдиқларини кўравериш қабул қилиб бўлмас ҳол. Бу маҳаллий ва халқаро миқёсдаги диний ва сиёсий фаоллардан одамлар азоб-укубатини тўхтатишни, тарихга татиғулик ярашишга эришишни, қочкинларни қайтарилишини таъминлашни талаб қилмоқда. Шу ерда, аини нуқтаи назар бўйича черков мазҳаби у ёки бу томоннинг тарафини олмаган ҳолда истисноли роль ўйнамоқда». Манбаларнинг очиқлашича, «Келгуси ҳафталарда минтақадаги христианларнинг реакция билдириш томонига эмас, балки таъсир ўтказиш сари кескин ва қатъий суратда қайтишлари кутилмоқда. Айниқса, христианларнинг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>фукаровий ва ватандошлик давлатидаги ушбу фаолликлари мусулмонлар билан ҳамкорликда ўз аксини топади».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу хабардан Ватиканнинг айрим христиан партияларнинг минтақада кенг ёйилаётган озчилик иттифоқи ўйинига аралашиб қолишдан хавотирланаётгани ҳамда минтақадаги курашда бир томонга ўтмасликни афзал билаётгани кўринмоқда.</p>		
<p align="center"><b>Помпео Босилга: юқори аниқликдаги № 2 ракеталар корхонасини ёпинг акс ҳолда сизларга Исроил ҳужум қилади</b></p>		
<p>«Исроил»нинг «Debka» веб-сайтида нашр қилинган хабарга кўра, АҚШ давлат котиби Майк Помпео Ливан президенти Мишел Авнга мактуб йўллаб, унда Ливаннинг юқори аниқликдаги № 2 ракеталари корхонасини зудлик билан ёпишни, акс ҳолда, Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлови остида «Исроил» томонидан ҳужум қилинажаги билан огоҳлантирган. Хабарга кўра, мактуб АҚШнинг Байрутдаги дипломатик каналлари орқали одатдаги йўл билан юборилмаган, балки шахсан Эркин Ватанпарварлик Ҳаракати компанияси президенти Жуброн Босилга юборилди ва ундан мактуб мазмунини Ҳизбуллоҳ бош котиби Ҳасан Насруллоҳга етказиш буюрилди. Мактуб мазмуни ҳақида сайтда бундай дейилади: АҚШ давлат котибининг айтишича, «Исроил» разведкаси корхонада Эроннинг Ливандаги Ҳизби қурган юқори аниқликдаги № 2 ракеталари ишлаб чиқиладигани, айти ракеталарни ишлаб чиқишга сарфланаётган саъй-ҳаракатларнинг асосийси шу заводга қаратилгани, Бану Шит шаҳарчасида жойлашган бу завод эса, «Исроил»ни чалғитмоқчи бўладигани тўғрисида маълумот олган. «Исроил» разведкаси билан яқин алоқада бўлган «Debka» веб-сайтида таъкидланишича, «Исроил» бош вазири Биньямин Нетаньяху Лондонга сафар қилган. «Исроил» Мудофаа вазири генерал-майор Амикам Норкин, ҳарбий операциялар бўйича директор генерал Аарон Халива ҳамроҳлик қилган айти сафар олдидан Нетаньяху Британия ҳукуматига айти масалада янги маълумотлар тақдим этишини билдирди. Унинг таъкидлашича, «Исроил» шимолида Ҳизбуллоҳнинг эҳтимолли ҳужумига қарши «Патриот» ракета батареялари жойлаштирилган ва айти ракеталар «Исроил» армияси ҳужуми ордидан ишга туширилади.</p>		

<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»</p>	<p>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</p>
<p><b>БМТ мулозимлари дунё бўйлаб 38та жинсий жиноят содир этганликда айбланмоқда</b></p>		
<p>БМТнинг маълум қилишича, унга 38та шикоят келиб тушган. Шикоятларда 43 нафар қурбонлар айтилган бўлиб, улардан 19 нафари аёл, 10 нафари қизлар, 1 нафар эркак, 2 нафар ёш бола, 10 нафари ёши аниқ бўлмаган аёллар, 1 нафар кимлиги номаълум қурбон экани, 12 нафари жинсий зўрлаш қурбони бўлгани айтилади. Бу шикоятлар БМТ ходимлари ва унинг агентлиги ходимлари томонидан 1 апрелдан 30 июнгача уч ой мобайнида имзоланган. БМТ матбуот котиби Стефан Дюжаррик бу шикоятларнинг БМТга бошқа 39та шикоят ортидан келиб тушганини, улар 42 нафар қурбон ва 39 нафар жиноятчиларни ўз ичига олган бўлиб, БМТнинг мазкур давр мобайнида хорижда ҳамкорликда иш олиб борувчи ходимларига тегишли эканини айтди. Аммо Дюжаррик айтиши қондабузарликлар қайси давлатда бўлганини, БМТ ходимлари томониданми ёки ҳамкорликда ишловчи ходимлар томониданми, буни аниқ айтмади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> БМТнинг фуқаро ва ҳарбий ходимлари томонидан бутун дунё бўйлаб жиноятлар содир этилаётгани тўғрисидаги бу каби хабарлар жуда кўп. Яъни, БМТнинг бу жиноятлари қурбонлари, асосан, мусулмонларни ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам қайси давлатда содир этилгани қасддан айтилмаган. □</p>		



## ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿ قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا  
أَذَى ۗ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ ﴾ (117) يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا  
تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ  
رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَمَثَلُهُ  
كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَابِلٌ فَتَرَكَهُ

صَلْدًا ۗ لَا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا ۗ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ ﴾ (118) وَمَثَلُ  
الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ آتِنَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَشْبِيهًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ كَمَثَلِ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ  
أَصَابَهَا وَابِلٌ فَفَاتَتْ أَكْلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِن لَّمْ يُصِبْهَا وَابِلٌ فَطَلٌّ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ  
﴿ أَيُودٌ أَحَدَكُمُ أَن تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ  
لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبَرُ وَلَهُ ذُرِّيَةٌ ضِعْفَاءُ فَاصْبَاهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ  
فَأَحْتَرَقَتْ ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴾ (119)

«263. Яхши гап ва кечиршиш — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир. 264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир теккан-да қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунда топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди. 265. Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида

*муштаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, хосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади. Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир. 266. Сизлардан биронтангиз тағларидан дарёлар оқиб тургувчи, хурмою узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида ўша боғини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдимиз? Шундай қилиб, тафаккур қилишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади»*

[Бақара 263-266]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштаннинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

**Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:**

Аллоҳнинг йўлида қилинадиган нафақа холис Худо учун қилиниши, уларга миннату озорлар эргаштирилмаслиги лозимлигини баён қилувчи ўша оятлардан кейин Аллоҳ Таоло мана бу оятларда мусулмонларга Аллоҳнинг наздида озор ва миннатли садақадан кўра яхши сўз ва дуо яхшироқ эканини таъкидлаяпти. Бу ердаги садақа умумий маънода бўлиб, фарз садақага ҳам, нафл садақага ҳам тааллуқлидир.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг ўша миннату озорлар аралашган садақадан беҳожат эканини, ҳалим эканини, миннат қилганлар ва озор етказганларнинг жазосини дарров беравермаслигини баён қилиш билан яқунлаяпти.

(<sup>88</sup>قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ *яхши гап*) чиройли, яхши гап. Яхши сўзи билан хосланаётгани учун бу мубтадо накра бўлиб келяпти. Чунки бирор сифат билан хосланган накра маърифа ҳукмида бўлади.

(<sup>89</sup>حَلِيمٌ *ҳалимдир*) юқорида айтиб ўтганимиздек, дарров жазо беравермайди. (Тавба қилишини кутади).

Кейин Аллоҳ Таоло мўминларга хитоб қилиб, садақаларни миннат ва озор билан зое кетказиб юбормасликларини тайинлаяпти. Бу фақатгина олдинги икки оят такрорининг ўзи эмас. Ҳар бир оят ўзига хос янги маънога эга. Олдинги оятда бу ажр, мукофот миннат ва озорсиз нафақа қилгувчиларга эканлиги айтилган бўлса,

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أذَى هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

*«Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар гамгин бўлмайдилар»* [Бақара 262]  
иккинчи оятда

﴿قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّنْ صَدَقَةٍ يَتَّبِعُهَا أَذَى﴾

*(Яхши гап ва кечирिश — кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ)* икки ҳолатдан яъни, озорли садақа билан яхши гапдан қайси бири афзаллиги кўрсатиляпти.

*﴿لَا تَبْطُلُوا صَدَقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى﴾* берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!). Бу оят эса озор ва миннат садақани чиппакка чиқариб юборишини баён қиляпти.

Биринчи оятда ажрга эришишнинг шарти миннат ва озорнинг бўлмаслиги эканлиги айтиляпти.

Иккинчи оятда миннатли ва озорли садақадан кўра яхши гапнинг афзаллиги баён қилиняпти.

Учинчи оятда эса миннат ва озор садақани йўққа чиқариши кўрсатиляпти. Биринчи оятдан жиход йўлида қилинган закот ёки садақа ўрнига ўтаверадию лекин унинг савоби бўлмайди, деган маъно тушунилиши мумкин эди. Мана бу охирги оят

﴿لَا تَبْطُلُوا صَدَقَتِكُمْ﴾

*(Берган садақаларингизни йўққа чиқарманг!)* миннатли ва озорли садақанинг ўрнига ўтмаслигини айтиб, мазкур тушунмовчиликка барҳам берапти. Яъни, бундай ҳолатдаги садақанинг ботиллигини ифодалаяпти.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло молини холис Худо учун, охират учун эмас, риё учун, хўжакўрсинга сарфлайдиган кимсага бир масал зарб қиляпти. Бундай тарздаги нафақа силлиқ тош устидаги тупроқ кабидир. Қаттиқ ёмғир ёғса, ҳаммасини ювиб кетади. Яъни, бундай нафақанинг ҳеч қандай қадри ҳам, қиймати ҳам йўқ. Унинг эгаси Аллоҳдан ҳеч қандай ажр, мукофот олмайди. Бундай нафақа эгасига бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда бермайди.

Аллоҳ Таоло оятни кофирларнинг Аллоҳ томонидан бўлган бир хидоят устида эмасликларини, балки очик залолатда эканликларини баён қилиш билан яқунляпти.

﴿لَا تَبْطُلُوا صِدْقَتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَىٰ كَالَّذِي يُنْفِقُ مَالَهُ رِئَاءَ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ﴾

(*Молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!*) яъни, эй мўминлар, миннат ва озор туфайли садақаларингизни бекор, фойдасиз қилиб юборманглар. Мунофиқлар Аллоҳга ва охират кунига ишонмаганлари туфайли ўзларининг нафақаларини риё билан йўққа чиқарадилар. Сизлар ҳам ўшаларга ўхшаб қолманглар.

(*كَمَثَلِ صَفْوَانَ* мисоли бир силлиқ тошга ўхшайди) яъни, улкан силлиқ тош.

(*عَلِيَّهِ تُرَابٌ* устини чанг-тупроқ қоплаб олган) яъни, ундан озгина нарса ҳам.

(*فَأَصَابَهُ وَابِلٌ*) яъни, қаттиқ ёмғир.

(*فَتَرَكَهُ صَلْدًا*) қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган) яъни, силлиқ, устида ҳеч нарса йўқ.

(*لَا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا* қиёмат кунинда топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар) яъни, риё учун қилган сарфларига савоб топа олмайдилар. Бу нафақаларидан мутлақо фойдаланолмайдилар. Қайтариб ҳам ололмасдан бу дунёда ҳам зарар қиладилар, чунки уни кўлдан бой бериб бўлган бўладилар, савоб ҳам ололмасдан охиратда ҳам зарар қиладилар, чунки риё учун қилинган нафақага савоб берилмайди.

Аллоҳ Таоло холис Худо учун, Аллоҳнинг ризосини истаб, нафақа қилганларга ҳам бир масал зарб қиляпти. Уларнинг нафақалари ҳамма ҳолатларда ҳам мева берадиган боққа ўхшайди. Агар ёмғир кўп ёғса, ҳосили ҳам кўп бўлади. Агар у қадар кўп ёғмаса ҳам ўша одатдаги мева ҳосилини бераверади.

Бу ҳолис Худо учун қилинган садақанинг оз ёки кўплигидан қатъий назар, Аллоҳнинг наздида пок, тоза ҳисобланиши ва қабул қилиниши учун зарб қилинган масалдир.

Аллоҳ Таоло оятни Ўзининг ҳамма нарсани кўриб туришини, амалнинг ҳолис ёки ноҳолислигини билишини айтиш билан яқунляпти.

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

(Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир).

﴿يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَتَثْبِيتًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ﴾

(Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиганлар).

(*ابْتِغَاءً* истаб) яъни, Аллоҳнинг ризосини талаб қилиб. Бу ибора ҳол бўлиб келяпти. Шунинг учун у насб ҳолатида.

(*تَثْبِيتًا* мустаҳкам ишонч билан). Унга атф қилиниб, бу ҳам ҳол бўлиб келяпти. Мана шу гап мафъулун liaжлиҳи бўлгани учун насб бўляпти, деган гапдан кўра рожихроқ. Негаки, агар мафъулун liaжлиҳиликка биноан насб бўладиган бўлса, олдинги сўз ҳам мафъулун liaжлиҳи бўлиб, унга атф қилинган бўлади. Лекин бунда мақсад қилинган маънога зид бўлиб қолади. Негаки, мўминлар олдин ҳақиқат устида собит бўлмай, кейин шу собитликка эришиш учун инфоқ қилаётганлари йўқ. Улар инфоқ қилишдан олдин ҳам собит эдилар. Ёки шу қилаётган нафақалари Аллоҳ рози бўладиган жойга тушишда собит бўлишини исташиб, бу ишни қилдилар. Ҳар иккиси ҳам бу сўзнинг мафъулун liaжлиҳиликдан кўра, ҳолликка биноан насб бўлиши рожихроқлигига қаринадир.

(*كَمَثَلِ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ*) мисоли худди адирликдаги боққа ўхшайди) жаннат, боғ.

(*رَبْوَةٍ*) сўзи сал тепаликроқ жойда жойлашган сертупроқ, серҳосил ер, деган маънони англатади.

(*أَصَابَهَا وَاِبِلٌ* шаррос қуйган ёмғир теккач) яъни, қаттиқ ёмғир.

(*فَقَاتَتْ أَكْهَانًا*) яъни, мева берди, ҳосил берди.

(**ضِعْفَيْنِ** *икки баробар*) яъни, бошқа жойларга нисбатан икки баробар кўп мева берди, ҳосил берди.

(**فَإِنْ لَمْ يُصِبْهَا وَابِلٌ فَطَلٌّ**) *энди агар унга шаррос қўйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилади*) яъни, шудрингга ўхшаб кетадиган озгина ёмғир. Шунинг ўзи ҳам одатдаги ҳосилни беришга кифоя қилади.

Агар қаттиқ ёмғир ёғса, ҳосилни икки баробар кўп беради. Кўп ёмғир ёғмаса ҳам, одатдаги ҳосилни бераверади. Яъни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳосил беради.

Кейин Аллоҳ Таоло ўз садақаларини миннату озор билан йўққа чиқарадиган кимсалар учун олдинги икки масалдан бошқа яна бир масал зарб қиляпти.

Биринчи масалда, ўз молини риё учун, хўжакўрсинга сарфлайдиган мунофиқ тасвирланганди.

Иккинчи масалда бундай нафақанинг силлиқ тош устидаги тупрокқа ўхшаши, агар қаттиқ ёмғир ёғса, ундан асар ҳам қолмаслиги айтилганди.

Мана бу оятдаги учинчи масалда эса у шундай тасвирланади: Бир улкан боғ эгаси бўлиб, у ўз боғидан фойдаланиб, эҳтиёжларини қондириб юарди. Ёши бир жойга бориб қолганида унга ёрдам берадиган балоғат ёшига етган зурриёди ҳам йўқ эди. Мана шу пайтда унинг боғи ёниб кетди. У эса қариб қолгани туфайли энди боғини тузата олмайди. Зурриёди ҳам ҳали кичик бўлиб, унга ёрдам беролмайди. Мана бу жожевий мусибат!

Демак, ўз садақаларини миннату озор билан йўққа чиқарган кимса ўзининг тирикчилик манбаи унга энг муҳтож бўлиб турган бир пайтида ёниб кетган кимсага ўхшайди.

Бу масал ҳис этиладиган масалдир. Ҳеч қандай молу фарзанд асқотмайдиган, Аллоҳнинг олдига саломат қалб билан боришдан бошқа нарса фойда бермайдиган кунда кишининг ўзи қилган садақаларидан фойдалана олмасдан ўз боғидан унга энг муҳтож бўлиб турган бир пайтида ажраган кимсага ўхшаб туришини бир тасаввур қилинг!

Бу масал шунингдек, яхши ишни қилиб-қилиб, пировардда ёмон ишни қилган ва шу билан яхши амалини куйдириб юборган, чиппаққа чиқарган кишига ҳам тушади.

Бухорий Убайд ибн Умайрдан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб бир куни Пайғамбар ﷺнинг саҳобаларига, мана бу

﴿أَيُّودٌ أَحَدُكُمْ أَنْ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ﴾

(*Сизлардан биронтангизга хурмою узумлари бор боз бўлишини истайдими?*) ояти кимлар ҳақида нозил бўлган, деди. Улар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари билувчироқ, дейишди. Умар бу жавобдан ғазабланиб, биламиз ёки билмаймиз, денглар, деди. Шунда Ибн Аббос, эй мўминлар амири, бу ҳақда менинг ўз фикрим бор, деди. Умар, гапир, эй жиян, тортинма, ўзингни паст олма, деди. Шунда Ибн Аббос, бу бир ишга зарб қилинган масалдир, деди. Умар ﷺ қайси ишга, деб сўради. Ибн Аббос, бир киши Аллоҳга тоат қилишда бой бўлади. Кейин унга Улуғ ва Буюк Аллоҳ шайтонни юборади. У шайтоннинг гапига кириб, яхши амалини куйдириб юборади. Яна бир ривоятда, ажали яқинлашиб, умри тугай деб қолганда ҳаётини бадбахтларнинг ишини қилиш билан яқунлайди. Умар ﷺ Ибн Аббоснинг бу фикрига рози бўлди (қаршилиқ билдирмади)».<sup>1</sup>

(*أَيُّودٌ أَحَدُكُمْ* Сизлардан биронтангиз истайдими?). Бу ердаги ҳамза инкор ҳамзаси.

(*فَأَصَابَهَا إِعْصَارٌ* ўша бозга бўрон урди). Чирпирак бўлиб самога ўрлайдиган шамол. Чанг-тўзонни тик ушлаб турадиган қаттиқ шамол. У довул, бўрон ҳам, деб юритилади.

Ўт бу самум, гармсел яъни, қаттиқ иссиқ.

Аллоҳ Таоло оятни бу зарб қилинган масаллар ҳақида тадаббур қилиб, улардан ибрат-эслатма олишга ундаш билан яқунляпти. (*يُت* бор эди). □

<sup>(1)</sup> Бухорий: 4538.

**РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ ВАСИЯТЛАРИДАН**

Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«نَعُوذُوا بِاللَّهِ مِنْ جَهْدِ الْبَلَاءِ، وَدَرْكِ الشَّقَاءِ، وَسُوءِ الْقَضَاءِ، وَثَمَاتَةِ الْأَعْدَاءِ»

**«Бало ва офатларнинг қийинчилиги, машаққат етиши, қазонинг ёмони ва душманларнинг ичқоралигидан Аллоҳдан паноҳ сўранглар».** Бухорий ривояти.

• Бало ва офатларнинг қийинчилиги деганда унинг машаққати, шафқатсизлиги, унга чидай олмаслик, ундан кутулиш ва халос бўлиш учун йўл топа олмаслик, ҳафсаласи пир бўлиш, у туфайли келадиган ҳадя ва савобларни билмаслик тушунилади. Чунки бало имтиҳон бўлиб, у яхши ва ёмонлик билан бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ وَنَبَلُّوْكُمْ بِالشَّرِّ وَالْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ﴾

**«Ҳар бир жон ўлимни тотиб кўргувчидир. Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтарилурусизлар»** [Анбиё 35]

• Машаққат етиши деганда машаққат саодатнинг зидди бўлиб, у икки хил бўлади: Ҳиссий ва маънавий машаққат. Аммо саодат фақат бир хил бўлиб, киши қалб хотиржамлиги ва кўнгил розилигини ҳис қилишдир. Бу эса, Аллоҳни ёдга олиш ҳамда у зотнинг қазо ва қадарига имон келтириш билан бўлади. Банда Аллоҳдан машаққат етишидан паноҳ сўрар экан, эътиборини турли маъсият ва ҳаром ишлардан тийишга қаратиши лозим. Бало ва машаққат ўртасида умумийлик ва хослик мавжуд. Чунки ҳар бир машаққат балодир, аммо ҳар бир бало машаққат бўлавермайди. Чунки киши бирор қийинчилик билан балоланиши ва унга сабр ва шукр қилиши мумкин. Шунда қийинчилик ҳадяга айланади. Аллоҳ Таоло бу ҳақида шундай дейди:



﴿وَلَنْبَلُونَكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ  
 وَنَشِيرِ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٦﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ  
 ﴿١٥٧﴾ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ﴾

*«Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Муҳаммад). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ ўйли топгувчилардир»* [Бақара 155-157]

• Қазонинг ёмони, ундан мақсад инсоннинг устида содир бўлган қазо, ҳукм маъносидаги қазо эмас. Аллоҳнинг қазоси адолатдир, унда зулм йўқ, яхшиликдир унда ёмонлик йўқ. Бу ерда ёмонлик қазонинг ўзига эмас, қазо содир бўлган кишига музофдир. Шунинг учун банда шуни билиши ва дуода Аллоҳга яхши одоб билан мурожаат қилиши лозим. Чунки Аллоҳ Таоло бандасига бир қазонинг бўлишини ҳукм қилса, банда уни ўзи учун ёмон бўлди деб ўйлайди, лекин у банда учун яхшилик бўлади. Банданинг ақли уни англай олмайди ва қараши чеклидир. Агар банда ғайбни билганида эди, Аллоҳ у учун танлаган нарсага рози бўлар эди. Чунки Аллоҳ Таоло бандасига камбағаллик ва касаллик каби бало ва шафқатсизлик бўлган нарсани ёки бойлик ва соғлик каби яхшиликни ҳукм қилади. Агар банда рози бўлса ва Аллоҳнинг қазосига сабр қилса ва ҳамд айтса, бу яхши қазо бўлади. Агар у рози бўлмаса ҳамда Аллоҳнинг қазосига сабр қилмаса ва ҳамд айтмаса, бу ёмон қазо бўлади. Агар банда Аллоҳ бергани ва инъом қилгани учун шукр қилса, бу яхши бало (синов) бўлади. Агар бу борада Аллоҳга шукр қилмаса бу унинг учун ёмон қазо бўлади... Демак, Аллоҳ томонидан бўладиган қазо бир хил бўлади, банда балога сабр қилиши ва неъматга шукр қилиши туфайли уни яхши қазога айлантиради. Шунингдек, балога сабр қилмаслиги ва неъматга шукр қилмаслиги туфайли ёмон қазога

айлантиради... Мана шу имон туфайли мусулмон ҳар бир ҳолат Аллоҳдан эканини, Аллоҳ уни яхши билгани учун ўша ҳолатни унга танлаганини, Аллоҳ у билан бандасини ҳурматлашни хоҳлаганини билади. Шунингдек, мусулмон ўша ҳолатга муурожаат қилиш ва муомала қилишда Аллоҳнинг буйруғини бажариш билан ҳурматли бўлиши, сабр қилиши, шукр айтиши, қаноат қилиши ва хотиржам бўлиши шартлигини билади. Мана шу яхши қазо бўлади, бўлмаса у ўзини ўзи ёмон қазога туширади.

• Аммо душманларнинг ичқоралиги деганда уларнинг мусулмонга етаётган ёмонлик, қийинчилик ва машаққатдан хурсанд бўлишларидир. Бу иш мусулмонни жаҳлини чиқаради, безовта қилади, бало ва машаққатини зиёда қилади. Мусулмон шунда сабр қилиши лозим, чунки у имтиҳон кетидан келган зоҳирдаги ёмонликдир. Лекин банда уни мустақил ёмонлик деб қабул қилиши лозим ҳамда давомли дуода бўлиши керак. Дуодаги мақталган иш мана шудир.

• Ҳадис шарҳловчилари бу ҳадисни Суфён Саврий ривоят қилгани ва уни Бухорий чиқаргани ҳақида айтишган. Суфён Саврий ҳадисга битта нарсани зиёда қилгани ҳақида очик айтган. Кўпчилик уни «душманларнинг ичқоралиги» дейишган. Лекин Бухорий Абу Ҳурайрадан: «Росулуллоҳ ﷺ Аллоҳдан балонинг қийинчилиги, машаққат етиши, қазонинг ёмони ва душманларнинг ичқоралигидан паноҳ сўрар эдилар. Суфён учта эди, мен биттасини кўшдим, лекин қайси бири эканини билмайман» деган лафз билан ривоят қилган. □

**УЛАРНИНГ ҲИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:  
РАББОНИЙ УЛАМОЛАРНИНГ НУРЛИ ПОЗИЦИЯЛАРИДАН  
ЛАВҲАЛАР**

• Қози Умар ибн Ҳабиб Рашид ҳузурдаги мажлисда ўтирган эди, бир масала борасида хусуматлашиб қолишди ва бакир чақир бошланди. Айримлари Абу Ҳурайра Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилган ҳадисни ҳужжат қилишган эди, айримлари уни инкор қилишди. Мудофаа ва хусумат кучайиб, айримлар Абу Ҳурайрани ривоят қилган ҳадис борасида тухматчига чиқариб, у кишини ёлғончи қилишди. Шунда Рошидни улар томонга оғиб, сўзларини қувватлаганини кўрдим. Ўшанда мен – бу ҳадис Росулulloҳ ﷺ дан саҳиҳ ривоят билан келган дедим. Шунда Рошид менга ғазабланган ҳолда қараган эди, жойимга қайтдим. Сўнгра ҳеч қанча вақт ўтмай, бир бола келиб: Амирул мўмининга жавоб бергин, ҳатто ўлдирилиб, мумланиб, кафанлансанг ҳам деди. Шунда айтдимки: Эй Аллоҳим сен биласанки албатта мен Пайғамбаринг дўстини мудофаа қилдим ва у кишининг саҳобаларини айблашларида Пайғамбарингни улуғладим. Мени ундан саломат қил. Сўнгра Рошиднинг ҳузурига кирдим, у икки билагини яланғочлаган ҳолда курсида ўтирар эди. Бир кўлида қилич ва икки кўли ўртасида кунда бор эди. Шунда менга қараб: Эй Умар ибн Ҳабиб менга бирортаси сен каби рад қилган ва журъат қилган эмас деди. Мен эса: Эй амирул мўминин мен Росулulloҳ ﷺ ва у киши олиб келган нарсага ҳурматсизлик бўлаётгани учун гапирдим, ҳимоя қилдим, мойил бўлдим ва тортишдим. Чунки у кишининг саҳобалари ва ҳадис ривоят қилувчилари ёлғончи бўлса, шариат ботил бўлади. Шунингдек намоз, рўза, никоҳ, талоқ ва жазо аҳкомлари рад этилади. Эй амирул мўминин сизни бундай гумон қилишингиз ва уларнинг сўзларига қулоқ солишингиздан Аллоҳ сақласин. Сиз барча одамлардан кўра, Росулulloҳ ﷺ ни ҳимоя қилишга лойикроксиз дедим. Рошид сўзларимни тинглагач, ўзига келди ва Сен мени асраганингдек Аллоҳ сени асрасин деб, ушбу гапини уч марта такрорлади. (Бағдод тарихи, 11-жилд, 197-саҳифа).

• Имом Моликка (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) Султонлар зулм ва зўравонлик қилишади, сиз эса уларнинг ҳузурига кирасиз дейишган эди, У киши: «Насиҳатчи қачон тўғри бўлган» деб жавоб қилди.

• Имом Молик Ҳорунар Рошидни ушбу машҳур сўзлари билан кутиб олган кишидир: «Сен биринчи бўлиб илми жиловлаган ва Аллоҳ ҳам сени жиловлаган киши бўлмагин». Бу

воқеа шундай юз берган эди. Ҳорунар Рошид Мадинага келгач, Бармакийга имом Молик олдига бориб, ёзган китобингни Амирул мўминин ҳузурига бориб ўқиб берар экансиз деб айт деди. Шунда имом Молик Бармакийга: Унга салом айт ва «Илмни излаб келишади, илм бошқаларни излаб бормайди» деб айт деди. Бармакий Ҳорунар Рошид олдига бориб: Эй амирул мўминин сиз Молик ибн Анасга одам юборсангиз у сизга рад жавоби қилгани ҳақида Ироқ аҳлига етиб борса нима бўлади, шунинг учун айтинг у келсин деди. Шунда Ҳорунар Рошид унга одам юборди. Имом молик эса: Эй амирул мўминин «Сен биринчи бўлиб илмни жиловлаган ва Аллоҳ сени жиловлаган киши бўлмагин», деб айтди.

- Абдуллоҳ ибн Али Аббос Дамашкни фатҳ қилгач, бир соат ичида 36000 мусулмонни ўлдирди. Сўнгра от ва хачирлари билан катта Умавийлар масжидига кирди ва одамлар орасига ўтириб, бирор киши менга қарши чиқяптими? – деб сўради. Улар йўқ деб жавоб беришди. Шунда у бундан кейин бирортаси қарши чиқа оладими? – деди. Қаршилиқ қилса Авзойи қилиши мумкин дейишди. Авзойи буюк муҳаддис, ҳадис илмида амирул мўминин, куняси Абу Омир, зоҳид ва кучли обидлардан бўлган, Бухорий ва Муслим у томонидан кўп ҳадислар ривоят қилишган. Аскарлар Авзойининг олдига боришган эди, у ўрnidан қимирламади. Аскарлар унга сени Абдуллоҳ ибн Али йўқлади дейишган эди, у: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир, озгина кутиб туринг» - деди. Сўнг бориб ғусл қилди ва кийимлари остидан кафан кийди. Чунки у масала ўлим, қатл ва қон тўкилиш масаласи эканини билди. Сўнгра ўзига айтдики: «Эй Авзойи ҳақ сўзни айтиш пайти келди Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўркма». Сўнг ушбу золим султон ҳузурига кирди. Авзойи бўлиб ўтган қиссани айтар экан, шундай дейди: Кирсам кўшинлардан бўлган устунлар икки саф бўлиб қиличларни яланғочлаб туришган экан. Қиличлар остидан юриб, унинг олдига етиб бордим. У сўрида ўтирар ва кўлига таёқ ушлаб олган эди. Пешонаси ғазабдан тиришган эди. Мен уни кўрганимда Аллоҳга қасамки, у менинг олдимда пашшадек бўлиб қолди. Мен бирортаси, на аҳлим, на мол дунё ва на аёлим ҳақида ўйладим, балки фақат Раҳмоннинг аршини ўйладим ва уни ҳисоб-китоб кунида одамлар кўриниши ҳақида ўйладим. У кўзини кўтарди, шундай ғазабланар эдики, уни ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билар эди. У айтдики: Эй Авзойи биз оқизган қонлар ҳақида нима дейсан? Мен

айтдимки: Фалончи Ибн Масъуддан, у эса Росулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилишича Росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

«لَا يَجِلُّ دَمُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا بِإِخْدَى ثَلَاثٍ: الثَّيْبُ الرَّائِي، وَالنَّفْسُ بِالنَّفْسِ، وَالتَّارِكُ لِدِينِهِ الْمُفَارِقُ لِلْجَمَاعَةِ»

«Кимки Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деса ва мени Аллоҳнинг элчиси эканимни тасдиқласа, унинг қонини тўкиш ҳаромдир. Фақат турмуш кўрган зинокор, ноҳақ одам ўлдирган ҳамда динини тарк этган ва жамоат орасига тафриқа солган киши бўлса қони ҳалол». Агар сен ўлдирган одамлар ушбу уч тоифадан бўлса, тўғри қилибсан. Агар улар ушбу уч тоифадан бўлмаса, уларнинг қони сенинг бўйинида. Шунда у таёқни ташлаган эди, салламни ечиб, қилични кутдим. Вазирлар эса кийимларини кўтариб, қон сачраб кетишидан эҳтиётлана бошлашди.

Шунда у айтдики: Биз олган бойликлар ҳақида нима дейсан. Мен: Агар ҳалол бўлса ҳисобини берасан, ҳаром бўлса жазога йўлиқасан дедим. У эса айтдики: Ол бу ҳамённи (тилла тўлдирилган ҳалтани). Мен – менга бойликнинг кераги йўқ дедим. Вазирлардан бири менга кўзини қисди, яъни ол деди. У мени ўлдириш учун кичкинагина сабаб қидираётган эди. Мен ҳалтани олиб. Чиқиб кетар эканман, тиллани аскарларга бўлиб бердим. Тиллалар тугагач: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир» биз бу сўзларни кирганда ҳам айтганмиз, чиқаётганда ҳам айтамиз дедим. Сўнг ушбу оятни ўқидим:

﴿فَانْقَلَبُوا بِنِعْمَةٍ مِّنَ اللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ يَمَسَّسْهُمْ سُوءٌ وَاتَّبَعُوا رِضْوَانَ اللَّهِ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ

عَظِيمٍ﴾

*«Бас, у юришдан бирон нохушлик етмай, Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини устадилар. Аллоҳ эса улуг фазлу марҳамат соҳибидир»*

[Оли Имрон 174]

Қирол Исмоил салибчилар билан иттифок тузиб, уларга Сайдо қалъасини ва ундан бошқа мусулмонлар қалъаларини топширди. Бу ишни Миср қироли Нажмиддин Ибн Айюбга қарши унга ёрдам беришлари учун қилди. Ўша пайтдаги уламолар султони Изз ибн Абдуссалом бу ишни рад этиб, жума куни минбардан қиролни муҳосаба қилди. Қиролни ёмонлаб, хутба орасида уни дуоибад қилди. Қирол бу ишдан хабар топгач, Изз ибн Абдуссаломни

хатибликдан бўшатиш, ҳибсга олиш ва одамларга фатво беришдан тақиқлаш тўғрисида фармон чиқарди. Сўнгра қирол уни алдаб авраш учун одам юборди. Элчи келиб, агар султонга бўйин эгсангиз мансабингиз ортиғи билан қайтариб берилади деди. Шайх эса: «Аллоҳга қасамки мен ҳатто у қўлимни ўпишига ҳам рози эмасман. Эй қавм сиз бир водийда бўлсангиз, мен бошқасидаман», дея жавоб берди. □

## ВАШИНГТОН ПОСТ: ТИНЧЛИКНИ УНУТИНГЛАР... ТРАМП ВА ИСРОИЛ ФАЛАСТИНИЛИКЛАРНИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИНИ ИСТАЙДИ

Вашингтон Пост газетаси Бахрайн семинаридан кўзланган мақсад эълон қилинганидан бошқача эканини билдирган фикрларни нашр қилиш жараёнида журналист Ишансарурнинг мақоласини ҳам нашр қилди. Унинг айтишича, бу семинардан мақсад фаластинликларни таслим бўлишга ундашдир. Мақолада билдирилишича, минтақага сармоя ётқизиш учун 50 миллиард доллар жалб қилиш номаълумлигича қолмоқда. Бундан ташқари, Трамп куёвининг дафтарида белгиланган лойиҳалардан катта қисми минтақадаги ҳукуматлар, Халқаро Банк, РАНД муассасаси ва бошқалар орзу қилган олдинги режаларнинг нусхасидир. Буларнинг барчаси (исроилликлар) билан фаластинликлар рози бўладиган тинчлик келишуви йўқлиги сабабли муваффақиятсизликка учради.

Журналистнинг таъкидлашича, президентнинг куёви ва бошқа америкалик расмийлар можаронинг якуний сиёсий ечимсиз фаластинликлар учун иқтисодий ривожланиш асло бўлмаслигини билишади. Кушнер буни Манамадаги чиқишларида ҳам билдирган. Лекин, у ва унинг командаси вакиллари тинчлик режасининг сиёсий тафсилотлари эълонини (Исроилда) бўлиб ўтадиган келгуси сайловлардан ва ҳукумат тузилишидан деярли 4 ой кейинга кечиктиришди. Унинг қўшимча қилишича, таҳлилчилар Трамп мамуриятининг (Исроил) томонидан жиддий чекинишлар бўлишини талаб қиладиган ҳеч қандай таклиф билан чиқмаслигини тахмин қилишмоқда. Босқинчиликни расман тугатиш таклифи кўтарилмаслигини айтмаса ҳам бўлади. «Аmmo, бунинг тамоман акси таклиф қилиниши ҳам мумкин».

Қароргоҳи Вашингтонда жойлашган (Янги Исроил фонди)нинг расмий вакили Гарри Райс бундай дейди: «Кушнернинг Манамадаги таклифи сиёсий мазмунга эга эмас. Чунки бу таклиф фаластинликлар учун ҳам, амалга ошириш учун ҳам мўлжалланмаган, балки фаластинликларни «йўқ» деб айтишга мажбурлашга мўлжалланган». У «нима учун?» – деган саволни ташлаб бунга: Фаластин ерларини бир томонлама (Исроилга) қўшиб олинишини эълон қилишга замин яратиш учун, деб жавоб қилади.

Журналист, шунингдек, (Исроилнинг) Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги элчиси Денни Данноннинг шу ҳафта Нью-Йорк Таймс газетасида берилган сўзларини эслатади. Унда келишича, элчи фаластинликларни «Кушнер таъминлаб беришга ҳаракат қилаётган» иқтисодий фойдалар эвазига ватанларига бўлган даъволаридан воз кечишга чақиради. (Исроилнинг) БМТдаги элчиси Фаластин давлатига интилиш «адоват маданияти»ни вужудга келтиришига ишора қилади ва ҳозирги Фаластиннинг сиёсий ва маданий руҳи ўлишини умид қиладиганини билдиради.

**Ал-Ваъй:** Америка бошчилигидаги Фарб ҳали ҳам Фаластин масаласини енгил санаб келяпти. У мусулмонларда шаклланган ҳолатни унутди чоғи. Шунга асосан, Кўрфаз ҳукмдорларининг муносабатларни нормаллаштиришга тайёр эканликларини кўриб, ўз сиёсатини ва ечим ҳақидаги кўз-қарашини зўрлаб ўтказа оламан, деб ўйляпти. Шу ерда бир саволни ўртага ташласак: авантюрачи яхудийлар ва уларнинг босқинчи вужуди билан мусулмонларнинг ҳукмдорлари ўртасида қачон кураш бўлган, ўзи?! Билъакс, кураш Уммат билан яхудийлар ўртасидагина мавжуддир. Ҳукмдорлар эса, бу курашда доим яхудийлар билан бирга бўлиб, Умматга қарши курашиш позициясида туриб келишган ва ҳамон шундай бўлиб қолишмоқда. Бу ерда ўзгарган нарса шукки, ҳукмдорлар ўзларининг яширин хиёнатларини очиқ эълон қиладиган бўлиб қолишди. Бу кучли позиция эмас, балки, шармандалик позициясидир. □

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ, КРЕМЛ ИСЛОМ ДИНИНИ ЎЗ МАНФААТИ УЧУН ИШЛАТМОҚДА

Россия федерациясида ислом православ динидан кейинги иккинчи катта диндир. Муслмонлар сони қариб 25 миллион кишини ташкил этади. 2020 йилда аҳолининг бешдан бирини, келгуси 15 йил ичида 30 %ни ташкил этиши кутилмоқда. Россия православ церковининг бош епископи Дмитрий Смирновга кўра: «2050 йилда бирон бир рус қолмайди». Россиядаги муслмонларнинг кўпчилиги Доғистон ва Чеченистон минтақасида яшайди.

Муслмонлар Россия ҳукмронлиги остида асрлар давомида зулмга учраб келдилар. Бундай зулм 16 асрда авжига чиқди. 19 аср бошларида муслмонлар Россия империяси учун жиддий муаммо туғдирдилар. Шунинг учун императрица Екатерина иккинчи муслмонларнинг диний арбобларини саралаш сиёсатини қўллаган. Бундан мақсад муслмонлар устидан, шунингдек, юрт барқарорлигига хавф туғдириши мумкин деб кўрилган исломий кўринишлар устидан назорат ўрнатиш ҳамда православ Россия ичкарасида муслмонларнинг ассимиляциясини таъмин этиш эди. У ерда муслмонлар Аллоҳ ва унинг Росули олдида ҳамда инжил, таврот, забур ва Қуръон устида буюк императорга садоқатли бўлишга қасам ичишар эди. Бу модель замонавий Россия ичкарасида Исломни ҳукмдорлар манфаати учун сафарбар этишнинг воситаси сифатида қўлланадиган бўлиб қолди. Россиянинг Шимолий Кавказ муслмонлариға қарши олиб борган урушлари ҳамда 1994 ва 2000 йиллар оралиғида чечен халқининг мустақиллик ҳаракатларини бостириши муслмонлар ҳақидаги «исломий экстремистлар» деган кўз-қарашни кучайтирди. Ислом ва муслмонлар ҳақидаги «эҳтимолли исломий экстремистлар» ва «Россияни қуршаб олиш билан хавф солаётган трансчегаравий муаммо» деган кўз-қараш ҳукуматнинг ҳукмрон кўз-қарашига айланди.

Кремл сўнгги йилларда режимга содиқ мўътадил Исломнинг янги шаклини шакллантириш учун «анъанавий ислом» терминини кенг қўлламоқда. Россия президенти Владимир Путин «анъанавий ислом Россия маданиятининг ажралмас қисми», дея баёнот берди. Россияда «анъанавий ислом» остига кирмаган ҳар қандай кўринишга Кремлга тўғридан-тўғри хавф соладиган фундаменталистик ва экстремистик кўриниш, дея қараладиган бўлиб қолди. Россиядаги ҳар қандай маҳкама «анъанавий ислом»га зид бўлган ҳар қандай китоб, нашра, қўшиқ, шиор, видеолавҳа, электрон сайт ва веб саҳифага экстремизм тамғасини ёпиштириши, сўнг адлия вазирлиги бундай материалларни «экстремистик материаллар» рўйхатиға киритиши мумкин. Кремлга кўра, Россиядаги муслмонларнинг экстремистлашиши ортидаги асосий омил ажнабий муслмонлардир. Аслини олганда бу уринишлар, Россиядаги муслмонларни «тарбиялаш» ва уларни «анъанавий ислом»га мувофиқ юришга мажбур қилишга уринишдан бошқа нарса эмас. Шундай қилиб, Кремл ислом динини ўз манфаати учун ишлатмоқда.

**Ал-Ваъй:** Дунёдаги ҳар бир давлат Исломни ўзича шарҳлайди. Россия Исломға душманлигини илғор даражада радикаллаштирди. Чунки, у билан Ислом ўртасида тарихий, жуғрофий, ҳазорий ва қонли чегара мавжуд бўлиб, у доим Исломнинг қайта тикланишидан кўрқиб келади. Суриядаги ҳарбий аралашувға Россияни айни шу нарса мажбур қилди. Чунки, у ҳарбий аралашувни Исломнинг ҳокимиятға келишини олдини олиш ҳаракати, деб ҳисоблади. Бу ишда уни черков ҳам қўллаб-қувватлади ва рус халқини бунга ишонтиришға уринди. Унинг анъанавий ислом ҳақидаги кўз-қараши Ҳизб ут-Тахрирни экстремистик ҳаракат деб ҳисоблашға ундади. Шунинг учун, Ҳизб ут-Тахрирни экстремистликда айблаб унга тақиқ қўйди ва уни террорчиликда айблаб йигитларини узоқ йиллик қамоққа ҳукм қилди... Албатта бу Исломий Халифалик тикланишидан ва Исломнинг ҳазорий кураш саҳнасиға қайтишидан кўрқидир. □